

ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК – БОШ МЕЗОН

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йигилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик тизимидағи компания, уошима, бирлашма, корхона ва ташкилотлар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, Қорақалпогистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари раҳбарлари шитирок этди.

Кун тартибида вазирлик тизимидағи 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чукурластириш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилиши якунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январдаги мажлисida белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мажлиса таъкидландики, 2016 йилда соҳанинг барча тармоқларида 47 трлн. 486 млрд сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,6 фоизлик ўсишга эришилди. Шунингдек, 217,1 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари, 29,8 млрд сўмлик (ўтган йилга нисбатан ўсиш 27,5%) ҳалқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилган. Лимит доирасида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 522,5 млрд сўм ҳажмдаги капитал қўйилмалари ўзлаштирилиб, шундан 454 млрд 875,8 млн сўмлик (4,8%) қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган.

Инвестиция дастури дорасида 13 та лойиҳа бўйича 155,2 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар жалб этилиб, бу борадаги топширик 116,7 фоизга бажарилиб, "Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури" доирасида эса 427,5 млрд сўмлик (2015 йилда 350,4 млрд сўм) маблағлар ўзлаштирилган.

Маҳаллийлаштириш Дастури асосида тизим корхоналари томонидан 17 та лойиҳа бўйича 24 млрд 437,4 млн сўмлик (прогнозга нисбатан 104,3%) маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Инвестиция, маҳаллийлаштириш, қасаначилик ва соҳанинг турли тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари доирасида тизимдаги корхоналар томонидан жами 15,7 мингта (105,3 %) янги иш ўринлари яратилган.

Ўтган йили боғбон ва соҳибкорларимиз ички ва ташқи бозорга 2015 йилга нисбатан мева-сабзавот 11,2%,

картошка 9,7%, сабзавот маҳсулотлари 10,4% кўп ноз-неъмат етиширишга эришилар.

Чорвачилик тармоқларини ривожлантириш дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. 2016 йилда йирик шоҳли қорамоллар бош сони 2015 йилга нисбатан 104,4%, кўй ва эчкилар 105%, паррандалар 106,5%, гўшт ишлаб чиқариш 104,1%, сут етишириш 105%, тухум ишлаб чиқариш 113,0 фоизни ташкил этган.

Йигилишда вазирлик тизимидағи ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг фаолияти таъкидий таҳлил қилиниб, фойдаланилмаётган имкониятлар ва ўйл қўйилган камчиликларга, ечимини кутаётган муамоларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тизимда ўтган йили ўйл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, уларнинг жорий йилда таърорланишининг олдини олиш, фойдаланилмаган имкониятлар ҳамда ресурсларни ишга солиш учун ҳар бир мутасадди раҳбар ўз ишига таъкидий ёндашган ҳолда қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳисси билан фаолият юритмоғи лозим.

Бу борада кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, дехқон хўжаликлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, замонавий, интенсив, ресурс тежовчи агротехнологияларни кенг жорий этиш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат маҳсулотлари етишириш ҳажмларини кўпайтириш каби кенг кўламли ишларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастурини зудлик билан ишлаб чиқиши ниҳоятда долзарбdir. Дехқон хўжаликларига тизимли тарзда керакли маслаҳат ва тавсиялар, уруғлик ва минерал ўғитлар, хуллас ҳар жиҳатдан кўмак берishi даркор.

Жорий йил учун озиқ-овқат дастури доирасида белгиланган мева-сабзавотчилик йўналишидаги лойиҳалар, жумладан, интенсив мевали боғлар ва янги токзорлар барпо

этиш, яроқсизларини реконструкция қилиш, музлаткичли-омборхоналар, иссиқхоналар ва қайта ишлаш корхоналарини тармоқ жадвалларида белгиланган муддатларда ташкил этилишини таъминлаш бозорларимиз тўкинлиги, нарх-наво барқарорлигининг муҳим омили эканлиги барча мутасаддиларнинг дикъат-эътиборида бўлмоғи керак.

Бу борада алоқадор ходим ва мутахассислар томонидан сабзавот, полиз, картошка экинларини экиш, янги боф ва токзорлар барпо этиш, агротехник тадбирларни сифатли қилиб ўз муддатларида амалга ошириш борасида жойларда амалий-услубий ёрдам кўрсатиш, мониторинг юритиш талаб этилади.

Мажлиса шунингдек, ирригация тармоқларини тизимили реконструкция қилиш, насос станциялари ва тик сугориш кудуклари орқали сугориладиган ҳамда сув таъминоти оғир бўлган майдонларда сувни тежайдиган технологияларни қўллаш, бу борада ташаббускор фермер хўжаликларини бирма-бир аниқлаб, уларга яратилган имтиёзларни пухта тушунтирган ҳолда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Таъкидий, таҳлилий руҳда ўтган ҳайъат йигилишида қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир масъул шахс фаолиятининг кундаклик қоидаси бўлмоғи алоҳида таъкидланди. Бу қоида тизимда меҳнат қилётган барча раҳбар ва мутахассисларнинг кундаклик шиорига айланмоғи лозим. Шунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январдаги мажлисида белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдек улуғвор ишларга соҳа мутассаддилари ўзларининг мунособ ҳиссаларини қўшадилар.

Муҳокамалар якунида ҳайъат йигилишининг қарори қабул қилиниб, 2017 йилда соҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга алоқадор дастурларнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати

МУЛОҚОТ ВА МАНФААТЛАР ҮЙГУНЛИГИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 14 январь куни бўлиб ўтган мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Президентимиз ўз маъруzasida фуқаролар билан очик мулоқотни ўйлга қўйишнинг янги самарали усул ва механизмларини амалиётга татбиқ қилиш, жумладан, барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура, ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш кераклиги, тадбиркорлар ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилиш каби истиқболимиз тараққиётини белгилаб берадиган кўплаб долзарб масалалар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Бу юртдошларимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олиниб, уларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Эндиликда аҳоли ҳокимият органларига эмас, ҳокимиият аҳолига хизмат қилиши керак деган тамойил ҳар бир мансабдор шахснинг дастурilmалига айланиши зарурлиги мажлисда алоҳида тъкидлангани фуқароларнинг давлат ва жамиятга, қонунларга ва шу билан бирга келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

— Президентимизнинг аҳоли, айниқса, тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, улар фаолиятига ноконуний аралашиб мумкин эмаслигини билдирганларини эшлитиб, очиғи, тадбиркорни давлат ва қонун ҳимоя қилаётганидан кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди Карманалик тадбиркор Ҳусан Эшмуров. — Ўтган йили якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида Сармарқанддаги “JV MAN Auto-Uzbekistan” заводидан автосамосвал олиш учун ўз маблағим ва етмаганига банкдан кредит олиб, белгилangan сум-

мани тўладим. Салкам етти ой давомида улар орқасидан югурдим. Ҳар сафар ҳар хил баҳоналарни рўйиҳа қилиб, автосамосвални ололмасдан юрдим. Ўтган йилнинг декабрь ойида мазкур масала юзасидан Боз вазирнинг виртуал қабулхонасига мурожаат қилдим. Буни қарангки, 7 ойда битмаган ишим 7 кунда ижорий натижасини топди. Янги 2017 йил — Ҳалқ билан мулоқот ва Инсон манфаатлари йилини бутун оила аъзоларимиз билан ана шундай қувонч билан кутиб олдик. Тадбиркорга шундай шароитларни яратиб берадиган мустақил давлатимизда янгича ишлаш, янгича яшашдан кўра баҳт бўлмаса керак. Чунки, қилган ҳалол меҳнатимиз туфайли ўзимизнинг ҳам, иқтисодий аҳволимизни ҳам яхшилаймиз, тўйлар қиласиз, замонавий уй-жойлар қуриб, давлатга ҳам соликларни ўз вақтида тўлаб, билдирилган ишончни оқлаймиз.

Президентимиз мажлисда мамлакатимизда 2017 йил иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири — қишлоқда янги мулкдорлар синфи — фермер

хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантиришда бартараф этилиши лозим бўлган муаммоларни алоҳида кўрсатиб ўтди. Бу эса ерни қадрлаб келаётган деҳқону фермерларни янада руҳлантириб юборди.

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев фермерларни узок йиллардан бери қийнаб келаётган муаммолардан бири — фосфорли ўғитларни етказиб беришдаги танқисликлар, уларнинг нархнавоси йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳақида сўзлаганда тўғриси, жуда ҳаяжонланиб кетдик, — дейди Навбаҳор туманидаги “Янгиер” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиги Ойбек Ҳамроев. — Ана шу муаммо туфайли фалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олган даромадимизнинг катта қисмини минерал ўғитларга ажратишимизга тўғри келарди. Эндиликда бу масалага адолатли ёндошилиб, биз етиштирган маҳсулот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари берадиган маҳсулотлар ўртасида мутаносиблик яратилади, албатта. Бу эса бизга иқтисодий барқарорлигимизни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини кенгайтириш, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Ҳа, мулоқот ва манфаатлар үйгунлиги ватанимиз тараққиёти, ҳалқимиз фаровонлигига хизмат қилади. Буни жорий йилнинг дастлабки кунларидан англаган ҳар бир юртдошимиш ўз ишига масъулият билан ёндошиб, юксак ишонч билан меҳнат қилмоқда.

Б.ТОШНАЗАРОВ,
ўз мухбиризим.

ДЕХКОН ДАЛАГА ОТЛАНДИ

ёки пахтачиликда февраль ойида амалга ошириладиган агротадбирлар

Мамлакатимиз дехқончилиги сурғма дехқончиликка асосланган. Сабаби тупроқларимизда табиий намлиқ экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун етарли эмас. Текис чўлсаҳро минтақаларида йилига 90-120 мм, тог ва тог олди минтақаларида эса 360 мм гача ёғин ёғиши мумкин. Бу факат қиши ва баҳор ойларида бўлиб, кейинчалик ҳаво ҳароратининг ошиши натижасида ушбу намлиқ ҳам буғланиб кетади.

Шунингдек, республикамиз дехқончилиги учун сувориш сувлари асосан қўшни мамлакатлардаги баланд тоғлар ҳисобига ҳосил бўлиб, дарёларимиз ушбу сувлардан тўйинади. Демак, тупроқда нам тўплаш, уни сақлаш ва уруғни (айниқса, чигитни) ернинг табиий намига ундириб олиш, фўза парваришидаги барча агротехник тадбирларни амалга оширишда сувтежовчи усусларни кўллаш дехқончилгимиз учун муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Тупроқда етарли даражада нам тўплаш ва сақлаш учун ерларни сифатли шудгорлаш, пушта олиб қўйиш, текислаш, куз-қиши мавсумида тупроқ шўрини ювиш, яхоб суви бериш, органик ўғитлар солиш, баҳорда захири суви тараш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш лозим.

Юқоридаги тадбирларни илмий асосланган тавсияларга риоя қилган ҳолда муддатида ва сифатли амалга ошириш дехқончиликда муҳим аҳамият касб этади. Шуни инобатга олиб, февраль ойида қишлоқ хўжалиги ходимларининг асосий юмушларига қўйидагиларни киритиш мумкин.

Шўр ювиш ишларини давом эттириш. Тупроқнинг шўрланиш даражасини ҳисобга олиб, кучсиз шўрланган ерларда гектарига 2000-2500 м³ сув сарфлаб 1 марта, ўртача шўрланган ерларда гектарига 4000-4500 м³ сув сарфлаб 2 марта, кучли шўрланган ерларда гектарига 6000-6500 м³ сув сарфлаб 3 марта шўр ювиш ишларини ўтказиш керак. Шўр ювиш ишлари 10 февралга қадар тугалланиши лозим.

Шўри ювилган майдонларга органик ўғитлар солиш. Ма-

ҳаллий ўғитлар ерга шўр ювилгунга қадар солинганда яхши натижা бериши аввалдан маълум. Баъзи бир сабаблар туфайли бу иш амалга оширилмаган тақдирда ярим чириган гўнг тез кунда далаларга олиб чиқилиши ҳамда фосфорли ва калийли минерал ўғитлар чизель остига солиниши лозим.

Амударёнинг қуий қисмидаги Қорақалпогистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг яхоб суви берилган ёки шўр ювилган экин майдонларида ҳайдов қатлами зичлашган бўлса, баҳорги бороналаш самара бермаслиги мумкин. Бундай тупроқли майдонлар борона тиркалган ҳолда чизелланади ёки дискаланади. Эрта баҳорги ишлов беришда тишли ва дискли бороналардан тўғри фойдаланиш тупроқнинг ҳайдов қатламини зичлаштирумасдан экишга сифатли тайёрлашни, энг муҳими намлиқнинг яхши сақланниши ҳамда ернинг оби-тобида етилишини таъминлайди.

Нам тўплаш. Ушбу тадбир, айниқса, ер ости сувлари чуқур жойлашган, кучли шамол эсадиган минтақаларда ўтказилиши жуда муҳим ҳисобланади. Бундай жойларда биринчидан, бороналашни тез ўтказиш, шудгор натижасида ҳосил бўлган марзаларни текислаш ишлари тупроқдаги намлиқнинг яхши сақланишига олиб келади. Кузда шудгор ўтказилган экин майдонларида эрта баҳорда бороналаш ишлари биринчи навбатда, сизот сувлар чуқур жойлашган, кейин эса сизот сувлар юза жойлашган майдонларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ёғингарчиликлар туфайли тўпланган намлиқнинг чигитни ундириб олишга етарли бўлмаслиги нам тўплаш ва яхоб суви берилишини талаб этади. Чунончи, кучли шамоллар таъсирида ернинг устки қисми экиш олдидан қуриб қолади. Демак, ер ости суви чуқур жойлашган, ёғин-сочин кам бўладиган оч тусли ва типик бўз тупроқларда кузқиши ойларида нам тўплаш сувини бериш муҳим агротехник тад-

бир ҳисобланади. Яхоб суви берилган ёки тупроғи ювилган майдонларда намни сақлаш мақсадида, эрта баҳорда ўтказилалигидан бороналаш ишлари зигзаг шаклдаги ва 200 мм кела-диган тишли бороналар ёрдамида бажарилади.

Қорақалпогистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг яхоб суви берилган ёки шўр ювилган экин майдонларида ҳайдов қатлами зичлашган бўлса, баҳорги бороналаш самара бермаслиги мумкин. Бундай тупроқли майдонлар борона тиркалган ҳолда чизелланади ёки дискаланади. Эрта баҳорги ишлов беришда тишли ва дискли бороналардан тўғри фойдаланиш тупроқнинг ҳайдов қатламини зичлаштирумасдан экишга сифатли тайёрлашни, энг муҳими намлиқнинг яхши сақланниши ҳамда ернинг оби-тобида етилишини таъминлайди.

Кузда шудгор ўтказилган майдонларда нам тўплаш мақсадида, эрта баҳорда (февраль охири-март ойи бошларида) 8-10 см чукурликда 2 қаторли зиг-заг борона билан бороналанади. Бороналаш бегона ўтлар сонини анча камайтиради. Бу тадбир асосан тупроқнинг етилишига боғлиқ ҳолда, жумладан Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида февраль ойида, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳамда Фарғона водийсида февраль ойининг охри ва мартнинг бошларида, Хоразм вилояти ва Қорақалпогистон Республикасида март ойида ўтказилади.

Бороналаш ер ҳайдаш йўналишига нисбатан диагонал ҳолда амалга оширилса, агрегатларнинг иш унумдорлиги ортади, ишнинг сифати яхшиланади, агрегатларнинг бурилиш жойлари камаяди.

Тупроғи шўрламмаган, намлиқ ва ёғингарчилик кам бўладиган Қашқадарё вилоятининг Нишон, Косон, Миришкор, Қарши, Муборак ва Касби туманларида, Сурхондарё вилоятининг барча ту-

манларида ҳамда Фарғона во-дийсининг баъзи туманларида ва Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида чигит пуштага экилиши сабабли пушта олиб кўйилади. Пушта олинган майдонларда турроқда намлик яхши сақланади ҳамда кесак ҳосил бўлиши кама-яди. Ерларнинг ҳайдов қатламида турроқ зичлигининг мақбул ҳолати узоқ вақт сақланади. Пушта олиш технологиясида турроқнинг устки қисмидаги ҳарорат текис далага нисбатан 1-3 дара-жа юқори бўлади. Натижада чигит барвақт униб чиқади, паҳта ҳосили 4-8 ц/га ошиши таъминланади.

Чигитни пушта ва жўяк олиб экиш учун текис ва бирмунча қия, турроғи шўрланмаган, шунингдек, кам ва ўртача шўрланган, бироқ шўри яхши ювилган дала-лар танланади. Кузда пушта олиш имкони бўлмаган майдонларда баҳорда пушта олинади ва бунга турроқнинг юза қисми етилиши билан киришилади, акс ҳолда кесак кўчиши оқибатида турроқ юзаси нотекис бўлиб, чигитни экиш сифати бузилади ва тўлиқ кўчкат олинмайди. Турроқнинг табиий намлигига чигит ундириб олиб бўлмайдиган майдонларда нам тўплаш мақсадида баҳорда 22-25 см пушта олиб, турроқнинг механик таркиби ва қишида тўпланган намлик даражасига кўра гектарига 600-700 м³ миқдо-рида захира суви берилади.

Захира суви билан тўйинти-рилган турроқларда пушта остида нам етарли бўлиб, бу чигитларнинг тезроқ ва хатосиз униб чиқшини ва турроқнинг агрофизикавий хоссалари мақбул сақланганлиги боис ниҳоллар илди-зининг жадал ва соглом ривожланишини таъминлайди. Шунингдек, пушта олинган майдонлар ер са-

тҳига қўёшдан тушаётган фойдали ҳарорат ва ёруғликни кўпроқ ўзлаштириб, фўза ниҳолларининг ривожланишини жадаллаштира-ди, қатор ораларига техник ишлов беришда ўсимликлар шикастланишининг (культиваторларнинг ниҳолни кесиб кетиши) олди олинади. Шу билан бирга ниҳолларнинг дастлабки озиқлантиришда берилган минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш коэффициенти ошади.

Шамол эрозиясига кучли чалингган турроқларни экишга тайёрлаш. Шамол эрозиясига кучли чалингган турроқлар асосан баҳорда шудгорланади. Сўнгра турроқдаги намликни йўқотмаслик ва сақлаб қолиш мақсадида ушбу майдонларни пешма-пеш борона қилиш зарур.

Механик таркиби оғир ўтлоқи-аллювиал ва ўтлоқи-ботқоқ турроқларда кечки пайт қўёш чиққунга қадар ер тайёрлаш ишларини бажариш лозим. Акс ҳолда кундузги бороналаш ёки чизеллаш натижасига ҳосил бўлган намликни тезлик билан буғланиб кетиши туфайли кесакларни майдалаш қийинлашади.

Кузда шудгор остига, шунингдек, шўр ювилган майдонларга минерал ўғитлар солинмаган бўлса экиш олдидан фосфорли

ўғитларнинг йиллик меъёрини 60-70 фоизи (физик ҳолда аммофос 200 кг/га ёки супрефос 385 кг/га, ёки PS-Агро-250 кг/га ёки нитрофос 600 кг/га) ҳамда маҳаллий калийли ўғитнинг йиллик меъёрини 50 фоизи (калий хлориди 80 кг/га) солинади. Ўғитлар муддатида ва меъёрида кўлланилмаса, турроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайиб кетади. Чунки, ҳосилнинг қарийб ярми ўғит ҳисобига шаклланади.

Гўнг чиқариш ва компост тайёрлаш. Кўп йиллик изланишлардан маълумки, маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш турроқ табиий намлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Турроққа қанча кўп маҳаллий ўғит солинса, шунча кўп углерод аж-ралиб чиқиб, ўсимликини ҳаводан озиқланиш жараёнини кучайтиради, курфоқчиликка чидамлигиги ошириб, суғориш орасидаги муддатни узайтиради. Маҳалий ўғитларни далаға чиқариш билан биргаликда улардан самарали фойдаланиш мақсадида, органик ўғитларга (корамол гўнги, парранда қийи, шаҳар чиқиндилари) дараҳт барглари, ем-ҳашак бўлмайдиган зироатларнинг қолдиқлари, эски девор кесаги, ариқ ва зовур лойқаси ёки экишда фойдаланилмайдиган дўнглиқдаги турроқларни ҳамда табиий захиралари мавжуд бўлган кўмир кукуни, фосфорит ва ноанъанавий агрорудалар (бентонит, бентонитсимон лойлар, глоуконитлар ва бошқалар) дан компостлар тайёрлаш тавсия этилади. Бунда компост тайёрланадиган ўранинг узунлиги 40-50 метр, эни 3-3,5 метр, чуқурлиги 1,5-2,5 метр атрофида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Шуни таъкидлаш керакки, ариқ ва зовурларни тозалаш, ички ва ташқи сув кириш тармоқларини таъмирлаш ишлари асосан февраль ойида бажарилади. Ҳар бир фермер хўжалигига қишки тадбирларнинг юқоридаги тавсияларга кўра, ўтказилиши паҳтадан юқори ва сифатли ҳосил учун мустаҳкам замин яратади.

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва
етиштириши агротехнологиялари
иммий-тадқиқот институти
олимлари.*

ДЕҲҚОН

Ҳали баҳор уйқудадир, кўзларини очмаган,
Оlam узра турфа-турфа рангларини сочмаган.
У кўринмас на чумнома, на ўрикнинг гулида,
Кўшиқ бўлиб янграмайди қалдириочнинг тилида.
Эндигина кўтарилар ердан қишининг ҳовури,
Кулоқларни батанг қилмас ҳали меҳнат ғовури.
Лекин бирор лойга ботиб, далани кезиб юрар,
Хаёлида сон-саноқсиз режалар чизиб юрар.
Ўйга тўла нигоҳида уфқлар акс этади,
Юрагида ташвиши билан ҳаяжон баҳс этади.

Ер — тириклик ташвишлари толиқтирган онаю,
Мудроқ босган онасининг қошида парвона у.
Лорсиллаган шудгордаги чизиқ борки — меҳнатдири,
Ўнга она юзидағи ажинлардай қимматдири.
У онадан илтижоли кўзларини узмайди,
Эртанги кун берадиган инъомини кўзлайди...
Ҳали баҳор ухлаб ётган бўлса қишининг мулкида,
Ҳали бўлса далаю дашт изғириннинг ҳукмиди,
Бу серташвии, бу безовта одам кимдир, қай жондир?
Деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир у, деҳқондир!

Машраб БОБОЕВ.

УРУГЛИК ЧИГИТНИ СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАШ ВА САҚЛАШ

Маълумки, уруглик чигитни тозалаш, саралаш, туксизлантириш ва дорилаш ишларини давлат стандарти талаблари асосида бажарилиши пахтадан мўл ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда республикада уруглик чигит тайёрлаш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Уруглик чигитни белгиланган муддатларда сифатли қилиб тайёрланишида “Ўздавуруғназоратмарказ”, Ёзга уруғчилиги Республика маркази, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва уларнинг жойлардаги бўлимлари мутахассисларининг ўрни катта.

Уруглик чигит UZ DSt 663: 2006 Ўзбекистон давлат стандарти талаблари асосида тайёрланади. Чигит экишда Давлат реестри рўйхатидан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш тавсия этилган ёззанинг суперэлита, элита ҳамда биринчи, иккинчи ва учинчи авлодли уруглик чигитдан фойдаланилади.

Уруглик чигитлар тукли, кам тукли ҳамда туксизлантирилган ҳолда тайёрланади. Нав тозалиги суперэлита ва элита авлодли уруглик чигитда 100%, биринчи авлодда 99%, иккинчи авлодда 98% ва учинчи авлодда 96%дан кам бўлмаслиги шарт.

Бундан ташқари, уруглик чигит унувчаник, намлик, туклилиги, механик шикастланганлик ва қолдиқ тола кўрсаткичлари каби сифат кўрсаткичларига мос бўлиши керак. Жумладан, унувчаник камида 90%ни, намлик 10%ни, ифлослик туксизлантирилган чигитларда 0,3%ни, кам тукли чигитларда 0,5%ни ва тукли чигитларда 0,7%ни, туклилиги туксизлантирилган чигитларда кўпи билан 0,5%ни, кам тукли чигит-

ларда 2,5%ни, механик шикастланганлик кўпи билан 7-8%ни ташкил этиши лозим.

Пахтачиликда турли касаллик, зааркунанда ва микроорганизмлардан ҳимоя қилишда уруглик чигитни сифатли дорилаш муҳим тадбир ҳисобланади.

Илдиз чириш ва гоммоз касалликларига қарши уруглик материални дорилаш учун П-4

Дорилаш жараёнида уруглик материалнинг сифатига, кимёвий препаратлардан ишчи эритма тайёрлаш меъёрларига ва жойларда санитар талабларни таъминлаш қоидаларига амал қилиниши шарт. Уругликни дорилаш препаратнинг сувли суспензияси ёки унинг сувдаги эритмаси билан бажарилади. Препаратларнинг чигитларга ёпишувчанлигини яхшилаш мақсадида, ёпишқоқ кўшимчалар ишлатилади. Пахта тозалаш корхоналарида уруглик чигит ярим ҳўллаш усули билан дориланди. 1 тонна тукли чигит учун 25-30 литр ишчи эритма ишлатилади.

Дориланган уруглик чигитлар уч катламли қофоз қопларга массаси 30 кгдан (+,-1) ошмаган ҳолда қопланиб, оғзи зич қилиб беркитилади.

Тайёр уруглик чигит олдиндан текширилган махсус омборларда селекцион нави, авлоди, миқдори ва бошқа кўрсаткичлари бўйича алоҳида сақланади. Омборнинг томи тўлиқ ёпилган бўлиши ва ундан чакка ўтмаслиги; қопланган уруглик чигитларни сақлаш учун етарли миқдордаги ёғоч тагликларининг бўлиши; қишлоқ хўжалик зааркунандаларига қарши ишлов берилганини тўғрисида тегишли далолатнома тузилган бўлиши шарт.

Юқорида санаб ўтилган тадбирлар оқилона бажарилса, фермер хўжаликлари сифатли уруглик билан таъминланиб, чигитларни бир текис ундириб олинишига ҳамда пахтадан мўл ҳосил олинишига замин яратилади.

Ж.АБДУРАЙИМОВ,

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.



65% сус.к. 4.0 л/га, Дальброн 6.0-7.0 кг/т, Зирх 36% 2.0-2.3 кг/т, Баҳор 93% с.э. 0.65 л/т, Узхитан 2% с.э. 20.0 л/т юқори биологик самарадорли уруғ дорилагичлар ҳисобланади. Ёззанинг ёш ниҳол пайтида зарар етказувчи зааркунандаларга қарши эса, Ортен 75% н.кук 4.0 кг, Далучо 70% кук. 5.0 кг ва Крузер 3,0 кг 1000 кг уруғ ҳисобида ишлатилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу препаратлар ёззани илдиз чириш ва гоммоз касаллигига ва шира-трипларга ишлатиш учун Давлат кимё комиссиясининг махсус рўйхатига киритилган.

ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ТЎГРИ ЖОЙЛАШТИРИШ МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИДИР

Мустақиллик йилларида Ҳукуматимиз томонидан ғўза селекцияси ва уруғчилигига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, селекция ва уруғчилик ишларини ривожлантириш мақсадида, бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши бу соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги 491-сонли қарорида селекция, уруғчилик, навларни янгилаш, пахтанинг тола сифати юқори бўлган янги тезпишар навларни амалиётга жорий этиш ва уларни мамлакатнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида оқилона жойлаштиришни ҳар томонлама тақомиллаштириш ва жадаллаштириш устувор давлат вазифаси эканлиги белгиланди.

Мазкур қарор билан янги ғўза навларини яратиш, селекционер ва уруғчи олимларни, элита ҳамда уруғчилик ҳўжаликларни моддий рағбатлантириш, уруғлик сифатини дунё андозалари даражасига кўтиши вазифалари белгилаб берилди.

Лекин, бугунги кунда бу борада олиб борилаётган ишлар кўлами замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Мамлакатимизда экиб парваришиланаётган ва тайёрланыётган уруғлик эртапишар-10 октябргача ҳосилни териб олиш, юқори рентабеллик, ташки ва ички бозорда рақобатбардошлиликни таъминлаш кафолатини бериши зарур. Бу вазифаларни амалга ошириш эса ўз навбатида, иммий-тадқиқот ишлар натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилишни, пахтачилик, селекция, уруғчилик ва уруғшунослик соҳасидаги иммий изланишларни ривожлантиришни тақозо этади.

Нав яратиш, навнинг уруғчилигини ташкил этиш ва навларни мос келадиган минтақаларга тўғри жойлаштириш тизимининг барча босқичларидаги фаолиятининг фан ва амалиёт билан интеграциялашуви-агросаноат мажмуаси учун ўта муҳимдир. Бироқ фан ва амалиётда уруғ ва тола сифатини таҳлил қилиш ва ўрганиш учун намуналар танлашдаги фарқ, тадқиқот ва синов ишлари учун чекланган миқдорда уруғликлардан фойдаланиш, муддатлифик назоратининг етарли даражада эмаслиги, бирламчи уруғчиликдаги ҳолатга ҳамда нав учун кулагай бўлган минтақаларни тўғри танлашга салбий таъсир этади.

Республикамизда тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, навларни жойлаштириш бўйича 5 та минтақа белгиланган:

1. Ўта тезпишар навларни, яъни 108-Ф ғўза навига нисбатан 12-15 кун эртапишар навлар экиладиган минтақалар. Бу минтақага денгиз сатҳидан 900-1300 метр баландликда жойлашган, самарали ҳарорат миқдори 1900-2000°C. бўладиган Косонсой ва бошқа туманлар киради.

2. Тезпишар навларни, яъни 108-Ф ғўза навига нисбатан 8-10 кун эртапишар навлар экиладиган минтақалар. Бунга шимолий вилоятлар текислик минтақалари, Қорақалпостон Республикасининг шимоли, Тошкент ва Самарқанд вилоятининг тоғли туманлари кириб, бунда самарали ҳарорат миқдори 2000-2150°C ташкил этади. С-4727, Омад ва бошқа навлар экилади.

3. 108-Ф нави типидаги ғўза навлари экиладиган, яъни марказий вилоятлар, текислик ва тоб олди денгиз сатҳидан 100-850 метр баландликда жойлашган минтақалар киради, самарали ҳарорат миқдори 2150-2500°C.

4. Тошкент, Андижон, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларининг сув таъминоти яхши бўлган минтақалари киради.

5. Ингичка толали навлар экиладиган минтақалар.

Об-ҳавонинг кескин ўзгариши туфайли юқоридаги минтақалар қайтадан ўрганиб чиқилиб, уларга баъзи бир ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Ғўза навларининг эртапишарлик кўрсаткичи муҳим-хўжалик белги ҳисобланади. Бу кўрсаткич пахта майдони минтақалар об-ҳаво шароити, яъни иссиқликнинг етарли даражада эмаслигини ҳисобга олиб, техник экиннинг ҳосилдорлиги ва тола сифатини маълум миқдорда белгилайди.

Совуқ тушунга қадар, эрта териб олинган пахта хомашёсида биринчи саноат навига мансуб тола, кеч муддатларда териб олинган пахтадан кўп бўлиши маълум. Бирин-

чи саноат навига мансуб пахтадан тола чиқиши 32-34 % бўлса, учинчи-тўртинчи саноат навига мансуб пахтанинг тола чиқиши 24-28 % га тенгдир.

Деҳқончиликда умумқабул қилинган тамоил мавжуд, яъни ҳар бир минтақага фақат ана шу минтақа учун районлаштирилган (реестрга киритилган) ва истиқболли навлар экилиши мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда Қорақалпостон Республикаси ва вилоятлар бўйича Адолат-1, С-9085, УзПИТИ-201, УзПИТИ-202, УзПИТИ-203, Порлоқ-1, Келажак, Ишонч, Ўнқўрён-2, УзПИТИ-2601, С-01, Порлоқ-2, С-8286, Жарқўрён, С-6565, АН-419, АН-519, УзПИТИ-103, УзФА-703, УзФА-705, Порлоқ-4, Генофонд-2 ва бошқа ғўза навлари истиқболли этиб белгилangan.

Навларни жойлаштиришда уруғлик фондини механик ва биологик аралашиб кетишига йўл қўймаслик ва навнинг муаллиф тавсифи доирасида навдорлик белги ва хусусиятларини сақлаб қолиш зарур.

Бу борада ҳал қилувчи тавсия Қишлоқ ҳўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси холосаси бўлиши керак, табиийки ишлаб чиқаришга жорий этиладиган нав давлат нав синаш комиссияси томонидан чуқур ўрганилгандан сўнг тавсия этилади.

Бунинг учун навлар экилган майдонларда албатта фазовий чегара (изоляция) бўлиши, пахта тозалаш заводларидаги технологик линиялар бир уруғлик партияси тозаланиб бўлгандан сўнг яхшилаб тозаланиши, шундан сўнг иккичи уруғлик партияни тозалашга ўтиши ҳамда битта ҳўжаликда битта нав экилиши лозим.

Нав янгилашнинг беш йиллик схемасидан келиб чиқиб, 1 га элита майдонидан олинган уруг 1000 га кейинги репродукция майдонларини таъминлашга этишини ҳисобга олиб 1,2 млн.га учун 38-40 та элита уруғчилик ҳўжалигини колдириш ва уларни лицензиялаш асосида танлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Янги навлар уруғчилиги, селекциянинг бошлангич давридан бошлиб ташкил этилишига эътибор берилishi керак. Конкурс нав синонинг янги навнинг меъёрига етка-

зилган уруулари берилиши, яъни янги навларнинг дастлабки уругчилиги селекцион ташкилотларда кенг қамровда амалга оширилиши, шунингдек, элита урууларини етиштиришда, нафақат муаллифлик назорати, балки олимларнинг бу борада бевосита иштирок этишлари лозим.

Навларни жойлаштириш –бу навлар ва нав агротехник тадбирларини танлаш механизмидир. Навларни жойлаштириш билан пахтачиликдаги муаммоларни тұлалигича ҳал этиб бўлмайди.

Бунда комплекс ёндашув, яъни ташкилий ва агротехник тадбирлар, юқори дала маданияти, алмашлаб экиш, тупроқнинг мелиоратив ҳолати, унумдорлиги ва вилт билан зарарланғанлиги (замбуруғнинг тури ва рассаси) каби жиҳатлар ҳисобга олиниши керак. Мұхими, бунда навлар бўйича экин майдонларини кенгайтириш ёки қыскартириш ишлари олдиндан режалаштирилиши лозим. Навларни жойлаштиришда истиқболга мүлжалланган режалаштириш уруғчиликни ташкил қилишни тартибга солувчи реал йўналишидир.

Шунингдек, навларни жойлаштиришда истиқболга мүлжалланган ва ҳар йили қўшимча ва ўзгартириш киритиб бориладиган режалаштириш уруғчиликни ташкил қилишни тартибга солувчи реал йўналишидир.

Навларни жойлаштиришда илмий асосланган ёндошувнинг яна бир ҳисобга олиниши керак. Мұхими, бунда навлар бўйича экин майдонларини кенгайтириш ёки қыскартириш ишлари олдиндан режалаштирилиши лозим. Навларни жойлаштиришда истиқболга мүлжалланган режалаштириш уруғчиликни ташкил қилишни тартибга солувчи реал йўналишидир.

Кўпнавлиликнинг асосий сабаби навларнинг сони эмас, балки нав экин майдонларининг бир-бiriдан тарқоқ ҳолда жойлаштирилишидадир. Шу боис бир вилоятда жойлаштирилган нав тарқоқ ҳолда

эмас, балки яхлит бир табиий минтақада жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Навларни вилоятлар маъмурий чегаралари доирасида эмас, балки вилоятлар тупроқ-иқлим минтақалари бўйича районлаштиришни йўлга кўйишга эътибор бериши зарур. Чунки, ҳар бир вилоят ҳар хил тупроқ-иқлим минтақаларидан иборат эканлигини ҳисобга олсак, навларни вилоятлар бўйича районлаштириш, шу навни етиштириш учун ноқулай бўлган минтақага тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун вилоятлар обҳаво, тупроқ ва иқлим минтақаларини ҳисобга олиб, навларни тўғри жойлаштирган ҳолда етиштириш технологияларини кўллаш юқори, эртаги ва сифатли ҳосил ҳамда тўлақонли уруғлик олишни белгилайди.

А.НАРИМАНОВ,

Қишлоқ ҳўжалик экинлари навларини синаси Давлат комиссияси бўлим бошлиги қ.х.ф.д.,

Ж.АБДУРАЙИМОВ,

тадқиқотчи.

Мутахассис таклифи

ўзгартириб турилиши, яъни бир йил чуқурроқ, иккинчи йили саёзроқ ҳайдашни ташкил этиш;

- ҳайдаладиган майдонларни 2-3 йилда бир маротаба, дала четларини эса ҳар йили ГРП-3/5 русумли чуқур юмшаттичлар (2-расм) билан 45-50 см чуқурликда юмшатиб туриси юқори натижага беради.


Юқоридаги тадбирларни сифатли ва белгиланган муддатларда ўтказилиши тупроқда кўплаб нам тўпланиши, ўсимликларнинг яхши ривож-

ТУПРОҚ ОСТИ ЗИЧЛАНГАН ҚАТЛАМНИ ЮМШАТИШ

Маълумки, тупроқнинг зичланиши ҳар қандай экин ниҳолларининг ривожланишини сусайтириб, ҳосилдорлигини кескин пасайишига олиб келади.

Тупроқнинг зичланишига энг юқори даражада таъсир этувчи омиллардан бири - бу қишлоқ ҳўжалиги агрегатларини дала бўйлаб ҳаракати ҳисобланади. Ҳар сафар агрегат дала бўйлаб юрганда (ер ҳайдаш, тирмалаш, молалаш, уруғ экиш, қатор

Ҳайдалган тупроқ қатлами



Зичланган тупроқ қатлами

1-расм. Тупроқни бир хил чуқурликда қайта-қайта ҳайдалиши натижасида зичланган тупроқ қатламини ҳосил бўлиши

ораларига ишлов бериш ва ҳакозо тупроқнинг зичланиши ортиб боради.

Шу билан бирга фермер ҳўжалик-ларининг экин майдонларини кенгайиб бориши катта ўлчамли, оғир

тракторлар ва комбайнлардан фойдаланиши тақозо этади. Бу ҳам тупроқни янада зичлантиради.


Айниқса, ҳар йили ер ҳайдаш ишлари бир хил чуқурликда бажарилганда ҳайдалган тупроқнинг ости қисмida ўта зичланган қаттиқ қатлам ҳосил бўлиши натижасида унинг юқори ва пастки қисмida жойлашган тупроқ қатламлари орасида ўзаро табиий жараёнларни ўзгаришига олиб келади (1-расм).

Сунъий равищда ҳосил қилинган зичлашган қатлам тупроқда йиғилган намликни тупроқ остига чуқурроқ кириб боришига тўсқинлик қилиши натижасида у орқага қайтиб ҳавога тезроқ парланиб кетишига сабаб бўлади. Оқибатда ўсимликларни парваришилаш даврида табиий шароитта нисбатан 1,5-2,0 маротаба тезроқ чанқаши ва уларнинг ривожланишини секинлашига ва ҳосилдорлигини кескин пасайишига олиб келади.

Тупроқ ости зичланишининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида:

- ҳайдов чуқурлигини ҳар йили

Тупроқ ости қаттиқ қатламни юмшатиш



2-расм. ГРП-3/5 русумли чуқур юмшаттич билан тупроқка чуқур ишлов бериш

ланиши ва серҳосил бўлиши ҳамда шўрланган ерлар шўрининг сифатли ювилишини таъминлаш билан бир қаторда механизациялаштирилган ишларни бажаришда ёнилғи сарғини камайтирилишига эришилади.

С.АЛИҚУЛОВ,
ToшДАУ.

КУЗГИ ФАЛЛА ЭКИНЛАРИНИ ФЕВРАЛЬ ОЙИДА ПАРВАРИШЛАШ

Мамлакатимиз фермер хўжаликлари ва соҳа мутахассисла-рининг асосий мақсади бошоқли дон экинлари экилган ҳар бир гектар ердан юқори ва сифатли ҳосил етиширишдир. Республиканиг тупроқ-иқлим шароити хилма-хиллиги, охирги йиллардаги сув танқислиги кузги буғдой етиширишда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Фалла етишириш технологияси ҳар бир минтақада ўзига хос бўлиб, эътибор ўша тупроқ-иқлим шароитида юқори ва сифатли дон етиширишга қаратилган бўлиши керак.

Фаллани азотли ўғитлар билан 1-озиқлантириш ишлари февраль ойининг ўрталарига тўғри келишини ҳисобга олиб, мавжуд ўғит сепиш мосламалари, (НРУ-05) ўғит ташиб учун мўжалланган транспорт воситаларини тўлиқ таъмирдан чиқариш ўғитлаш мавсумини қисқа муддатда якунлаш имкониятини беради. Шунингдек, ҳудудлар бўйича фермер хўжаликларига 1 ва 2-озиқлантириш учун етарли миқдордаги минерал ўғитлар захирасини яратиш талаб этилади.

Фаллани озиқлантириш учун тўғридан-тўғри шартнома асосида етказиб бериладиган азотли минерал ўғитлар учун талаб этиладиган маблағларни банк тижорат кредити ва устав жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳал этиш лозим. Шунинг учун фермер хўжалиги раҳбари январь ойида “Агробанк” билан шартнома тузиш ишларини ўз муддатларида амалга ошириши шарт. Бу эса, фалла ҳосилининг давлат буюртмасидан ташқари етишириладиган қисмини ошишига замин яратади.

2016 йил декабрь 2017 йил январь ойларининг бирмунча илиқ келиши зааркунанда, ҳашаротлар ҳамда бегона ўтларининг ўтган йилга нисбатан кўп бўлиши кутилмоқда. Шунинг учун ҳар бир гектар фалла майдонига талаб этиладиган гербциздлар, фунгидциздлар ва петициздлар захирасини яратиш лозим. Шунингдек, фалла майдонларининг атрофларини хас-хашаклардан, гўзапоялардан тўла тозалаш керак.

Ойнинг энг муҳим тадбирларидан бири бу — фалла майдонларида ниҳолларни қишлоvdан чиққанligini аниқлаш ҳамда фаллани 1-озиқлантириш ҳисобланади.

Республика ҳудудларининг жойлашган ўрни ва об-ҳаво шароитига қараб эрта баҳорги озиқлантириш

нинг ўртача муддати 10—25 февралга тўғри келади. Эрта баҳорги озиқлантиришда азотли минерал ўғитларни бир гектарга физик ҳолда ўртача 200—250 кг бериш тавсия қилинади.

Эрта баҳордаги азотли минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари энг биринчи навбатда, кечки муддатда экилиб, қишлоvdан қийинчилик билан чиқсан майдонларда, қўшимча гектарига 100 кг.дан бериб, кейин уруғлик етишириш учун экилган майдонларда ва ниҳоят қолган майдонларда ўтказилиши зарур.

Эрта баҳорда тупроқ таркибидағи озуқа моддалар миқдори камайиб кетишидан ташқари, фалла ниҳоллари нимжон ҳолда қишдан чиқади ва озуқа моддаларга талабчан бўлади. Эрта баҳорги азотли минерал ўғитлар билан озиқлантириш кўчат қалинлигини барқарорлаштиради. Фалла ниҳолларини тупланиш жараёнини жадаллаштиради ва 1m^2 майдонда 550—600 тагача маҳсулдор поя ҳосил қилишга эришилади. Озиқлантиришни ўз муддатида ўтказиш ҳисобига бир гектар ердан 4—5 центнергача қўшимча ҳосил олинади.

Биринчи озиқлантириш учун бериладиган азотли минерал ўғитлар меъёрини аниқлашда ўсимликларда ўсиш жараёни бошланиши мухим ўрин тутади. Агар ўсимликларда ўсиш жараёни кеч бошланса, бу даврга келиб ҳаво ҳарорати тез кўтарилади, ривожланиш фазаларини ўтиш вақти ва озиқа моддалар ўзлаштирилиши пасайди. Шу даврда ўсимликда тупланиш ва генератив органлар ривожланишини кучайтириш мақсадида азот меъёрини йиллик меъёрига нисбатан 25 фоиз эмас, 30 фоизга оширилиши тавсия қилинади. Бундан ўғитлаш кўпайиб кетганда эса азотнинг ортиқча қисми сув ёки ёғингарчилик билан ювилиб кетади.

Озиқлантиришдан сўнг ҳар бир минтақада тупроқ намлиги ва иқлими шароитини ҳисобга олган

ҳолда гектарига 700—800 куб.м. ҳисобида сугорилади. Сугориш жараёнида қўшимча озиқлантириш мақсадида жамғарилган маҳаллий ўғитларнинг 60—70 фоизи шарбат усулида оқизилиши яхши самара беради.

Эрта баҳорда буғдой майсалари ривожланиши суст бўлган майдонларга, минерал ва маҳаллий ўғитлар берилиши ўсимликларни эрта баҳорги ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Бунда асосан кеч экилган ёки ривожи паст бўлган фаллалар эътиборга олиниши керак.

Бу даврдаги озиқлантириш республикада экилган навларнинг биологик хусусиятларига асосан эртапишар (Чиллаки, Андикон-4, Бобур, Звезда, Марс-1, Омад, Матонат, Замин-1, Яксарт, Туркистон, Кума, Есаул, Старшина), ўртапишар (Восторг, Гром, Нота, Таня, Краснодарская-99, Зимница, Бригада, Табор, Юка, Андикон-2, Аср, Давр, Дружба, Эломон, Фозон) ва кечпишар (Память, Андикон-1, Дурдона) навларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки эртапишар навлар бошқа навларга нисбатан 7-10 кун эрта началаш фазасига киради. Бу эса эртапишар навларни бошқа навларга нисбатан 10 кун эртароқ озиқлантиришни талаб этади.

Ойнинг охирида далани кузатувчи агрономларнинг хуносаларига кўра, касалликлар, зааркунанда ҳашаротлар ва бегона ўтлардан кучли заарланган майдонлар аниқлашиб чиқилишига алоҳида эътибор бериш керак.

Бошоқли дон экинлари ҳосилини етиширишда номлари ва муддатлари қайд этилган агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши деҳқончиликда ўта мухим ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб агротехник чора-тадбирларни белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилиши мўл ҳосил гарови бўлиб хизмат қилади.

Р. СИДДИКОВ,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори,
қ.х.ф.д.,

Ў. МАҲМУДОВ,
ТошДАУ магистранти.

ОМИЛКОРЛИК ДАРОМАД КЕЛТИРАР

ёки лалмикор майдонлар экинлари агротехнологиялари хусусида

Мамлакатимизнинг лалмикор майдонларида тупроқ-иқлим шароитлардан келиб чиқиб илмий асосланган мақбул тизим асосида дехқончилик юритиш лозим. Шунда дехқонларимиз кўзланган ҳосилни олишга эришадилар.

Сўнгти ўн йилларидан мобайнида республиканинг лалмикор майдонларида иқлимининг глобал исиши натижасида кузги бошоқли дон экинларини экиш даврида (октябрь) тупроқ намлигининг кескин камайиб кетиши кузатилмоқда. Бундай шароитда ерни сифатли шудгор қилишнинг умуман иложи бўлмайди. Шу сабабли, аксарият кўпчилик йилларда кузги бошоқли дон экинларини эрта баҳорда экишга тўғри келмоқда.

Баҳорги фалла экинлари. Лалмикор майдонларда баҳорда экилган бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан бири тупроқда намликни кўпроқ тўплаш, сақлаш ва ундан самарали фойдаланишни таъминладиган агротехнологияларни қўллаш мувхим аҳамият касб этади.

Ёғин-гарчилек билан кам таъминланган текис лалмикор майдонларда бошоқли дон экинлари уругини экишнинг мақбул муддати февралнинг охири, март ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади. Бу минтақада экиш олдидан шудгорни иккӣ йўналишда тишли оғир бороналар билан тупроқ юзасига ишлов бериш лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, ёғингарчилек билан кам таъминланган бу минтақада органик ва маъданли ўғитлар қўллаш тавсия этилмайди.

Олиб борилган тажриба ва кузатишлардан маълум бўлишича, текис майдонларда ёғингарчилек миқдори 280-300 мм ни, тупроқнинг намланиш чуқурлиги эса 1 м ни ташкил этган, баъзи йилларда баҳорги буғдойни 20-30 кг/га (соф таъсир этувчи модда ҳисобида) азотли ўғитлар билан озиқлантириш мумкин. Бу минтақада баҳорги буғдой ва арпа уругини экиш меъёри гектарига 2,5-3,0 млн донани ёки 100-110 кг/га ни ташкил этиши лозим. Буғдой ва арпанинг баҳорги ёки дуварак (икки фасли) навлари экилиши мақсадга мувофиқ.

Республикадаги жами лалмикор майдонларнинг 60% дан кўпроғини ташкил этадиган, ёғингарчилек билан ярим таъминланган (340-360 мм) текис қир-адирик минтақасида ҳам бошоқли дон экинларини эрта баҳорда экиш учун текислик минтақадаги каби куз ва қишининг очик кунларида тупроқ 20-22 см чуқурликда афдариб ҳайдалади. Экиш олдидан дискали ёки тишли оғир бороналар (ЛДГ-10, БЗТХ-1,0) ёрдамида ҳар икки йўналишда ишлов берилади. Бу минтақада 30-40 кг/га ҳисобида фосфорли ва калийли ўғитларни экиш олдидан ёки экиш билан бирга, шунча миқдордаги азотли ўғитлар билан ўсимликнинг туплаш босқичида озиқлантириш ҳосилдорликни ўртacha 3-5 ц/га ошишини таъкинлайди.



Қўллаш мувхим аҳамият касб этади.

Тоғ олди ва тоғли минтақалarda баҳорги буғдойнинг “Бахмал-97”, “Грекум-40” навларини экишнинг қулаг муддати март ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунликлари ҳисобланади. Бу муддатларда экишнинг мақбул меъёри гектарига 4-4,5 млн. донани (140-160 кг/га) ташкил этиши лозим. Экиладиган буғдой навларининг 1000 дона дон вазни 38-40 г дан кам бўлмаслиги, тозалиги ва унувчанлиги эса I ва II синф талабларига тўлиқ мос келиши лозим.

Баҳор ойларининг серёғин келиши, ҳаво намлигининг юқори бўлиши кузда ва баҳорда экилган буғдойнинг занг ва бошқа касалликлар билан кучли даражада заарланиши нафақат суфориладиган, балки лалмикор майдонларда ҳам кузатилмоқда. Шуни эътиборга олиб асосий эътиборни уруғ экишдан камида 2-3 ҳафта олдин юқори самарадорликка эга бўлган ҳамда кафолатланган фунгицилар билан яхшилаб дориланиши зарур.

Дуккакли дон экинлари. Лалмикор майдонларда фалла-шудгор алмашлаб экиш схемаларида эрта баҳорда банд шудгорга экиладиган, тупроқда азот тўплаш хусусиятига эга бўлган дуккакли экинлардан бири нўхат ўсимлиги ҳисобланади. Бу ўсимлик курғоқчиликка чидамлигининг юқорилиги сабабли қадимдан лалмикор ерларда экиб келинади.

Хозирги кунда ДДЭИТИ Фаллаорол илмий-тажриба станциясида тўйимлиги юқори бўлган, таркибида 50-55% оқсил ва турли алмашинмайдиган аминокислоталар мавжуд нўхатнинг “Жаҳонгир”, “Ирода-96”, “Ўзбекистон-32”, “Юлдуз” каби серхосил касаллик ва зараркундаларга чидамлиги юқори бўлган навлари яратилган.

Лалмикор ерларнинг ярим таъминланган текис қирадирик минтақасида нўхатнинг мақбул экиш муддати март ойининг иккинчи ўн кунлиги, экиш меъёри гектарига 60-70 кг, тоғ олди ва тоғли минтақалarda эса март ойининг охири, апрель ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади. Бу минтақалarda нўхатнинг экиш меъёри 75-80 кг/га ни ташкил этиши лозим. Бунда албатта 1000 дона дон вазнига алоҳида эътибор бериш зарур. Тупроқ намлигига қараб қатор оралиғи 45-60 см ни ташкил этиши зарур.

Лалмикор майдонларда барча дуккакли экинлар каби нўхат ўсимлиги ҳам фосфорли ўғитларга талабчанлиги юқори ҳисобланади. Лекин, нўхатнинг дастлабки ўсиш-ривожланиш босқичларида азотли бирикмаларга бўлган эътиёжини қондириш мақсадида 30-40 кг/га соф таъсир этувчи модда ҳисобида таркибида азот сақлайдиган фосфорли ўғитларни (аммофос, АФУ ва бошқалар) экиш олдидан ёки экиш билан бирга бериш мақсадга мувофиқ.

Мойли экинлар **етиштириш.** Республиканинг лалмикор майдонларида экиладиган мойли экинлардан бири **маҳсар** ҳисобланади. У кучли ривожланган ўқ илдизга эга бўлиб, тупроқнинг



1,5-2 м қатламигача кириб боради ва унинг қуи қатламиларидаги намлик захирасидан тўлиқ фойдаланилади. Шу сабабли бу экин қурғоқчиликка анча чидамли ўсимлик ҳисобланади.

Унинг уруғи тупроқдаги ҳарорат 1-2°C ни ташкил этганда униб чиқа бошлайди. Экишнинг мақбул муддати Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари нинг қуи лалмикор минтақаларида март ойининг биринчи ўн кунлиги, тоғ олди майдонларда эса март ойининг охирги ўн кунлиги ва апрель ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади. Жанубий вилоятларда эса бу экинни қиши ойларининг очиқ ва илиқ кунларида ҳам экиш мумкин.

Экиш олдидан дискали ёки тишли бороналар ёрдамида ҳар икки йўналишда 5-8 см чуқурликда саёз ишлов берилади ва дарҳол мола босилади.

Экиш меъёри қатор оралиғи 30 см ни ташкил этганда 20-22 кг/га, 45 см қатор оралиғида 15-18 см кг/га ни, экиш чуқурлиги эса тупроқ намлигига қараб 4-5 см ни ташкил этиши зарур.

Лалмикор ерларда экиш учун маҳсарнинг “Милютин-114” ва “Галлаорол” навлари тавсия этилади.

Республиканинг лалмикор майдонларида унга кучли зарар келтирадиган ва энг кўп тарқалган зарапкунандаларга маҳсар кичик ва катта узунбуруни, маҳсар пашаси ҳисобланади.

Маҳсар зарапкунандаларига қарши самарали биологик кураш усуllibарини яни, ҳар бир гектарга 500 тадан храбракон ва олтинкўз тарқатиш, шунингдек олтингурут кукуни (20-30 кг/га), олтингурут-оҳак қайнатмаси, Суми-альфа 0,2-0,3 л/га, 5 л/га ҳисобида Циперфос (Ўзбекистон) кимёвий препаратларни кўллаш мумкин.

Мой учун зигир этиштириш. Мамлакатимизнинг лалмикор майдонларида қадимдан экиб келинаётган муҳим мойли экинлардан яна бири зигир ҳисобланади.

Зигир маҳсарга нисбатан тупроқ унумдорлигига талабчанлиги анча юқори бўлиб, оғир тупроқли, зичлиги юқори бўлган, озиқа моддалар билан кам таъминланган тупроқларда ҳосилдорлиги ва мой чиқиш даражаси кескин пасаяди.

Зигир экинларнинг агротехник қулай муддати текис қир-адирлик минтақада март ойининг биринчи ярми, тоғ олди ва тоғли минтақалarda март ойининг охирни ва апрель ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади. Экиш меъёри қуи лалмикор минтақада 16-18 кг/га, тоғли худудларда эса 20-22 кг/га ни, экиш чуқурлиги тупроқнинг намлигига қараб 4-6 см ни ташкил этиши зарур.

Зигир ўсимлиги дастлабки босқичларда жуда сенкин ўсади ва бегона ўтлар томонидан қисиб қўйилади. Шу сабабли зигирни бегона ўтлардан тозалangan майдонларга экиш мақсадга мувофиқиди.

Ем-ҳашак экинлари агротехнологияси. Кўп йиллик тажрибаларнинг кўрсатишича, тупроқ унумдорлиги чуқур деградацияга учраган лалмикор майдонларда тупроқдаги органик моддалар (гумус) нинг барқарор ижобий балансини таъминлашда ҳамда унинг сув-физик ва бошқа хусусиятларини яхшилашда кўп йиллик ва бир йилик дуккакли экинлар (беда, ҳашаки нўхат, бошқалар) экиш муҳим аҳамият касб этади.

Лалмикор майдонларнинг текис қир-адирлик минтақасида 12 йиллик **беда** томонидан тупроқнинг 0-30 см қатламида тўплланган органик модда миқдори 116,03 ц/га ни, азот миқдори 182,9 кг/га, фосфор 61,0 кг/га ва калий 79,2 кг/га ни ташкил этади.

Лалмикор майдонларнинг ярим таъминланган текис қир-адирлик ва ёғингарчилик билан таъминланган тоғ олди минтақаларида беданинг “Аридная” ва “Бойгул” навлари 5-6 далали ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемасидан ташқарида 7-8 йил давомида этиштирилади. Тупроғи сув эрозиясига кучли чалинган тоғли майдонларда эса беда бевосита ғалла –беда алмашлаб экиш схемасида этиштирилади.

Кўп йиллик беда экиладиган майдонлар кузда 20-22 см чуқурлиқда шудгор қилинади. Эрта баҳорда, яъни март ойининг дастлабки кунларида дискали бороналар ёрдамида даланинг диоганали бўйича ишлов берилади. Дискали бороналар (ЛДГ 10) ўрнига чизель-культиваторлардан (ЧКУ-4) ҳам фойдаланилса бўлади.

Лалмикор ерларнинг текис қир-адирлик минтақасида беда экишнинг муддати март ойи, тоғ олди ва тоғли майдонларда апрель ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади. Экиш меъёри кўк масса олиш учун қуи минтақада 10-12 кг/га, тоғ олди ва тоғли майдонларда 14-16 кг/га ҳисобида ёппасига экилади. Беда уругини етишириша экиш меъёри 8-10 кг/га ҳисобида кент қаторлаб (30-45 см) экилади.

Барча лалмикор минтақаларида беда уруғи анкерли сошниклар билан жиҳозланган ғалла сеялкалари ёрдамида (СЗТ-3,6, ДЕМ-3,6) тупроқнинг 1,5-2 см қатламига экилиши зарур. Лалмикор майдонларда экилган беда дастлабки йилда жуда кам миқдорда биомасса тўплайди (3-4 ц/га) ва кўпчилик йилларда ўриб олинмайди. Шу сабабли, сарфланган сарф-харажатларни қисман қоплаш мақсадида, беда экиладиган далаларга кузда 70-80 кг/га ҳисобида кузги арпа экилади. Эрта баҳорда арпанинг тўлиқ туплаш босқичида 10-12 кг/га ҳисобида беда уруғи экилади ва дарҳол енгил бороналар билан ишлов берилади.



Лалмикор майдонларда экилган беда дастлабки йилда жуда кам миқдорда биомасса тўплайди (3-4 ц/га) ва кўпчилик йилларда ўриб олинмайди. Шу сабабли, сарфланган сарф-харажатларни қисман қоплаш мақсадида, беда экиладиган далаларга кузда 70-80 кг/га ҳисобида кузги арпа экилади. Эрта баҳорда арпанинг тўлиқ туплаш босқичида 10-12 кг/га ҳисобида беда уруғи экилади ва дарҳол енгил бороналар билан ишлов берилади.

Ҳашаки нўхат этиштириш. Лалмикор майдонларда тупроқни органик моддалар билан бойитиш ва структурасини яхшилашда, чорва молларини тўйимли, оқсилга бой омихта ем билан таъминлашда ҳашаки нўхат ва арпани қоплама қилиб экиш муҳим аҳамиятга эга. Бу экинлар ҳам ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемасида банд шудгорга экилади. Ҳашаки нўхатнинг “Восток 85” нави экиладиган далалар кузда ёки февраль ойининг охирни, март ойининг бошида 20-22 см чуқурликда ҳайдади. Экиш олдидан шудгорга икки йўналишда борона ва мола билан ишлов берилади. Ҳашаки нўхатнинг ётиб қолмаслиги учун уни арпанинг дуварак (икки фасли) навлари билан аралаш ҳолда экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда арпанинг экиш меъёри гектарига 60-70 кг/га ни, ҳашаки нўхатники эса 40-50 кг/га ни ташкил этиши лозим. Экиш муддати март ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади.

Арпанинг тўлиқ туплаш босқичида 30-40 кг/га соғтасири этувчи модда ҳисобида азотли ўғитлар билан озиқлантирилади. Фосфорли ва калийли ўғитлар эса кузда шудгор остига ёки экиш олдидан берилади.

Агар лалми ерларда дехқончилик қиласиган соҳибкорларимиз омилкорлик билан иш тутсалар бундай ҳудудлардан ҳам мўл ҳосил олишлари, мўмай даромад топишлари мумкин.

**Х.ЮСУПОВ,
Р.СИДДИҚОВ,
Б.ҲАЙДАРОВ,
М.ЖЎРАЕВ,**

Дон ва дуккакли экинлар ИТИ
Галлаорол илмий-тажриба стансияси.

ЭРТА ЭККАН, ЙИГАДИ

*ёхуд февралда сабзавоткорлар
амалга оширадиган юмушлар*

Айни кунларда фермер хўжаликлари ва шахсий томорқа эгалари қишининг сўнгги ойи – февралда иссиқсевар ширин қалампир, бақлажон ва помидор кўчатларини экиб, эртаги сабзавот етишириш тараддудини кўришмоқда.

Сабзавот уругини экиш

Сифатли ва соғлом кўчат тайёрлашда уругларнинг аҳамияти жуда муҳим. Бунинг учун униб чиқиши хусусияти юқори, бегона ўт ҳамда навлар аралашмасидан ҳоли уруглардан фойдаланиш мақсадга мувоғиқ. Уругни экишдан олдин вирус касалликларига қарши қиздириб олиш тавсия этилади. Бунинг учун помидор, ширин қалампир, бақлажон уруглари термостат ёки қуритиш шкафига икки кечакундуз мобайнида 50-52 ва бир сутка 80 даржада қиздирилади.

Сабзавот кўчатларини етишириш учун, аввало, кўчатхона 20-25 см чуқурлиқда ҳайдалиб, 0,8-1,0 метр қилиб пушта олинади. Пуштага уругларнинг яхши униб-ўсиши учун икки қисм чириган гўнг, бир қисм тупроқ, бир қисм қум аралашмаси солиб, текисланади. Аралашма қалинлиги ниҳол тайёрлаш учун 10-12 см. дан, кўчириб экиладиган иссиқоналарда эса 18-20 см. дан кам бўйласлиги талаб этилади.



Помидор уруғи нами бор тупроққа ҳар 1м² майдонга 8-10 г, кўчирмай бир жойнинг ўзида етиширишда ҳар 1м² майдонга 2,0-2,5 г ҳисобида уруғ сепилади.

Ширин қалампир ҳар 1 м² майдонга 14-16 г, кўчирмай бир жойнинг ўзида етиширишда 4-5 г. ҳисобида уруғ сарфланади. Бақлажонни эса ҳар 1м² майдонга 8-10 г, кўчириб ўтказилади.

май бир жойни ўзида етиширишда эса 3-4 г. ҳисобида уруғ сепилади. Сепилган уруғ устидан 1,0-1,5 см қалинликда чириган гўнг ёки қипик солингач, устидан сув сепилади.



Марказий вилоятларда кўчатхоналарга уругларни сепишнинг энг қулай муддати помидор учун 10-20 февраль, ширин қалампир ва бақлажон учун 1-10 февраль, жанубий вилоятларда 15-20 кун олдинроқ, шимолий вилоятларда эса 15-18 кун кечроқ амалга оширилиши лозим.

Бир гектар майдонга етарли миқдорда кўчат тайёрлаш учун 800-1000 г. ширин қалампир, 600 г. бақлажон ва 350-400 г. помидор уруғи сарфланади.

Кўчат тайёрлашда кўчатхона ҳарорати, тупроқ намлиги ва ниҳолларни озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Сепилган уруғлар тез униб чиқиши учун кўчатхонадаги ҳарорат бир ҳафта давомида кундузи 20-25⁰, кечаси 10-14⁰, кейинги ҳафтадан кейин кундузи 20-22⁰, кечаси 14-15⁰ бўлиши талаб этилади. Кўчатхона тупроғи намлигига кўра, кўчатларни ўсув даврида ҳар 1м² майдонга 6-7 литр меъёрида сув берилади. Кўчатлар 2-3 барг чиқарганда орасини 5x6 см. қилиб қўчириб ўтказилади.

Кўчатларни далага олиб чиқиш-

дан 6-8 кун олдин плёнкаларни очиб, ташқи муҳит шароитига мослаштириб чиниқтириш муҳим аҳамиятга эга.

Далага экиш олдидан кўчатларга иссиқхонанинг ўзида занг, ўргимчаккана ва шираларга қарши ишлов берилиб, экилиши мақсадга мувоғиқдир.

Шунингдек, ширин қалампир сингари иссиқсевар экинларни кассеталарда, полиэтилин қопчаларда,



кичик ҳажмли стаканларда маҳсус субстратлар асосида тайёрланган кўчатларини экиш ҳам яхши самара беради. Ушбу усулда очиқ майдонга экилган кўчатларни ривожланши яхши кечади, ўсимликлар хатоси камаяди ҳамда эртароқ ҳосилга киради.

Республикамизда совуққа чидамили эртаги карам кўчатларни очиқ майдонларга экиш марказий вилоятларда об-ҳаво шароитига кўра, февралнинг 2-3 ўн кунлигига, жанубий вилоятларда бундан 15-18 кун олдин, шимолий вилоятларда эса 18-20 кун кечроқ амалга оширилади. Эртаги карамнинг ҳосили



мўл бўлиши учун биринчи навбатда уни экишга мос жой танланиши муҳим аҳамиятга эга.

Эртаги муддатда экиш учун карамнинг – “Июнь”, “Номер-1” “Назоми F₁”, “Парел F₁”, “Фарао F₁”, “Моррис F₁” каби эртапишар, серҳосил навлари ва дурагайлари тавсия этилади.

Пиёз, сабзи, редис, ош лавлаги, укроп, кашнич, петрушка ва салат

уруглари жанубий минтақада 25 февралгача, марказий минтақада 5 февралдан 20 марта, шимолий минтақада 20 февралдан 25 марта гача сепилади.

Бунда редиснинг Лола, Эртапишар, Майский, ош лавлагининг маҳаллий “Диёра”, “Ягона” ва чет мамлакатларнинг “Бордо 237”, “Бикорес” навлари, “Боро F1”,



“Пабло F1”, “Водан F1” дурагайлари, укропнинг “Ўзбекистон 243”, “Ором”, кашничнинг



“Орзу”, петрушканинг “Нилуфар” каби серҳосил навлари тавсия этилади.

Пиёзнинг маҳаллий “Истиқбол”, “Зафар”, “Қоратол”, “Марғилон” маҳаллийси, “Самарқанд қизили”, чет элнинг “Алдова”, “Дайтона”, “Сибир”, “Манас”, “Радар”, сабзининг маҳаллий “Мшак”, “Нурли”, “Мирзойи сариқ”, “Мирзойи қизил”, “Зийнатли”, “Фаровон”, “Барака” ва чет элнинг “Нантская”, “Шантане” навлари уруғини экиш мақсадга мувофиқ.

Уруғ экилган майдонлардан эртаги ва мўл ҳосил олиш учун мульчалаш билан бирга уларни плёнка остида парваришлаш керак. Эрта баҳор ойлари ҳаво ҳароратининг ноқулай, паст бўлишига қарамай уруғлардан униб чиққан майсалар

жадал ўсиб-ривожланади. Қисқа муддатли совуққа чидамли бўлиб ўсиши туфайли ҳосили 20-25 кунгача эртароқ пишиб этилиб, ҳосилдорлиги 15-20% гача кўпроқ бўлади.

Картошка туганакларини

экиш

Картошка ҳосилдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг асосий омилларидан бири бу — экин навини тўғри танлаш ва сифатли уруғлик материалини экиш ҳисобланади. Эртаги картошка экиш асосан февраль-март ойларига тўғри келади. Бунда ҳайдалиб текисланган майдоннинг ҳар гектарига 25-30 тонна маҳаллий ўғит, фосфорли ва калийли ўғитларнинг 20-25% солинади, чизель қилиниб КРН-2,8А русумли культиватор ёрдамида 70 ёки 90 см оралиқда эгатлар олинади.

Уруғлар ундириш хоналарига экишдан 30-35 кун олдин, четдан келтирилган уруғлик эса 20-25 кун илгари кўйилади.

Ундириш хонасида ёруғлик ва 18-22° С иссиқ ҳарорат яратилиши лозим. Уруғлар майда-йириклигига қараб (40-60, 60-80, 80-100 г) саралаб ундириш хонасининг полларига, сўқчакларга (стеллаж) 2-3 қатламдан оширмай ёки 12-20-25 кг. яшикларга қўйиш лозим. Яшил нишлари экиш давригача 0,5-1 см. дан ошиб кетишига ўйл қўймаслик лозим, акс ҳолда экиш даврида синиб кетади. Агар қўлда қўйиб кетмон билан ёпиб экиладиган бўлса, нишларини 3-4 см. гача ўстирилгани яхши натижа беради. Уруғ катта-кичикларига қараб алоҳида экилиади. Шунда ўсимлик униб чиққиши, ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосил этилиши бир хил бўлишига эришилади. Оғирлиги 100 г. дан катта туганаклар икки-уч бўлакка бўлинади.

Картошка экишнинг энг муқобил муддатлари Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Бухоро, Навоий вилояти ва Фарғона водийси учун 25 февраль-10 март; Сурхондарё, Қашқадарё вилояти учун 15 февраль-1 март; Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун 10-20 март ҳисобланади. Бунда экиш схемаси 70x25-30 ёки 90x25 см, экиш чуқурлиги 7-9 см. ни ташкил этиши лозим.

Экиш учун қисқа давр ичida пишиб этиладиган картошканинг эртаги “Агаве”, “Санте”, “Гранола”, “Зарафшон”, “Ред Скарлет”, ўрта эртапишар “Альвара”, “Аринда”, “Белуга”, “Виктория”, “Драга”, “Кондор”, “Карлена”, “Латона”, “Марфона”, “Пикассо” ва бошقا навлари тавсия этилади.

Эртаги картошкадан ўрта ҳисобда 20 тонна ҳосил олиш учун 25-30 тонна маҳаллий гўнг, 200 кг азот, 170 кг фосфор, 100 кг. калий ўғити соғ ҳолда солинади. Бунда органик ўғитнинг ҳаммаси, фосфорли ва калийли ўғитларнинг 70%



ҳайдовда бериш ва қолган 30% ҳамда азотнинг 50% картошка униб чиққандан сўнг биринчи ишловда, қолган азотнинг 50% гуллашдан олдин берилади.

Ўсув даврида сизот сувлар чуқур жойлашган ерларда 7-8 марта сугорилади. Сугориш ҳар ҳафтада 1 марта, ҳосил туганаклари пайдо бўлиши билан 5-6 кунда, гектарига 400-500 м³ ҳисобидан сув бериб турилади. Ҳар икки сугориш оралигида қатор оралари 10-12 см. чуқурликда юмшатилади. Бу тадбир КРН-2,8А, КОН-2,8А, КХО-4 русумли культиватор ёрдамида ўсимликлар шоналагунча амалга оширилади.

Барвақт экилиб, барча парваришлиш тадбирлари ўз вақтида амалга оширилган майдонларда сабзавот ва картошка ҳосили эрта этилади. Кейинчалик, бу майдонларни ўз вақтида қайта экин экишга тайёрлаш такрорий экинларни қуляй муддатларда экиб, улардан мўл ҳосил этиштиришга пухта замин яратилади.

Р.ҲАКИМОВ,
қ.х.ф.н.,

Ф.РАСУЛОВ,

к.и.х., (Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ).

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИНГ КЎЧАТЛАРИНИ ЭКИШ

Мевали боғлар ва токзорлар кўп йиллик бўлиб, янги боғ-токазорлар барпо қилишда хатоликка йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, хатони тузатиш ҳам қийин бўлади. Аввал боғ бўлган ерларга 3-4 йилгача мевали дараҳт ва ток кўчатларини экиш тавсия қилинмайди.

Мевали дараҳтларнинг кўчатлари уч хил пайвандтагларда, яъни пакана пайвандтаг-паст бўлиб ўсуви, ўрта ўсуви пайвандтаг ва кучли ўсуви (уругдан) пайвандларда кўпайтирилади.

Уруғли мева кўчатларининг пакана пайвандтагга уланган кўчатлари 18-20 йил, ўрта ўсуви пайвандтаг 25-30 йил, кучли ўсуви пайвандтаг эса 40-60 йил ўсиб, мева беради. Шунинг учун мевали кўчатлар экиладиган майдон жуда пухта ва сифатли тайёрланиши зарур.

Боғ майдонини танлашда ернинг унумдорлиги, ер ости сизот сувининг яқинлиги, майдоннинг нишаблиги, сугориш учун сув билан яхши таъминланганини, майдон атрофида зовурлар ҳамда иҳота экинларнинг мавжудлиги (асосий шамол йўналишида) ва бошқаларга катта аҳамият бериш керак.

Таъминланган майдон эрта баҳорда кўчат экилишидан олдин текисланиб, 35-40 см. чуқурликда плантаж сўқа ёрдамида ҳайдалади, тупроқ етилиши билан чиззелланади ҳамда кетма-кет мола билан текисланиб, кўчат экиш учун режа тортилади. Режа тортишда экиладиган кўчат турлари гараб, пакана пайвандтагга уланган олма кўчатлари 3,5x2,5 м., ўрта ўсуви 3,5x3 м., нок кўчатлари учун 3,5x2 м.; ўрта ўсуви 3,5x2,5 м. ММ-106 пайвандтагга уланган ўрта ўсуви кўчатларда олма навига гараб 5x3м., 5x4., нок учун 5x3., 5x4 схемалари тавсия этилади.

Кучли ўсуви мевали дараҳтларнинг кўчатларини қўйидаги схемалarda экиш тавсия этилади: олма 8x7 м., 8x6 м., нок 8x6 м., 8x5 м., беҳи 6x4 м., 5x4 м., ўрик 8x7 м.,

8x6 м., гилос 8x7 м., 8x6 м., олхўри 6x5 м., 6x4 м., шафтоли 6x4 м., 5x4 м., ёнғоқ 8x8 м., 8x7 м., бодом 6x5 м., 6x4 м., хурмо 6x6 м., 6x5 м., олча 6x4 м., қорағат (смортодина) 3x1,5 м., 3x1 м., малина 2,5x0,5 м., 2,5x1 м., ток кўчатлари 3x2,5 м., 3x2 м.

Янги кўчат экиладиган майдонларда режа қозиқлари ўрнатилгач, унга назорат қозиқлари ўрнатилиди ҳамда кўчат экиладиган чуқурлар ковланади. Чуқурлар махсус агрегатда КЯ-100 ёки кўлда 60x60x60 см. ҳамда ковланади. Чуқурларни ковлашда аввал тупроқнинг юза 20-25 см. қисми бир томонга, чуқурнинг тагидаги қисми иккинчи томонга олиб қўйилади. Чуқурга кўчат экишдан олдин 350-400 г. фосфор-



ли, 30-40 г. калий ўғити ҳамда 8-10 кг. чириган гўнг тупроқ билан аралаштириб солиниб, кейин кўчат экилади.

Янги экиладиган кўчатларни экиш учун кўчатзорлардан экиш майдонига олиб боришда кўчатларнинг илдиз қисми шамолламаслиги учун уларни поҳол, бризент ёки полиэтилен плёнка билан ёпиб қўйилади.

Кўчатни экишдан олдин майдон олдида катта чуқурда суюқ (атала-симон) лой тайёрланиб, унга 8:1; 10:1 миқдорида молнинг суюқ шатмоги қўшилади. Шатмоққа кўчатларнинг илдизи бирма-бир яхшилаб ботириб олинади. Шунда экиладиган кўчатларни тезлик билан сугоришнинг имкони бўлмаган жараёнда шатмоқнинг ижобий таъсири бекиёс бўлади.

Кўчат экишни икки киши бажаради. Бунда махсус экиш тахтасидан фойдаланилади. Бир киши экиш тахтасини режа қозиқларига ва кўчатни тупроқ сатҳига мос равишда ўрнатади. Иккинчи киши чуқурни тупроқ билан тўлдиради. Бунда аввал тупроқнинг юза қатламидан олинган қисми чуқур тагига илдиз атрофига, кейин чуқурнинг тагидан чиққан тупроқ солиниб, чуқур тўлдирилади. Кўчат экишда кўчат сал чуқурроқ экилиб, (5-10 см) сўнг танасидан вертикаль юқори тортиб, кўтариб қўйилади.

Бунда чуқурда мавжуд илдизлар тортилиб, тўғриланади, бир тартибга солинади. Илдиз пайванд қилинган жойи тупроқдан 4-5 см. юқорида бўлиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўлгунича сув қуйилади. Бунда тупроқ ичидаги ҳаво чиқиб тупроқ, зичланади, пировардида кўчат яхши кўкаради. Тупроқ чўқкандан сўнг кўчат атрофига яна тупроқ солиниб тўлдирилади. Ушбу технология бўйича экилган кўчатлар эрта баҳорда тез ўсади ҳамда яхши ривожланади.

Ток кўчатлари ҳам худди шу усулда экилади. Бунда экилган кўчатларнинг 4-5 та куртаги қолдириб, қолган қисми кесиб ташланади. Кўчатларни сифатли қилиб эксан, улар яхши ўсиб, ривожланиб, кўп йиллар мўл ҳосил беради. Бунга эътибор берган боғ-бонга боғ саҳоватини аямайди.

Р.АБДУЛЛАЕВ,

қ.х.ф.н.,

Академик М.Мирзаев
номли БувавИТИ.

ТОҒ ВА ТОҒ ОЛДИ ҲУДУДЛАРИДА ЁНГОҚ МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР ПАРВАРИШИ

Республикамизнинг тоф ва тоғ олди худудларида ёнгоқ мевали боғларни барпо қилиш учун кўплаб табиий ерлар бор. Бўйтонлиқ, Паркент, Оҳангарон (Тошкент вилояти), Зомин, Бахмал, Фориш, Фаллаорол (Жиззах вилояти), Ургут, Каттакўргон (Самарқанд вилояти), Дехқонобод, Шаҳрисабз, Китоб (Қашқадарё вилояти), Бойсун, Денов туманлари (Сурхондарё вилояти) ва бошқа тоғ олди ҳудудларида эса табиий ёнгоқзорлар ва маданий боғлар мавжуд.

Маълумки, мевали ўсимликлар ичиди ёнгоқ, бодом каби мағизли меваларнинг халқ хўжалигига аҳамияти катта.

Улар мағзининг мазаси жиҳатдан бошқа мевалардан устунлиги билан фарқ қиласди ҳамда аҳоли томонидан севиб истеъмол қилинади.

Ёнгоқ дарахти катталиги, чиройлилиги, узоқ яшаси билан бошқа дарахтлардан фарқ қиласди. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида ёнгоқ кўпинча сувли ерда ўстирилади. Аммо, унинг ривожланиши учун йилига ёғингарлик 600 мм. дан кам бўлмаган, дengиз сатҳидан то 1800 метргача бўлган баландликларда ҳам ўсади. Айниқса, Тошкент вилоятининг Бўйтонлиқ тумани ёнгоқ етиштириш учун жуда қуладир. Бу ерда ёнгоқ табиий ҳолда ва боғлarda сугорилмасдан ҳам яхши ўсиб-ривожланади.

Ёнгоқ ёруғсевар ўсимлик бўлиб, ёлгиз ўзи ёки сийрак ўсгандага яхши ривожланади.

Бир дона ёнгоқ мевасининг вазни навига қараб 2,5-18,0 граммни, магзининг миқдори 25-70%, ёф миқдори 54% дан 78% гачани ташкил қиласди.

Ургифдан ўсиб чиққани 8-12 ёшида, пайванд қилингандари 4-6 ёшида ва баъзи тезпишар (Иделал) навлар 2-3 ёшида ҳосилга киради. 50 ёшида тўла кучга кириб 400-500 йилгача ҳосил беради. Қулай шароитда бир туп ёнгоқ 150 кг. гача ва ундан ҳам кўп ҳосил бериши мумкин.

Ёнгоқ кўчатлари кузда ва эрта баҳорда экилади. Экиладиган майдони 50-60 см. чуқурликда план-

таж сўқа билан ҳайдалиб, чизел қилинади ва текисланади. Кейин майдонда режа бўйича кўчати экиласди.

Кўчатларини тоғ, тоғ олди, лалмикор ерларда 10x8 м.; 10x10



м. схемасида экилиш лозим. Кўчатларни экиш учун 60x60x60 см. ҳажмда чуқурлар ковланади.

Умуман, кўчатини кузда экиш яхши натижага беради.

Ёнгоқ сугорилмайдиган ён барғиларда тупроққа яхши нам тўплаш ва машиналардан фойдаланиш имконини берадиган террасаларга ёки сув тўпланиб қолмайдиган, ҳажми 1x1,5 метрдан кам бўлмаган майдонларга ўтқазилади.

Илдизи нозик бўлади, бир ёшлигида ҳам жойдан-жойга кўчириб ўтказилганда заифлашиб ўсади. Кўчат кўчатзордан олиниб, куёш яхши тушиб турадиган очик жойга ўтказилса, танасининг пастки қисмини офтоб уриши мумкин. Шунинг учун лалмикор ерларга кўчат ўтқазиб ўтирамай, бир йўла ёнгоқнинг ургифдан етиштириш мумкин. Ўз жойида ўстирилган ўсимлик чуқур илдиз

отиб, қурғоқчиликка чидамли бўлади.

Сугориладиган ерлардаги ёнгоқ дарахтларини парвариш қилиш асосан сугоришдан иборатdir. Ўсиш даврида ёнгоқ камида 6-7 марта сугорилади. Ҳар бир сугоришдан сўнг тупроқ юмшатилади ҳамда бегона ўтлардан тозалади.

Ҳосилли ёнгоқзорларга йилига 90-120 кг. азот, 60-90 кг. соф ҳолда фосфор ўғитлари солинади ёки 3 йилда бир марта 30-40 тонна ҳисобида гўнг солинади. Фосфорли ўғитлар ҳамда гўнг кузда, азотли ўғитлар эрта баҳорда солинади.

Бодом меваси ўзининг мазаси жиҳатидан бошқа меваларга қараганда кўпгина афзалликларга эга. Бодом мевасига кондитер саноатининг ўтиёжи катта. Бодом маҳсулоти аҳолини ҳамда кондитер саноатининг талабини қондирадиган бодомзорлар етарли эмас. Ҳолбуки, бизда тоғ, тоғ олди ҳудудларда бодом дарахтларидан кўплаб ҳосил етиштириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд.

Бодом дарахтининг бўйи 6-10 м. гача етади. Илдиз тизими яхши ривожланган бўлиб, 6 м. чуқурликка боради, қурғоқчиликка ва совуқча чидамли. Ҳавони ёмон ўтказадиган нам тупроқли жойларда бодом яхши ўсмайди.

Тиним даври қисқа бўлганлиги сабабли бодом бошқа дарахтларга нисбатан анча илгари (март ёки апрель бошларида) гуллайди. Шунинг учун ҳарорати мўътадил бўлмаган ҳудудларда унинг ҳосиллини кўпинча баҳорги совуқ уриб кетади.

Бодом кўчати экилгандан кейин 3-4 йили ҳосил бера бошлайди, 12-15 ёшга етганда ҳосили кўпаяди. 35-40 йилгача ҳосил беради. Бодом 60 йилдан 400 йилгача яшайди. Бир туп бодом дарахти ўртача ҳосили 8-12 кг. гача, айрим йиллари 25-30 кг. гача

ҳосил беради. Совуққа анча чидамли бўлиб, тиним даврида -20-25°C совуққа бардош беради.

Бодом ўсимлигининг характерлари хусусияти, у жуда эрта гуллаши. Шу сабабдан об-ҳавоси ўзгариб турадиган жойларда бодом гулларини кўпинча қора совуқлар уриб кетади. Бодомзорлар ташкил қилиш учун тоғ ва тоғ олди ён бағирларидан ҳаво яхши алмасиб турадиган, совуқ ҳаво қамалиб қолмайдиган террасалар ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тошкент вилоятининг тоғ, тоғ олди шароитида (Бўстонлиқ тумани) бодом денгиз сатҳидан 800-1300 метр баланд бўлган жойларда, жанубий вилоятларда 1700-2000 метр баландликкача жойлашган, йиллик ёғин миқдори 600 мм. дан кўп бўлган ҳудудларнинг барча ён бағирларидан сугорилмай ҳам ўсиши мумкин. Ёнгарчилик миқдори ўртacha 400-500 мм бўлган ҳудудларда бодомзорларга маҳсус агротехник ишлов бериш талаб қилинади.

Бодом учун энг яхши тупроқ таркиби оҳаги бўлмаган, сувни яхши ўтказадиган қумоқ ва бўз тупроқлар ҳисобланади. Унумсиз, қуруқ тупроқларда ҳам ўсиши мумкин, лекин бундай тупроқларда юқори агротехника усулашри қўллагандагина яхши ўсиб, мўл ҳосил беради. Шунинг учун

ҳам бодом майдонларининг гектарига 20-30 т. ҳисобида чириган гўнг солиш керак.

Бодом дараҳтларининг ёргулилка талабчанигини инобатга олиб, кўчатларни экиш учун 60x60 см. ҳажмда чуқур ковланади. Сугориладиган ерларда кўчатлар 8x8 м., тоғ ва тоғ олди лалмикор ерларда 6x6 м., (жанубга қаралган ёнбағирларида 5x5 м) схемада, горизонтал террасаларда ҳажми 1,5-5 м. бўлган ерларга кузда ёки эрта баҳорда экиласди. Кўчат экилгандан кейин илдиз бўғзининг 5-10 см. юқорисидан тупроқ уйиб кўмилади, кейин иложи борича сугорилади. Кўчатлар куртак чиқара бошлаганда эса уюм текислаб ташланади.

Лалмикор ерларда ёғин сувларининг шимилишини таъминлаш ва тезда буғланиб кетишининг олдини олиш мақсадида, ер доимо юмшатилиб турилади. Кўчат атрофика сомон, похол ва бошқа ўсимлик қолдириларидан мульча ҳосил қилинади.

Ёш боғларда вегетация даврида 6-8 марта сугорилади. Апрель, май, июнь ва сентябрь ойларida бир мартадан, июль-август ойларида эса 2-3 марта табадан сугорилади. Кўчатлар атрофи ҳар сувдан сўнг яхшилаб юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади. Ёз ойларида сув тақчил бўладиган

ҳудудларда қишида 1-2 марта яхоб суви бериш тавсия қилинади.

Тоғли-лалмикор ерларда кўчатларни парваришилашда уларни ўғитлашни ўз вақтида амалга оширишга эътибор бериш зарур. Экилган кўчатларни яхши тутиши ва ўсишини таъминлаш мақсадида, биринчи йили ҳар бир кўчатнинг атрофига 4-6 кг. органик ўғит ва 60-80 г. аммофос солиш яхши натижада.

Ўсиш даражаси суст ёш боғларга ҳосилга тўлиқ киргунча 1m² га 6-8 граммдан соф азот, 3-4 граммдан соф фосфор ва 2-3 граммдан калий ҳамда 4-5кг. дан органик ўғит солиш тавсия қилинади. Органик ва минерал ўғитлар биргаликда солинса ўғит миқдори 1,5-2 баробар камайтирилади.

Мазкур агротехник тадбирларнинг вақтида ва сифатли бажарилиши ёнгоқ мевали дараҳтлардан мўл ҳосил олинишини, пировардидаги эл дастурхони ана шундай маҳсулотлар билан тўкин бўлишини таъминлайди.

Р.АБДУЛЛАЕВ,

қ.х.ф.н,

М.ИСРОИЛОВ,

кичик илмий ходим,

Академик М.Мирзаев
номли Бузавити.

Хуқуқий маслаҳат

ФЕРМЕР ВАСИЯТИГА КЎРА...

Ўн олти йилдан бери фермер хўжалигининг раҳбариман. Ёшга доир нафақага чиқиш арафасидаман. Ўз фермер хўжалигимнинг мол-мулкини фарзандларимдан бирига васият бўйича мерос қилиб қолдиришим мумкини?

**Фахриддин ТУЛАБОЕВ,
Тошкент вилояти.**

ча ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳакли.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилгандан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгаририш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгаририш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Шунингдек, васият қилувчи меросхўрлардан биттасини, бир нечтасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳакли.

**Гулбахор ФАҚИРОВА,
Тошкент вилояти адлия бошқармасининг маъсул ходими.**

— Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги конунида фермер хўжалигининг мол-мулки фуқаролик конун хужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади, деб таъкидланади. Хўжалиқда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар мерос ҳукуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилганлик учун давлат божи тўлашдан озод этиладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республика-

си Фуқаролик Кодексининг 1120-моддасига асосан фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муйян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган ҳамда кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Мерос қолдирувчи қонун бўйи-

МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР

Аҳоли яшайдиган худудлар, хусусан шаҳар ва қишлоқларнинг кўркам бўлишида манзарали дарахтларнинг ўрни бекиёсдир. Худудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда жойнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос дарахт ва буталарни экиш муҳим аҳамиятта эга.

Истироҳат боғлари, хиёбонлар ва сайилгоҳларнинг кўкаламзорлаштириш композицион турлари ни яратишда яшил ўсимлик дунёси — япроқ ва нинабаргли дарахтлар, буталар ва кўп йиллик гул ўсимликларидан фойдаланилади. Гилам кўринишидаги гулзорлар, клумбалар, бир хил турдаги гуллардан фойдаланиб барпо этилган гулзорлар, дам олиш бурчаклари, шунингдек, кушлар ва гуллар байрами ўтказиладиган яшил ҳудудлар ўсимлик дунёсини навбатманавбат гулаш жараёни асосида ташкил этилади.

Яшил дарахтзорлар нокулай иқлими омиллардан ҳимоя қилиши бўйича кучли восита бўлиб хизмат қиласи (шамоллар, ҳавонинг қуруқлиги, ҳароратнинг кескин ўзгаришларини) ҳамда аҳоли пунктларининг санитар-гиеник шароитларини яхшиловчи восита (яъни ҳавонинг таркибини яхшилаш, уни қасаллик келтириб чиқарувчи микроорганизмлардан тозалаш, чанг, газ, саноат чиқиндилари ва ҳоказолардан ҳимоя қилиши) ролини ўташини ҳисобга олиш керак. Дарахтбута ўсимликлари шовқинни ўзига сингдиради. Бу эса шаҳар шароитида, айниқса, муҳимdir. Хиёбонлар, боғлар, гулзорлар одамларга эстетик завқ бағишлийди, асад системасини тинчлантиради, умуман севимли дам олиш маскани бўлиб хизмат қиласи.

Нина баргли кўчатлар

Виргин арчаси, гарб туяси Глиптостробуссимон метасеквойя Крим ёки Паллас қарагайи, Шарқ биотаси ёки саур ва Элдор қарагайи каби нина баргли кўчатларни асосан эрта баҳор ва кузда эккан маъқул. Бунда кўчатлар эрта баҳорда тупроқ қатлами қизиган вақтда ва куртаклари ўйлонишдан олдин экилади.

Кўчатларни экиш учун тупроқ асосан нейтрал ишқорли, қумоқ

ёки бўз ҳолида бўлиши лозим. Тупроқнинг ишқорлигини пасайтириш ёки нейтрал ҳолатда бўлишига эришиш учун тупроқлар оҳакланиши зарур. Намлиги юқори бўлган ерга ва сер шамол ҳудудларда кўчатларни экиш тавсия этилмайди.

Кўчатлар экилгандан сўнг сугорилади. Тупроқларни 2-3 маротаба юмшатиш, чириган гўнг билан мульчалаш ишлари олиб борилади.

Бунда ўғитнинг миқдори кўчатларнинг ҳолати ва ёшига қараб бел-



гиланади. Органик ўғитлар, компост ва чириган гўнгларни бир неча йил қўллаш мумкин.

Биринчи сугоришида, кўчат илдизи атрофидаги тупроқ зичлашади, вегетация даврида 8-10 маротаба сугорилади: апрель ойида 1-2 маротаба, май, июнь ва июлда 2 маротабадан, августда бир-икки маротаба.

Сугориш мобайнида тупроқларнинг ишқорлигига катта аҳамият бериш лозим. Бу вақтда тупроқнинг 40-45 см қатламидаги намлик юқори бўлиши талаб этилади.

Экиш мобайнида кўчатлар ораси 5 метр, кўчатлар чуқурлиги 80-100 см, диаметри 80 см бўлиши зарур.

Япроқ баргли кўчатлар

Писсарда олхўриси, Чилонжийда, Оқтут, Шойи акация, Канада

багрянниги, Садақайрағоч, Бандли(ёзи ёки оддий) эман, Мажнунтол, Соҳтакаштан, Сувун дарахти ва Пенсильвания шумтоли каби япроқ баргли дарахтлар кўчати асосан эрта баҳор ва кузда экилади. Эрта баҳорда кўчат куртаклари ўйлонишдан олдин экиш мақсадга мувофиқидир.

Меъёрида ўсиб-ривожланиши учун кўчатлар мунтазам равишда сугориб турилиши керак. Бериладиган ўғитларнинг миқдори кўчатларнинг ҳолати ва ёшига қараб белгиланади. Асосан фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилади.

Япроқ баргли кўчатларни экиш учун тупроқ асосан нейтрал ишқорли, қумоқ ёки бўз ҳолида бўлиши лозим. Кўчатлар ёруғ-севар ўсимлик ҳисобланади. Чириган гўнг тупроқларга турли вақтда солиниши керак. Экиш мобайнида кўчатлар ораси 6 метрни, чуқурлиги 50-60 см, диаметри 80 см бўлиши зарур.

Буталар экиш

Бутали аморфа, Доим яшил шамшод, Доим яшил магония, Испан Дроки, Хинд сирени, Ошловчи totim, Сурдия Гибискуси ва Япония беҳиси сингари буталар уруғидан ҳамда қаламчасидан кўпаяди, ниҳоллари тез ўсади.

Буталарнинг кўчати одатда эрта баҳор ва кузда экилади.

Эрта баҳорда тупроқ қатлами қизиган вақтда ва кўчат куртаклари ўйлонишдан олдин экилади.

Ўғит кўчатларнинг ҳолати ва ёшига қараб берилади. Органик ўғитлар, масалан, компост ва чириган гўнгларни қўллаш мумкин. Куз фаслида асосан фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилади.

Экиш мобайнида кўчатлар ораси 3 метрни, кўчат экиладиган чуқур 40-50 см, диаметри 50 см бўлиши мақсадга мувофиқ.

Атрофимизни гўзал ва кўркам кўришни истасак, манзарали дарахт ва буталарни экиш ва парваришишга эътиборли бўлмоғимиз лозим. Шунда ҳар доим баҳри-дилимиз очилиб юради.

Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги Республика илмий-ишилаб чиқарши маркази.

ПЛЁНКА ОСТИДА ҚУЛУПНАЙ ЕТИШТИРИШ – МЎМАЙ ДАРОМАД МАНБАИ

Кейинги йилларда республикамизда қулупнай экин майдонлари тез суръатларда кенгаймоқда. Чунки қулупнай мевали ўсимликлар ичида энг эрта пишадиган, яъни мавсумнинг илк мевасидир. Янги териб олинган меваси жуда мазали ва хушбўй бўлиб, таркибида 4-11% қанд моддаси, 0,28-1,6% кислоталар, 37-130 мг% "С" витамины, енгил ҳазм бўладиган темир, фосфор, калий, кальций тузлари ва бошқа витаминлар мавжуд.

Кулупнайни эрта етиштириш мақсадида, қулупнайзорларга кичик ҳажмли симли каркас устини плёнка билан ёпиб, ҳосили эрта етилишига эришилмоқда.

Ушбу усул республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Намангандан ва бошқа бир қатор вилоятларида кенг тарқалган.

Ҳосилни эрта етиштириш учун февраль ойи бошида қулупнайзорда узунлиги 10-20 метрдан 40-60 метргача, қатор ораси 70 см. кенглиги 2 қатор олинса 140 см., 3 қатор бўлса 210 см. ва баландлиги 40-50-60 см. юқори қилиб симли каркас тайёрланиб, унинг усти полиэтилен плёнка билан ёпилади.

Плёнка остида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан ўсимлик ривожлана бошлайди, ҳаво ҳарорати +10°-15°C га чиққандан қулупнай барглари бўй кўтаради. Қулупнай барглари тўлиқ ривожлангач, кундуз кунлари ҳавонинг илиқ кунлари туннелнинг икки томони очиб, кечга яқин ёпиб қўйилади.

Февраль ойи охири март ойи бошида қулупнай тупларида ғуллари шаклланиб, секин-аста ғуллай бошлайди. Бу вақтда ҳавонинг ҳарорати юқори бўлиши боис плёнкаларнинг бир томони каркас устига кўтариб қўйилади, кечга томон эса ёпиб қўйилади. Мақсад баҳорги қисқа муддатли аёзли совуқ ғулларга шикаст етказмаслиги керак. Март ойининг учинчи ўн кунлигидан плёнкалар эрталаб очиб қўйилиб, кечга томон ёпиб турилади.

Ҳавонинг ҳарорати бир меъёрда иссиқ бўлса, плёнкалар олиб ташланади.

Плёнкалар олинмаган вақтда плёнка ичида ҳаво юришмаслиги сабабли қулупнай ғуллари тўла чангланмайди, меваси сифатсиз бўлади. Қулупнай мевасининг етилишини тезлаштириш учун кўклиамда плёнка ёпиш муддати катта аҳамиятга эга. Юқори агротехника (суюғириш, бегона ўтларга қарши кура-

шиш, ғулларнинг чангланиши нормал ўтишига имкон яратиш) қоидаларига амал қилинганда ҳосил кўпаяди, ғуллаш ва меванинг етилиши тезлашади.

Плёнка остида ҳарорат кўтарилиши билан тупроқда намлик камайди, ўсимликни сувга бўлган эҳтиёжи ошади. Бу вақтда албатта қулупнайзор сугорилади.

Қулупнай тупларида вегетация бошлангач минерал ўғитлардан азот 60-80 кг., фосфор 30-45 кг. соғ ҳолда солинади.



Плёнка остида қулупнай ҳосили одатдаги яъни очиқдаги қулупнайга нисбатан 10-15 кун олдин пишади ҳамда 15-20% ҳосилдорлиги кўп бўлади. Иқтисодий самарадорлиги 10-15% га ошади.

Плёнка остида “Память Шредера”, “Узбекистанская”, “Ўзбекистон гўзали”, Баунтифул, Редгоунтлет навларини етиштириш мумкин.

Мева терими об-ҳаво шароитига қараб бошланади, лекин фарқ 8-10 кундан ошмайди. Одатда, дастлабки мевалар ғуллаш бошлаганидан 25-30 кун ўтгач пишади. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг жанубий туманларида баҳор эрта келганда, қулупнай апрель ойининг охирида, тоғли ва шимолий туманларда эса, май ойининг бошида пишади. Умуман, бутун май ва июнь бошлари қулупнай терими даври хисобланади.

Меваларнинг йириклиги ва ҳосилдорлигига қараб ҳосил йиғиб олинади. Ҳосилдорлик қанчалик юқори ва мевалари қанчалик йирик бўлса, уларни териб олиш шунчалик тезлашади. Қийғос пишган даврда кунора ва орадан икки кун ўтказиб териб олиш, меванинг пишиб, эзилиб кетишига йўл қўймаслик лозим.

Меваларни ҳаво қуруқ, иссиқ бўлган кунлари эрталаб, шудринги кетгач ва кечқурун иссиқ пасайганди, ҳаво булатли кунлари эса кун бўйи териш мумкин. Мева банди билан узилади. Мевасига тегиб кетмасдан, бандини ушлаб, тирноқ билан чилип олиш керак. Эти анча қаттиқ бўлган (Зенга-Зенгана ва бошқалар) навларни бандсиз узиб олиш мумкин.

Мева териш учун 2-2,5 кг мева сигадиган сават ёки 40x25, 50x30 см. ли яшиклар зарур. Касал теккан ва шикастланган (эзилган) мевалар алоҳида идишга терилади. Агар мева терилган куни истеъмол қилинмайдиган ва қайта ишланмайдиган бўлса, совутгича қўйиб, икки-уч кун сақлаш мумкин.

Ҳосил йиғиб олингандан кейинги парваришига алоҳида аҳамият бериш зарур. Бу даврда ўсимлик келгуси йил ҳосилига тайёрланади, ҳосил қуртаги шаклланади, илдиз системаси янгиланади, янги барглар, ер устки қисми (шохча ва новдалар) пайдо бўлади, илдизда эса келгуси йил ҳосили учун озиқ моддалар жамғарилади.

Ҳосил терими даврида тупроқнинг ҳаддан зиёд зичлашиб кетиши, намлик ва озиқнинг етишмаслиги, мўйловчаларнинг кўпайиши ўсимликнинг ҳолдан тойиши, касаллик ва заараркунандалардан шикастланиши — буларнинг барчаси ўсимликнинг тез қарип, келгуси йил ҳосиллининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун экин меваси терилгач қатор оралари дарҳол чукур юмшалиши, ўтоқ қилиниб, ўйт берилиши ва сугорилиши зарур.

Минерал ўғит сифатида (ҳар 1 гектар ерга 100-200 кг) аммиакли селитра ва суперфосфат солинади.

Х.АБДУЛЛАЕВА,
Академик М.Мирзаев номли
БУВАВИТИ катта илмий ходими.

ТРАКТОР ВА ТИРКАМАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ СИФАТИ

Маълумки, трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарини сифатли таъмирлаш, уларни агротехник мавсумлар давомида бузилмасдан ишлашини таъминловчи асосий муҳандислик омилларидан биридир. Шу боис, туман ва муқобил МТПлар ҳамда фермер хўжаликларининг мутахассислари ва механизаторлари носоз техника воситаларини таъмирлаши ишларини қизгин олиб бормоқдалар.

Бунда транспорт ва чопиқ тракторлари ҳамда трактор тиркамаларини техник талаблар даражасида таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Чунки фермерларимиз мазкур техникалардан йил давомида фойдаланадилар. Шунинг учун улар доимо техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлиши керак. Бу, энг аввали, трактор двигатели, муфта, узатмалар кутиси, юриш, бошқариш, тормоз, гидравлика тизимлари ҳамда электр асбобларини сифатли таъмирланишига боғлик.

Носоз машиналарнинг узел ва деталларидаги нуқсонларни аниқлаш: машина таъмирлашни талаб қилмайдиган (соз), таъмрталаб (носоз) ва бутунлай яроқсиз детал ва узелларга ажратилади; носозликлар бевосита кўздан кечириш (еилишишлар, дарзлар, ёриқлар), қўл билан ишлатиб ёки ўлчаб кўриш (енгил айланиш, силжиш, люфт), маҳсус асбоблар ва мосламалар ёрдамида текшириш (масалан, пружиналарнинг эластиклиги, ёнилги сарфи) ва синаш (масалан, мой насосининг босими) орқали топилади; зарур эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материалларининг турлари ва миқдорлари аниқланади ва сотиб олинади.

Трактор двигателини таъмирлаш: цилиндрлар блокларидаги тешиклар, подшипниклар уялари, резьбаларнинг еилишишлари, дарзлар ва ёриқлар тузатилсин; носоз поршень, шатун бўйинлари ва шестерня, тирсакли валларнинг маховик ва шкивлар ўрнатиладиган жойлардаги ейилган резьбалар таъмирлансин; сув насоси, радиатор ва вентиляторнинг ейилган деталлари алмаштирилсин ва стендда сув билан синаб кўрилсин; мойлаш ва газ тақсимлаш механизимларидаги нуқсонлар бартараф этилсин; двигатель тақилламасдан ва тутамасдан равон ишласин; картер, редукторлар, қувурлар ва баклардан мой ва ёнилги томчиламасин; двигателдаги мой миқдори ва босими, радиатордаги суюқлик температураси меърида (тирсакли вал деталлари ҳамда кривошип-шатун қисмлари тез едирилмайди, двигател қизимасдан ишлайди) бўлсин.

Таъмирдан чиқарилган двигателлар кичик юкланиш остида чиниқтирилади ва аниқланган камчиликлар бартараф этилади.

Трактор қисмлари созлигини баҳолаш. Созлик шартлари: тўла жиҳозланган; ёнилги, мой ва бошқа суюқликлар томчиламайди; ҳамма детал, узел ва агрегатлар пухта маҳкамланган; ўлчов, ёритиш ва электрон асбоблар яроқли; капотлар, ойналар ва кабина эшиклари шикастланмаган ва синмаган; мажбурий жойлар ёғланган.

Двигатель енгил ўт олади, барқарор ишлайди, бегона шовқин ёки товуш чиқмайди; ёнилги ва мой сарфи меъёрда, ёнилги билан таъминлаш ва газ тақсимлаш системасининг бирикмалари маҳкам; тирсакли вал барқарор айланади, двигателнинг қуввати номинал дарражада.

Илашиш муфтаси узатмаларни эркин, қадалишлариз кўшилишини таъминлайди, шатаксирамай ишлайди; карданли узатма бирикмалари радиал ва бўйлама тирқишилар меърида; орқа кўпприк ва бошқариш механизми тақиллаш, шовқиндан ҳоли; равон ва кескин бурилишлар, катта тезликда ҳам ишончли тормозланиш таъминланади.

Гидравлик осиш системаси машиналарни равон кўтаради ва туширади, механизмлар ишончли, бирикмалардан суюқлик томчиламайди; электр қурилмалари двигателни равон юргизишни ва кечалари йўлни яхши ёритишни таъминлайди.

Созлик шартлари баҳарилмаган тақдирида қисм ва агрегатларнинг ишлаш ҳолатига қараб носозлик белгилари ва сабаблари аниқланади.

Носозлик белгилари ва сабаблари. Дизель бе-

хосдан тўхтади (шовқин сўндиригичдан қора тутун, сапундан эса буг чиқмоқда) - тирсакли вал бир ёки бир нечта поршень цилиндр гильзаларида қисилиб қолган; дизель тақиллаб ишлайти - поршень ва гильзалар ейилган; дизелдан қора тутун чиқмоқда - тақсимлаш шестернялари нотўғри ўрнатилган; дизель қизиз кетмоқда - совитиш суюқлиги камайган, шамолпаррак тасмаси бўшашган, радиатор ифлосланган, совитиш тизимида чўқинди ва қўйقا бор, термостат клапани тўлиқ очилмаган ёки радиаторни шторкаси ёпиқ; мой босими паст - монометр носоз, блок-картер тубида мой меъридан кам, қувурлардан мой томчилаяти ёки насос трубкаси тикилиб қолган; мой босими умуман йўқ - монометр носоз; мой насосининг вали синган; насос юритмаси шестернясининг штифти кесилган; центрафуганинг насадкаси жойидан кўзғалиб қолган; мойнинг босими юқори - центрафуганинг сақлаш клапани ёпиқ ҳолатда қисилиб қолган; мой сарфи юқори - поршень ҳалқалари ва ариқчалари ейилган; улар орасида катта тирқиши пайдо бўлган; гильзаларнинг конуслиги ва оваллиги бузил-



ган; дизель ўт олмаяпти - ёнилғи билан таъминлаш тизимиға ҳаво кирган; фильтрлар ифлосланган; ёнилғи насосининг рейкаси қисилиб қолган; дизель текис ва тўла қувват билан ишламаяпти - таъминлаш тизимиға ҳаво кирган; ёнилғи пуркагичнинг нинаси қисилиб қолган ёки тешиклари коксланган; ёнилғи босими паст; насос бузилган; плунжер қисилиб қолган; плунжерлар жуфтлиги ейилган; насос ростланмаган; дизелдан қора турун чиқмоқда - ҳаво билан кам таъминланмоқда; фильтр элементлари ифлосланган; ёнилғи пуркагичнинг нинаси қисилиб қолган; ёнилғи пуркашни илгарилатиш бурчаги нотўғри ўрнатилган; дизелдан тақциллаган товуш чиқмоқда - ёнилғи пуркашни илгарилатиш бурчаги олдинроққа ўрнатилган; форсункалардан бири ишламаяпти; дизель бир маромда ишламаяпти - ёнилғи насоси регуляторининг корпусида мой сатҳи баланд; ёнилғи насосини рейкаси ёки меъёрлагич юритмаси қисилиб қолган.

Тишлашиш муфтаси салт айланмоқда - сиқиши подшипниги тираки ва қисиши ричаглари ҳалқаси оралиғида тиқиши йўқ; етакланувчи дискнинг фрикцион қопламаси ейилган; сиқувчи пружиналар эскирган ёки синган; етакланувчи дискнинг фрикцион қопламаси мойланиб қолган; сиқувчи диск қийшайган; муфта тўлиқ ажратмаяпти - сиқиши подшипниги тираки ва қисиши ричаглари ҳалқаси оралиғидаги тиқиши катта; оралиқ диск ўрта ҳолатга ўрнатилмаган; етакланувчи диск қийшайган; сиқувчи диск қийшиқ туритпи; педалнинг эркин йўли йўқ; муфта буровчи моментни тўлиқ узатмаяпти - педалнинг эркин йўли йўқ; етакланувчи дискнинг фрикцион қопламаси ейилган; етакланувчи диск мойланган.

Мой сизаяпти - бирикмалардаги болт ва гайкалар тортилмаган; корпус ва қопқоқлар орасидаги қистирмалар мойни ўтказиб юбормоқда. Узатма қийин қўшилдапти - блокировка механизми ростланмаган; шликалар урилган, фидираклар тишлари ейилган; узатма ўзўсидан ажралиб кетаяпти - узатмаларни қўшиш вилкаси ва тишли фидираклар караткасининг ҳалқасимон чуқурчалари ейилган; узатмаларни қўшиш вилкасини қотириш болтлари бўшаган; қайдлаш курилмаси ейилган; трансмиссиядан ортиқча шовқин эшитилмоқда - дифференциалдаги роликилар подшипникларнинг бўйлама люфти катталашган; асосий узатма шестеряларининг тишлари кўп ейилиб, ён тиқиши 1,5 мм дан катталашган ёки дифференциалдаги роликилар подшипниклар ортиқча ейилган.

Олдинги фидирак шиналари тез ейилмоқда ва қатламларга ажралиб кетмоқда - фидиракларнинг яқинлашуви бузилган; шиналардаги ҳаво босими меъёрларга мос келмайди; олдинги фидираклар текис ҳаракатланмаяпти - фидиракларнинг яқинлашуви бузилган; фидиракларнинг конуссимон подшипникларida тиқиши катта; ўнг ва чап фидираклар шиналаридаги ҳавонинг босими ҳар хил; балон дискда айланаб, унинг ёнларида ёриқлар пайдо бўлмоқда - фидирак шиналаридаги ҳавонинг босими жуда кам.

Руль чамбарагини буриш қийин - гидрокучайтиригич тизимида мой етарли эмас ёки ҳаво кириб қолганлиги сабабли мой қўпикламоқда; насос дозаторнинг сақлаш клапани бузилган; насосдан мой сизиши ортган; червяқ-сектор илашмаси қадалган; салт бури-

лиши катта - червяқ-сектор илашмасининг тиқиши ортган; карданли муфта юритмаси бирикмаларидаги тиқиши катта.

Тормозлар ёмон ишлайпти - тормозлар бошқаруви созланмаган; бириктирувчи дисклар қопламаси мойланган ёки ейилган.

Аккумулятор батареялари қайта зарядланмоқда - қисқа туташув ёки конденсатор занжирида узилиш бор; ростланувчи қувват ортиб кетган; мавсумий ҳолатни ростловчи винт "З"-қиши(белги)га ўрнатилган; аккумулятор батареялари зарядланмайди - ростланувчи қувват камайиб кетган; мавсумий ҳолатни ростловчи винт "Л"-ёз(белги)га ўрнатилган.

Гидравлика насоси мой бермаяпти ёки кам миқдорда ҳайдаяпти - бакда мой йўқ, мой сатҳи паст, зичловчи ҳалқалар йиртилган ёки ейилган; насос ишлаганда бакнинг бўғизидан кўпик сачрамоқда - насос етакчи шестеряси валининг зичлагичидан, сўрувчи қувурни насосга бириккан жойидан ёки бирлаштирувчи қувурлар орқали ҳаво сўрилмоқда; иш жараёнида насос ва мой тез қизиб кетмоқда - золотник қадалиб қолган ва тақсимлагич клапани "осилиб" қолган; мой қувурларини беркитиш муфтасининг гайкаси бўшаб қолган; насос ишлаганда ортиқча шовқин эшитилмоқда - бакдаги мой сатҳи жуда паст; мой қувурларининг трактор деталларига тегиб турган жойлари тебранмоқда.

Трактор тиркамаларини таъмирлаш: рама тўғри, эгилмаган ва қийшаймаган, винтли ёки гидравлик тиргаклар ва тортқилар билан тўғриланган бўлиши шарт; рама лонжерони, таянч қурилмаси ва кўндалланг бирикмалардаги ёриқлар пайвандланиб, текисланган бўлиши лозим; болти бирикмаларнинг тешиклари ва резьбалари ейилмаган бўлиши даркор; бурилиш чамбараги орасидаги қаттиқ ейилган деталлар созларига алмаштирилсан; протекторлари едирилиб, гардиши силлиқ бўлиб қолган шиналардан фойдаланишга рухсат этилмайди; пневматик тормоз фрикцион накладкаларининг ейилиши 3 мм дан ошмаслиги керак.

Шуни эсда тутиш лозимки, таъмирлаш жараёнида трактор ва тиркамага пухталиги паст, сифатсиз, мөъёрий ҳужжатларда кўзда тутилмаган турли-туман материаллардан кўлбола усулда тайёрланган детал ва узелларни ўрнатиш ва ишлатиш қатъян тақиқланади!

Универсал-чопиқ ва пахтачилик трактори йил бўйи йигирмадан ортиқ машина ва механизмлар билан агрегатланиб, далачилик юмушларини адо этади. Уларни оптимал муддатларда бажарилиши трактор пухтагига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шундай экан, мөханизаторлар, фермерлар ва муҳандис-техник ходимлар юқоридаги тавсияларга амал қилиб, таъмирлаш сифатига алоҳида эътибор қарашмоқлари зарур. Шундагина машиналарнинг иш қобилияти қайта тикланади, агротехник кўрсатичларни мөъёrlар даражасида бажарилиши таъминланади, энг муҳими, фермер хўжаликларидаги дала юмушларининг оптимал муддатларда бажарилишига эришилади.

М.ТОШБОЛТАЕВ,

профессор,

И.ТЎЛНОВ,

*катта илмий ходим
(КХМЭИ).*

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

ЮСУПБЕКНИНГ ОРЗУЛАРИ

Юсупбекнинг болалиги Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли шаҳрида ўтди. У 2011 йили шахардаги 71-умумтаълим мактабини имтиёзли тутатиб, Хўжайли Транспорт касб-хунар коллежига ўқишга кирди. Коллежда ҳам айло баҳоларга ўқиди, тезда устозлари, тенгдошлари орасида обрў-эътиборга сазовор бўлди. Жамоат ишларида фаол иштирок этди. 2013

йида мазкур коллежни ҳам имтиёзли тутатди.

Энди Юсупбек олдида қайси олий ўқув юртига кириб ўқишим керак, деган савол турар эди. У ҳеч иккilanmasdan Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини танлади. Чунки у зоотехник бўлишни орзу қиларди.

— Ўқишга кирган куним қанчалик қувонганимни тасвирлашим қийин, — дейди Юсупбек Султанов. — Университет филиали ҳовлисидаги рўйхатда ўқишга кирганлар сафида ўзимни кўрдиму яқинларимга кўнгироқ қилдим. Бу хабарни эшишиб улар ҳам жуда қуворнишиди.

Мактабда ҳам, коллежда ҳам фақат айло баҳоларга ўқиган Юсупбек университетда ҳам шу анъанани давом эттириди. Шу боис, тезда олий ўқув юритидаги устозлари эътиборига тушди. Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган турли фан олимпиадалари ҳамда танловларда фаол иштирок эта бошлади. У 2013 йилдан бўён университет иқтидорли талabalар гурухи аъзоси.

— 2014 йили университет миқёсида ўтказилган “Зоология” фани олимпиадасида қатнашиб биринчи ўринни олдим ва мамлакат олимпиадасига йўлланмани кўлга киритдим, — дейди Юсупбек. — Буни қарангки, республика танловида ҳам муваффақиятли иштирок этдим — иккинчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг иккичи даражали дипломи билан тақдирландим.

Биз асалари етказиб берган асални маза қилиб истеъмол қиласиз, лекин асалари қорамолчиликни ривожлантириша фойдали эканлигини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. Мен шу мавзуни тадқиқ қилишни ўз олдимга мақсад қилганман.

У айни кунларда устози, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Р. Турганбоев раҳбарлигида “Қорамолчиликни ривожлантириши ва мустаҳкам озуқа базасини яратишда асаларичиликнинг тутган ўрни ва қўшимча даромад олиш йўллари” мавзусида илмий иш олиб бормоқда.

Юсупбек Султанов қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича 2016-2017 ўқув йили учун бакалавриат йўналишида Президент стипендиант бўлди. Ишончимиз комилки, у албатта, илмий ишини давом эттириб, ўз соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиб етишиади.

ЮТУҚЛАР ЧЕГАРА ЭМАС

Шоҳжаҳон Жалилов Қашқадарё вилоятининг Қамаши тумани Оқработ ҚФЙ Мехнатобод қишлоғида таваллуд топган. Эндинга 26 ёшга тўлди. У ўтган йилнинг кўкламида Италияни Пиза, Португалияни Порто, Словакияни Нитра ва Бельгияни Гент университетларида стажировка ўтаб қайтди.

Унинг ушбу чет эл сафарига TEMPUS-UZHELTH лойиҳасида голиб чиққани сабаб бўлди. Бундан ташқари, у Тошкент давлат аграр университетининг аълочи магистри. Айло ўқиш билан бирга, олий ўқув юртинига жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Шу боис Шоҳжаҳон 2012 ва 2013

йилнинг ёзида мамлакатимиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Россия Федерациясининг Челябинск давлат Агромуҳандислиқ академияси ўртасида тузилган шартномага асосан мазкур ўқув юртида ёзги ишлаб чиқариш амалиётини ҳам ўтаб келган эди.

У 2008 йили ўз қишлоғидаги 15-умумтаълим мактабини тутатгандан сўнг, тумандаги Маиший хизмат касб-хунар коллежида ўқишини давом эттириди. 2011 йили эса Тошкент давлат аграр университетига хужжат топшириди. Ўша пайтда мактабда, коллежда айло баҳоларга ўқигани, кутубхоналардан чиқмай мутолаа билан шуғуллангани асқотди. Давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Аълочи талаба сифатида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тадбирларида фаол иштирок этди. 2014-2015 ўқув йилида бакалаврлар учун таъсис қилинган Беруний номидаги Давлат степендияси соҳиби бўлди.

Университетни муваффақиятли тамомлагандан сўнг магистратурага қабул қилинди. Бугунги кунда магистратуранинг иккинчи курсида таҳсил олмоқда.

Шоҳжаҳон ҳали магистр бўлса-да фермерчиликни ривожлантириш, улар имкониятларини кенгайтириш учун “Фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни ривожлантириши тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўллари” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда. Илмий ишини амалиёт билан мувофиқлаштириш учун у мунтазам Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида фермер хўжаликлида бўлиб туради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Шоҳжаҳон Жалиловнинг қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича 2016-2017 ўқув йили учун магистратура йўналишида Президент степендиясига сазовор бўлгани ҳам унинг иқтидоридан далолатdir. Келгусида у юрт ва халқимиз корига ярайдиган етук мутахассис бўлиб етишишига шак-шубҳа йўқ.

Аслиддин САТТАРОВ.



Унинг ушбу чет эл сафарига TEMPUS-UZHELTH лойиҳасида голиб чиққани сабаб бўлди. Бундан ташқари, у Тошкент давлат аграр университетининг аълочи магистри. Айло ўқиш билан бирга, олий ўқув юртинига жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Шу боис Шоҳжаҳон 2012 ва 2013

йилнинг ёзида мамлакатимиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Россия Федерациясининг Челябинск давлат Агромуҳандислиқ академияси ўртасида тузилган шартномага асосан мазкур ўқув юртида ёзги ишлаб чиқариш амалиётини ҳам ўтаб келган эди.

У 2008 йили ўз қишлоғидаги 15-умумтаълим мактабини тутатгандан сўнг, тумандаги Маиший хизмат касб-хунар коллежида ўқишини давом эттириди. 2011 йили эса Тошкент давлат аграр университетига хужжат топшириди. Ўша пайтда мактабда, коллежда айло баҳоларга ўқигани, кутубхоналардан чиқмай мутолаа билан шуғуллангани асқотди. Давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Аълочи талаба сифатида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тадбирларида фаол иштирок этди. 2014-2015 ўқув йилида бакалаврлар учун таъсис қилинган Беруний номидаги Давлат степендияси соҳиби бўлди.

Университетни муваффақиятли тамомлагандан сўнг магистратурага қабул қилинди. Бугунги кунда магистратуранинг иккинчи курсида таҳсил олмоқда.

Шоҳжаҳон ҳали магистр бўлса-да фермерчиликни ривожлантириш, улар имкониятларини кенгайтириш учун “Фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни ривожлантириши тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўллари” мавзуида илмий изланишлар олиб бормоқда. Илмий ишини амалиёт билан мувофиқлаштириш учун у мунтазам Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида фермер хўжаликлида бўлиб туради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Шоҳжаҳон Жалиловнинг қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича 2016-2017 ўқув йили учун магистратура йўналишида Президент степендиясига сазовор бўлгани ҳам унинг иқтидоридан далолатdir. Келгусида у юрт ва халқимиз корига ярайдиган етук мутахассис бўлиб етишишига шак-шубҳа йўқ.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ УЧУН АРЗОН ВА ШИНАМ ҮЙЛАР

Маълумки, намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, сервис ва хизмат кўрсатиш иншоотларининг бунёд этилиши натижасида мамлакатимизнинг олис қишлоқлари ҳам кундан-кун чирой очиб, тобора кўркамлашиб бормоқда.

Бунда “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг амалга ошираётган ишлари айниқса, диққатга сазовор. Зотан 2009-2016 йиллар мобайнида қишлоқ массивларида 69,5 мингдан ортиқ шинам уй-жойларнинг қурилиб, фойдаланишга топширилгани фикримизнинг далилидир.

Президентимизнинг “2016 йил учун турар-жой мавзеларини қуриш ва қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар бўйича якка тартибдаги тураржойлар қурилиши индустрисал базасини янада ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги 2016 йил 29 январдаги қароридан келиб чиқиб, 2016 йилнинг ўзида 300 та қишлоқда 13 мингта якка тартибдаги уй-жой бунёд этилди ва ўз эгаларига топширилди. Компаниянинг қурилиш ва пудратчи ташкилотлар ҳамда бир қатор молия муассасалари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли, замонавий хонадонларни ўз бағрига олган массивларда 307,5 км газ, 489,0 км ичимлик суви, 328,0 км электр тармоқлари тортилиб, 291,0 км ички йўллар ҳамда 175 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси иншоотлари қад ростлади. Энг муҳими, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши пировардиди ишлаб чиқариладиган сифатли, рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳаллий хомашёдан қурилиш ишларида кенг фойдаланиш эвазига, нархнавонинг пасайишига эришилди.

Бу борада ҳалқаро молия муассасаларининг қизиқиши тобора ортиб бораётганини, яни қатор йиллардан бўён Осиё тараққиёт банки билан самарали ҳамкорлик қилиб келинаётган бўлса, 2015 йилдан бошлаб, Ислом тараққиёт банки, ўтган йилдан эса, Саудия тараққиёт жамғармаси ҳам ушбу лойиҳада самарали иштирок этабошлагани диққатга сазовор. Ўзаро ишонч ва ҳамкорлик самараси туфайли қурилиш жарабёнини намунали ташкил этиш, ишни тез ва сифатли бажариш асносида, янги замонавий, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган уйларни ўз соҳибига тортиқ этиб, ҳар йили минглаб юртдошларимизга кувонч, юзлаб қишлоқларимизга кўркамлик, чирой бағишинамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 21 октябрда-

ги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш Дастири тўғрисида”ги қарори ана шу эзгу амалларнинг давомийлигини таъминлашта, қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини, хоҳишисткаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур қарор қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари учун замонавий ва шинам уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан оширишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга ва қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга қаратилгандир.



Курилиш-монтаж ишлари сифатига кўйиладиган талабларнинг оширилиши қарорнинг яна бир муҳим хусусияти ҳисобланади. Маълумки, эндиликда қишлоқ жойларда мавжуд намунавий лойиҳаларга кўшимча равишда арzon уйларнинг янги намуналари жорий этилди. Булар жумласига, хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки-уч қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар, аҳоли зич жойлашган туманлarda ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 2 сотих бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 2-3 хонали уйлар, ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 4 сотих бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган икки қаватли бирлаштирилган 4 хонали уйлар киради.

Фуқароларнинг дастлабки бадали: икки,-уч қаватли кўп квартирали (2-3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли уйлар учун - 15 фойзни, икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар учун - 25 фойзни ташкил этади.

Бундан ташқари, ипотека кредити уч йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фойз миқдордаги фойз ставкаси билан 15 йил

муддатга берилиши қишлоқ аҳолиси учун янада кенг қулайликлар яратиши шубҳасиз.

Бу имкониятдан фойдаланиш истагида бўлган уй-жойга эҳтиёжманд оиласларнинг аъзолари ўзлари доимий рўйхатда бўлган қишлоқ фуқаролар йиғинига мурожат қилишлари лозим бўлади.

2017 йилда барча қулайликларга эга бўлган 15 мингта янги уй-жой бунёд этилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Шу билан биргаликда, янги қурилаётган уй-жой массивларида давлат маблағлари ҳисобига ташқи муҳандислик ва транспорт тармоқлари қурилишининг амалга оширилиши кўзда тутилган. Хусусан, 415 км ичимлик сув, 317 км газ ва 291 км электр узатиш тармоқлари, 260 км ички автомобиль йўллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ушбу уй-жойлар қуриладиган массивларда маҳалла гузарлари, майший хизмат кўрсатиш, савдо шоҳбочлари, таълим-спорт масканлари, қишлоқ врачлик пунктларидан иборат 134 та ижтимоий инфратузилма иншоотлари қурилиши мўлжалданапти.

Пудратчиларнинг республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган метал тунука, ёғоч-тахта сингари маҳсулотлар билан таъминланиси “Ўзсаноат-тэкспорт” акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлиб, замонавий ва маҳаллий қурилиш материаллари ва жиҳозлари, яъни, эшик, ойна, пластик дераза ромлари, керамик плитка, майший газ плитаси, сув иситтич, радиатор, иситиш қозонлари, ўлчов жиҳозлари (газ, электр) ва бошқалар марказлаштирилган тартибда тўғридан-тўғри қурилиш майдонларига имтиёзли нархларда етказиб берилади.

Энергияни тежайдиган ва қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича ишлайдиган замонавий жиҳозларни намунавий лойиҳаларга киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Асосан маҳаллий қурилиш материаллари ва жиҳозларининг ишлостилиши ҳамда солиқ ва божхона имтиёзларининг берилиши ҳисобига намунавий уй-жойларнинг арzonлиги таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарорнинг қабул қилиниши қишлоқларни янада ободонлаштиришга, қишлоқ аҳолисининг қалbidаги бир олам орзу ҳавасни рўёбга чиқаришга, ҳаёт даражасини тубдан оширишга хизмат қиласди.

Бекмурод ДУШАНОВ,
“Қишлоқ қурилишинвест”
МЧЖИК бўлим бошлиги.

БАНК ХОДИМИ МИЖОЗ ҲУЗУРИДА

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, ҳар қандай давлат ёинки, оиланинг иқтисодий аҳволи аввало, унинг фуқароси ёхуд аъзосининг ўзига, яъни унга Яратган томонидан берилган бебаҳо бойлиг-у неъматлар ва имкониятлардан ўз ўрни ҳамда вақтида оқилона фойдаланишига боғлиқ. Шундай экан, “Олма пиш, оғзимга туш” қабилида эмас, ҳурлик, тинч-хотиржамлик, сиҳат-саломатликдек буюк неъматнинг қадрига етиб, савобли, фойдали ишларга жидду-жаҳд қилишимиз, айни муддао.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-кувватланиб, соҳа ривожига кенг йўл очиб берилиши натижасида, бугунги тараққиётимизнинг негизи бўлмиш, тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 56,5 фоизга етгани, иш билан банд аҳолининг 78 фоизи айнан шу тармоқда фаолият кўрсатаёт-ганлигини кўриш мумкин.

Аҳоли бандлигини кенг миёсда таъминлаш орқали, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан айни пайтда барча тијорат банклари томонидан юртимиз миёссида “Оддий аҳолини тадбиркор қилиш” лойихаси доирасидаги тадбирлар қизғин суръатда олиб борилмоқда.

Бу борада “Микрокредитбанк” акциядорлик тијорат банкининг ходимлари аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, шахсий томорқаларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш мақсадида жорий йилда имтиёзли кредит хизматлари тўғрисида батафсил маълумот бериб, уларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ишларини режалаштирган.

Ана шу мақсадда, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йигинларида учрашувлар ташкил этилмоқда. Уларга тадбиркорликни ривожлантириш, ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, тадбиркорликдан келадиган давлат ҳамда халқ манфаатлари хусу-

сида батафсил тушунча ва маълумотлар берилмоқда. Бундан ташқари ҳар бир хонадонга аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқишиларини аниқлашга қаратилган маҳсус сўровномалар юборилмоқда.

Шунингдек, аҳолининг соҳага қизиқишини ошириш ҳамда бу жараёнлардан хабардорли-



гини янада кучайтириш мақсадида маҳсус буклет шаклидаги намунавий бизнес лойихалар тарқатилаяпти. Шу асосда фуқаролар йигинлари ва банкларда банкнинг имтиёзли кредитлаш тартиботлари, бу борадаги бошқа йўл-йўриқ ва меъёрий ҳужжатлардан иборат маҳсус “Тадбиркорлик бурчаклари” ташкил этилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиш истагини билдирган ва кредитга талаби бор оила вакилларининг бизнес лойихалари банк филиалларининг мутахассислари томонидан қисқа муддатларда ўрганилиб, уларга тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда яқиндан кўмак кўрсатилаяпти. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўтган қисқа фурсат да-

вомида 428 та аҳоли пунктлари ва мавзеларидағи 10 мингдан зиёд хонадонларда сўровлар ўтказилди. Ана шу сўров натижасида аҳолининг асосий қисми тадбиркорликнинг у ёки бу тури, айниқса, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик, ҳунармандчилик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис каби соҳалар билан шуғуллаши истагини билдиришган.

Шу ўринда айтиш мумкинки, “Микрокредитбанк” АТБ нинг балиқчилик, асаларичилик, қўёнчилик, дехқончилик, лимон етиштириш сингари элликка яқин кичик бизнес фаолият турлари бўйича таклиф этаётган молиявий кўмаги энг кам иш ҳақининг юз баравари (салкам 15 миллион сўм) микдорида бўлиб, имтиёзли фоиз ставкаларида, З йилгача муддатга берилади.

Бунинг учун сиз тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, тегишли ҳужжатларни: ариза, бизнес-режа (шахсий томорқада бизнес бошламоқчи бўлганлардан талаб этилмайди), шахсий томорқаси мавжудлигини тасдиқловчи маълумотнома (шахсий томорқада бизнесни амалга ошироқчи бўлганлар учун), гаров таъминоти, яъни кўчмас мулк (нотурар бино ва иншоот-лар), юк ёки енгил автомобиль, асбоб-ускуналар, учинчи шахс, яъни жисмоний шахс кафилилги ёки суғурта полиси кабилардан бирини тақдим этишингиз ва ўз бизнесингизни бошлашингиз керак бўлади.

Таъбир жоиз бўлса, доно халқимизнинг “Қаловини топсанг, қор ёнар” деганидек, энди, аввало ўзини билган, муқаддас оиласи, порлоқ келажагини, жонажон юртининг гуллаб-яшнашини ўйлайдиган инсон ўзининг нималарга қодир эканини намоён этмоғи даркор.

С.РУСТАМОВ,
ӯз мухбиримиз.

“ЎЗАГРОЛИЗИНГ” ДЕҲОННИНГ ЭНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бугуни ва эртаси халқ хўжалигининг барча соҳа ва тармоқлари, жумладан, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда хўжаликларнинг, энг замонавий техника воситалари билан қай даражада таъминланганлигига бевосита боғлиқ. Йил сайнин такомиллашиб, ҳар томонлама қулай ва ихчам бўлиши билан бирга, анчагина маблаг талаб қиласидиган иш қуроллари – техника воситаларини етарли миқдорда сотиб олишининг ўзи бўлмайди. Албатта, бунда лизинг хизматининг ўрни жуда катта.

Хозирги вақтда республикамиздан фермер хўжаликлигини аксарияти лизинг хизматидан кенг фойдаланмоқда. Янги техника сотиб олишда лизинг - қулай ва самарали механизм бўлиб, бунда, техника қийматининг бир қисми аванс сифатида олдиндан тўланади, қолган асосий қисми эса лизинг фоизи билан қўшилган ҳолда бир неча йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаб борилади.

Лизинг тўлаш даврида фермер хўжалиги техникадан фойдаланиш орқали ўз ишлаб чиқаришини ривожлантиради, яъни ҳосил этиширишда қийинчиликларсиз, зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширади. Бу дегани, уларнинг ўз техникасидан беминнат фойдаланиши баробарида, механизация ишларига сарфланадиган маблагини текжабгина қолмай, бошقا хўжаликларга хизмат кўрсатиш орқали қўшимча маблаг топиш имконига ҳам эга бўлади.

Хукуматимизнинг маҳсус қарори билан 1999 йилда ташкил этилган қишлоқ хўжалигига лизинг хизматларини кўрсатишга ихтисослашган “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги “Ўзагротексноатхолдинг” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти, деб ўзгартирилди.

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига жумладан, фермерларга ўтган 2001-2016 йиллар давомида 1184 дона ғалла ўриш комбайнлари, 22184 дона чопик тракторлари, 3696 дона ҳайдов тракторлари ҳамда 60 хилдан иборат 31473 дона турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникалари лизинг асосида етказиб берилди.

Биргина ўтган йили 273,7 млрд. сўмлик қийматдаги қишлоқ хўжалик техникалари лизинг асосида етказиб берилди ва бу 2012 йилга нисбатан 125,0%га кўпdir.



Лизинг хизматининг кейинги 5 йиллик фаолияти таҳлил қилинганда, талаб этилаётган техникаларнинг тури 30 тага ошгани ва умумий сони 60 турга етганини кўриш мумкин.

Республикамиздаги етакчи лизинг компанияларидан бири бўлган “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

нинг 2000 йил 2 ноябрдаги “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тасдиқланган “Тартиб” асосида амалга ошириб келаяпти.

Мазкур “Тартиб” бўйича ҳар йили 1 августан кечиктирмасдан лизинг олувчиilar томонидан «Ўзагролизинг» АЖ нинг вилоятлардаги филиалларига кейинги йилда олинадиган техника воситалари учун буюртмалар бериш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги “Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси” орқали лизинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида маблагларнинг ажратилиши, Жамиятнинг худудий филиаллари билан лизинг олувчиilar ўртасида тузиладиган шартномалар ҳамда техникаларни етказиб беришнинг қоидалари бел-

гилаб берилган.

Республикамизнинг барча вилоят марказлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида Жамиятнинг ҳудудий филиаллари ташкил этилган бўлиб, мижозларга лизинг хизматини кўрсатиш бевосита ана шу филиаллар орқали амалга оширилмоқда.

Жамиятнинг www.agroleasing.uz номли “веб-сайти”да қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб берилиши мумкин бўлган техникаларнинг турлари, номи ва русуми, техник тавсифи, қиймати, лизингга етказиб бериш шартлари каби барча зарур ахборотлар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорига мувофиқ, машина-трактор парклари, ширкат ва фермер хўжаликлари ҳамда ҳудудий “Агрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятларига техникани лизингга олишда бир қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, дастлаб, техника қийматининг 20 фоизи аванс сифатида тўланади, қолган қисми ва лизинг бўйича устамаси машина-трактор парклари ва “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ тизимида корхоналар томонидан 7 йил мобайнida, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги машина-трактор парклари, ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан 10 йил мобайнida тўлаб борилади.

Жамият томонидан трактор тиркамаси, плуг, чигит ва дон экиш, ўт ўриш-майдалаш, макка ўриш ва минерал ўғит сочиш агрегатлари, культиваторлар, дори пуркаш ва сепиш мосламалари каби 50 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникаларини ўз айланма ва жалб қилинган кредит маблағлари ҳисобидан лизингга етказиб берилмоқда.

Энг муҳими, техникаларни лизингга етказиб берилиши ишлаб чиқарувчиларнинг иш графигидан келиб чиқсан ҳолда олиб бориляпти. “Ўзагролизинг” АЖ да фермер хўжаликларига лизинг хизмати кўрсатишда бошقا молиявий ташкилотларга нисбатан, лизинг лойиҳаси бўйича, энг кам даражадаги таъминот берилиши талаб этилади ҳамда техника бериш юзасидан қабул қилинадиган қарор энг қисқа муддатда, яъни уч иш кунида ниҳоясига етказилиши билан эътиборлидир.

Яшнарбек ҲУСАНОВ.

МЕҲНАТГА ЯРАША ДАРОМАД

Инсон ҳалол меҳнати билан ҳалқ орасида улуғликка эришади. Меҳнат қилиб эл корига яраган одам борки, унга эл-улус доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келади. Республикаизда тадбиркор ва фермер аёллар сони йил сайин кўпайиб бомоқда. “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони соҳибалари Сиёсатхон Абдуллаева, Патилахон Эргашева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Лолаҳон Муродоваларга ҳавас қилмаган соҳа ва-киллари бўлмаса керак.

Фаргона вилоятидаги Риштон туманининг илғор хўжаликларидан саналган “Иҳтиёр СМИК” кўп тармоқли фермер хўжалиги иш фаолияти билан танишидик.

— Астойдил қилинган меҳнат албатта ўз самарасини беради, бунда факат қийинчиликлардан чўчимаслик керак, — деди хўжалик иш бошқарувчиси Раҳматилла ака Абдуллаев. — Мана бунга яққол мисол. Мўътабар опа ширкат хўжалигига оддий ишчиликдан иш бошлаганлар. Юртимизда фермерлик ҳаракати бошлангач 2,15 гектар ташландик майдонни олиб, боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил қилдилар. Туман ҳокимлиги, бизга ишонч билдирган ҳолда экин майдонимизни 70 гектарга кенгайтиришди. Ерга меҳр берсанг, ер ҳам сенга ўз мурувватини кўрсатади, дейишади. 80 нафар доимий ишчи билан пахта ва фалла шартномавий режаларни ошиғи билан адод этиб келяпмиз. Меҳнатга яраша даромад деганларидай, ҳар бир ишчимиз меҳнатга яраша иш ҳақи, фалла олишади.

— Фермер ҳар томонлама мукаммал бўлишга интилиши керак — деди хўжалик бошлиғи Мўътабар Аҳмедова. — Хўжалик иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш учун, биринчи навбатда, доимий даромад манбанин яратиш зарур. Биз боғдорчилик йўналишида иш бошлаган бўлсак-да, ҳозирги кунда чорвачилик, асаларичилик, пахта-фаллачилик ва тикиувчилик каби йўналишларда ҳам фаолият олиб борајпмиз. Бу соҳалар доимо бир-бирини тўлдириб, хўжалик иши давомийлигини таъминлади. 10 бosh қорамол билан чорвачиликни йўлга кўйгандик. Икки йилда қорамоллар бош сони 70 бошга етди. Бу ишчиларимизни муттасил сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашимиз учун замин



бўлмоқда. Ҳар йили фалладан бўшаган майдонга кунгабоқар экамиз. Бу ўсимлик нектарга бой. Шунинг учун 100 та асалари оиласларини парваришлаймиз. Бу ҳам хўжалик учун кўшимча даромад келтиради.

Қишлоғимиз оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, тукувчилик цехини ишга туширдик. Натижада 15 нафар коллеж битирувчилари доимий иш билан таъминланишди. Уларнинг моҳир қўллари билан тикилган кийим-кечаклар туманимиз бозорларида харидоргир маҳсулотга айланди. Айни кунларда 35 гектар майдондаги фалла парвариши билан машгулмиз. Озуқа бериб, чилла сувини қўйдик. Пахтанинг “Наманган-77” нави уруғини экиш учун 35 гектар майдонни тайёрлаяпмиз.

Пахта ва фалладан юқори ҳосил олишимизда механизаторлар Миролим Аҳмедов, Иномжон Отакўзиев, сувчилар Саминжон Ҳасанов, Азизбек Иброҳимовларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ҳа, интилганга толе ёр, дейди доно ҳалқимиз. Мўътабар опа туманда яна бир эзгу ишни бошлаб бердилар. Меҳнаткашларга мўлжалланган дала шийпони куриб ишга туширилди Ушбу шийпонда 250 нафар ишчи-ходим овқатланиши ва дам олиши учун барча шароитлар мужассам этилган. Дала шийпони замона талабига яраша бўлиши учун 211 млн сўм маблағ сарфланди. Эзгу ишдан руҳланган Мўътабар опа ва хўжалик ишчилари жорий йилда яна 25 нафар қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлашни кўзлашган. Келгусида хўжалик ҳудудида фишт ишлаб чиқариш корхонаси ва паррандахона ўз фаолиятини бошлайди.

К.ЭРГАШЕВ,

ўз мухбиримиз.

Суратда: хўжалик иш бошқарувчиси Раҳматилла Абдуллаев.

ТАЖРИБАЛАРГА ТЯНИБ...

Хикоямиз қаҳрамони Жиззах вилояти Зафаробод туманиндағы “Жонибек ота” фермер хўжалиги раҳбари, “Меҳнат шуҳрати” ордени совриндори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Тинчлик ота Бердибековни кун изгиринли, совуқ бўлганлиги сабабли уйда бўлсалар керак деган ўй билан хонадонига бормай, фермер хўжалиги даласига йўл олдик.

Бепоён дала оппоқ қор билан бурканган. Даланинг ўртасидаги киши биз томонга юра бошлади. Тахминимиз тўғри чиқди. Бу ўша киши, мен анчадан буён кўрсам, тажрибаларини матбуотда ёритиб, дехқон-фермерларимизга наъмуна қилиб кўрсатсан деган дала баҳодири, 75 ёшини қоралаган – Тинчлик ота эди.



Отахон бизни очик чеҳра билан кутиб олди.

— Дехқончиликдаги бараканинг бешиги, аввало, ерга меҳр беришда деб ҳисоблайман. Шу меҳр инсонни ҳар доим даласи бағрига тортади. Ҳақиқий дехқон биринчи навбатда, бугунга ўхшаш изғиринли кунда далисадан хабар олиши керак. Чунки қаердандир ёғингарчилик ёки кимнингдир эътиборсизлиги туфайли тошган сув далани босиб, талафат келтириши мумкин. 60 йилдан кўпроқ далада ўтган умрим давомида бундай ҳолатларнинг кўп шоҳиди бўлганман, — дейди миришкор дехқон — Ўсимликнинг дарди ёзда куннинг жазирамасида, қишида эса қаҳратонли кунларда кўринади. Зоро, бундай кунларда экин ҳолидан хабар олишни ўсимлик хуш кўради. Сиз учун бор имкониятини бағишлаб мўл ҳосил беради.

Тинчлик отанинг ёшлиги далада, уста дехқонлардан сабоқ олиб ўтди. Ўрта мактабни тутатгандан кейин дехқончиликка бўлган меҳр уни Тошкент қишлоқ хўжалиги институти томон етаклади. Билимдон, тиришқоқ ёш дехқон олий даргоҳни муваффақиятли тутатиб, олим-агроном мутахассислигини қўлга киритгани биланоқ далага шошилди.

Дехқончиликнинг барча бўғинларида агроном, асосан етакчиликдан хўжалик раҳбарлигига ишлаган кезларда фидокорона меҳнати туфайли ҳар доим режаларни ортиғи билан уddaлаб, пешқадамлар сафида бўлди. Истиқлол унга ерга эгалик хуқуқини, асосийси ўз эли, юрти учун хизмат қилиш имконини берганлиги боис, у мустақиллигимизнинг биринчи қалдирғочларидан бўлиб, шижаот билан 1993 йилдаёқ “Жонибек ота” фермер хўжалигига асос солди. Жамоа ташкил этилгандан буён ҳамиша, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам барча турдаги қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, эл-юрт тўкинлигига муносаб ҳисса кўшиб келмоқда.

Ўтган дехқончилик йили техника базаси мукаммал яратилган хўжалик заршунослари учун омадли келди. Дастлабки ҳосил, пилла тайёрлаш режаси 170% га бажарилди. Экилган 40 гектар галланинг 15 гектари уручиликка акратилди. “Таня” навининг супер элита уруғидан гектар бошига 60 центнердан сифатли уруғлик дон етиштирилди. 30 гектар майдонга уруғлик учун экилган гўзанинг супер элита “Ан-Боёвут 2” навидан мўл ҳосил етиштирилиб, йиллик режа 120% га уддаланди. Галладан бўшаган майдонларга алмашлаб экинларинг илмий асосларига таянган ҳолда дуккакли дон, ем-харак ҳамда сабзавот экинлари экилиб, ҳосили ишчи-хизматчилар ва эл дастурхонига тортиқ қилин-

ди. Провардидаги тупроқ унумдорлигининг ошишига замин яратилди.

Фермер хўжалигига дала маданияти тўлиқ шаклланган. Кузги-қишки агротехник тадбирлар сифатли, ўз вақтида ўтказилади. Тайёрланган органик компост фалла экиш ва шудгор олдидан тўлиқ берилган. Оптимал муддатларда экилган фалла фосфорли-калий ўғитлар билан экилиб, туплаган ҳолда қишини қарши олган.

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини оширишда хўжаликда қуйидагилар энг асосий омиллардан ҳисобланади:

- экинларнинг серҳосил, тупроқ-иқлим шароитларига мос янги навлари танланади. Бунинг учун навлари агробиологияси ўрганилади;

- тупроқ унумдорлигини оширишни таъминлайдиган маҳаллий, маъданли ўғитлар ва органик компостдан самарали фойдаланилади;

- алмашлаб экинларнинг бугунги кун талабларига мос ва илмий асосланган тизимлари амалиётга жорий этилади;

- қишлоқ хўжалик экинларини суспензиялашга алоҳида эътибор қаратилгани ҳолда, бу тадбир зараркунданда, касаллик ва ҳатто бегона ўтларга қарши кураш ишлари ўйғунлаштирилган ҳолда олиб борилади. Бундай биопрепаратлардан кенг кўламда фойдаланишга эришилади. Зараркундадарга қарши курашда 100 фоиз ишончли, истиқболли биологик кураш қўлланилади;

- жамоа пахта-галла уругчилигига ихтисослашганлиги боис, уруғшуносликнинг илмий асосларига ҳамда уруғчилик қоидаларига оид барча тадбирлар сифатли ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, тажрибали дехқон етакчилик қилаётган фермер хўжалигига ўсимликлар вегетацисида белгиланган тадбирлар агроилм асосида ўтказилиши ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам сифатли, салмоқли, ишончли ҳосил олиш имконини беради.

“Жонибек ота” фермер хўжалигига кўп тармоқлий шаклланган бўлиб, соҳаларни иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш йўлида аниқ режалар асосида иш олиб борилаяпти.

Фидойи инсон дехқончиликка меҳр бериб кам бўлмади. Шарбатой ая билан кўша қарив, 9 фарзанд – 8 ўғил 1 қизнинг камолини кўриб, эл олдидан ҳурмат топиб яшамоқда. Эътиборлиси, фарзандларининг ҳам зиратга меҳри баланд бўлганлиги боис, уларнинг аксарияти ота изидан бормоқда.

Ўз мухбиришимиз.

ТОМОРҚАДАН БОШЛАНГАН ТАДБИР

Истиқолол туфайли хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш, давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини фаоллаштириш, оилани мустаҳкамлаш ва фарзанд тарбияси билан боғлик масалалар мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Аёл деганда, кўз олдимизга биринчи навбатда, бешикдаги боласига парвона бўлаётган, тандирдаги олов ёлқини юзига уриб, нон ёпаётган, куйиб-пишиб кийим тикаётган, кир ювиб, дазмол қилаётган, фарзандларини мактабга, турмуш ўртоғини ишга кузатиб, уй-жойини саришта қилганича ишхонасига ҳам бориб ишлаб яна рўзгор ташвиши билан уйига шошиладиган, қолаверса, ҳовлисию-томорқасини яшнатиб қўйган опа-сингилларимиз келади. Оҳангаронлик Тожинисо опа Равшанова тимсолида ўзбекнинг фозила аёлини кўргандай бўлдим.

Тожинисо опа оиласа соғлом турмуш тарзини яратиб озмас, кўпмас беш қизин эл корига ярайдиган қилиб вояга етказди. Турли жабҳаларда ишлаб, эл олдида фидоийлиги, наъмунали одоби билан обрў-эътибор топди.

— Хонадонга файзу барака аввало томорқадан келади, — дейди Тожинисо опа, — Ёшим 60 дан ошибдики, ҳозиргача қуёш чиққандан кейин уйқудан бош қўтартганимни эслолмайман. Айтишларича, инсонларга ризқ улашувчи фаришталар эрта тонгда хонадонларда бўлиб, кимки субҳидамда туриб, атрофни тоза, озода қилиб қўйгани ҳолда, томорқаси кўркам-файзли бўлса, кўпроқ ризқнасиба улашаркан. Мени ҳаётда тутган йўлим шу ақидага мос, хос бўлганлиги боис, дастурхоним ҳамиша тўкин, фарзанду набираларим соғу саломат улгайишиди.

Хонадонга кириб атрофга назар ташлар эканмиз биз бунга амин бўлдик. Мевали дараҳтлар яхши парваришилангани сабаб, киши эътиборини ўзига тортади. Ҳовли тўридаги молхонада 5 бош зотдор соғин сигир боғланган. 20 бошдан ортиқ қўйлар кўзилашни бошлаган. Очиқ майдонларнинг бир қисмida тўқсанбости экинлар экилгани ҳолда, бўш жойлар эртаги экинлар экиш учун тайёрлаб қўйилган. Ҳамма нарса ўз ўрнида, томорқадаги ҳолат хонадон соҳибасининг меҳнатсеварлиги, сариштаганини ифодалаб турди.

100 дан ортиқ хона гуллари киши руҳиятини кўтаради. Опага гуллардан гап очдик.

— Бу гулларни нафақат уй кўрки учун, биринчи навбатда, уларнинг шифобахшлик хусусиятларини хисобга олиб экканман. Ҳар йили томорқа-нинг бир четидан томорқачага жой ажратиб, турфа доривор ўсимликлардан, шунингдек, ноанъанавий шифобахш

ўсимликлардан экаман. Уларнинг инсон саломатлигига фойдаси тўғрисида фарзандларимга, қолаверса набираларимга тушунчалар бериб бораман. Томорқа нафақат даромад, балки биринчи ёрдам кўрсатувчи саломатлик манбаи бўлмоғи лозим, — деди, Т.Равшанова. — Ўтган йилда томорқа-мизга эртаги сабзавотлар экдик Унинг ўрнига илдизмевали сабзавотларнинг маҳаллий навларидан экиб яхшигина даромад олдик. Бу йил ҳам алмашлаб экишга амал қилган ҳолда экинлар экишни режалаштирганимиз. Бир неча йилдан бўён сабзавотларни бирга экиш борасида тажрибага эгамиз. Бу анаънани давом эттириб, мавжуд 8 сотих томорқадан олинадиган даромадимизни ошириб, соғ фойдани 40 миллион сўмга етказиш ниятидамиз.

Оҳангароннинг эл ардоғидаги боғбонларидан бўлган раҳматлик Нетьмат aka соҳибкорликдан оиласи Турсуной ая билан 7 фарзандни вояга етказишиди. Тақдир Тожинисо опани не-не синовлардан ўтказмади. Барча қийинчиликларни ақл-идрок, ҳалол меҳнат билан енгди.

Истиқолол шарофати билан “Равшан Шодлик зиёси” фермер хўжалигини ташкил этди ва ўшандан бўён жамоа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, зиммасидаги мажбуриятларини ортиғи билан уddyалаб келмоқда. Биргина ўтган йилда 10 гектар майдонга уруғчилик йўналишида буғдойнинг суперэлита “Таня” навини экиб, давлатга режадаги 64,5 тонна ўрнига 70,5 тонна сифатли уруғлик сотди. Ҳосилдорлик 72 ц/га ни ташкил этди.

— Тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли атро илим асосларини жорий этганлигимиз боис, йилдан-йилга юқори ҳосил олмоқдамиз — дейди опа. — Жорий йилда ғалладан камида 75 центнердан хир-



мон қўтарамиз. Эртаги сабзавотлар, хусусан пиёс этиштириш бўйича кўп йиллик тажрибалар асосида иш кўриб, 6 гектардаги пиёздан юқори ҳосил оламиз деган умиддамиз.

Хўжаликдаги мавжуд 4 гектарлик боғнинг 2 гектарига нокнинг “Лесная красавица”, 2 гектарига олхўрининг “Лета” нави экилган. Боғ ҳосилга кирибди. Дараҳтлар талаб этиладиган агротехник тадбирлар асосида парвариш қилинмоқда.

— Кўп тармоқлилик давр талаби, фермер хўжалиги иқтисодининг асоси, — дейди Тожинисо Равшанова. — Бу борада аниқ режалар асосида иш олиб бораётганимиз. Келгусида чорвачиликни янада барқарор тармоққа айлантириш бўйича мавжуд имкониятларни ишга солиб, туёқ сонини кўпайтирамиз. Жорий йилда мева-сабзавотларни сақлаш учун советкич қурилиши ишларини бошлаймиз. Шунингдек, мева куритиш цехи, иссиқхона қурилиши бўйича бошланган ишларни ниҳоясига етказиш чораларини кўрамиз. Бундан ташқари, дехқон-фермерларга хизмат кўрсатадиган “Қишлоқхўжаликтаъминотхизмат” маркази ташкил этиш ниятидамиз. Бугунги кунда берилаётган имкониятлардан самарали фойдалишиб, эл-юрт тўкинилигига хизмат қилишдаги фаолиятимизни янада кенгайтиришимиз учун барча чораларни кўраяпмиз.

Фермер опанинг энг долзарб йўналишлардаги ҳаракатларида ишонч, асосийси қатъиятлик уфуриб турибди. Атрофдагиларнинг эътирофига кўра, Тожинисо опа саховатпеша, бағрикент инсон. Бу хислат у кишининг ҳаётида ҳар қадамда учрайди. Зоро, ҳимматли инсон ҳеч қачон кам бўлмаган. Унинг халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган орзулари рўёбга чиқишига ишонамиз.

Ўз мухбиришимиз.

БОГИ БОРНИНГ ТОФИ БОР

Ўзбек халқи қадимдан боғ яратишни яхши кўради, унинг сирларини билади ва қадрлайди. Соҳибкорларимиз орасида боғ ва узумдан мўл ҳосил олаётган ва ўз тажрибасини бошқаларга ўргатаётган боғбонлар кўплаб топилади. Ана шулар юртимизда мева ва узум ўстиришининг ажойиб маҳаллий усулларини ва сифати жиҳатидан ҳозирда ҳам етакчи навларини яратганилар. Халқимизда боғ яратиш нақадар эзгу амал эканини тасдиқловчи, одамларни хайрли ишга ундовчи мақоллар, ҳикматли сўз ва ривоятлар анчагина.



Уларнинг бирида боғи бор одам бол-асал етиширадиган кишига тенг кўрилса, иккинчисида боғи бор одам тоғи бор кишига қиёсланади, яна бошқасида кексайганида ҳам дараҳт ўтқазган, эвазига юрт эгасидан олқиши эшитиб, мукофот олган доно ҳақида сўз боради. Бу бежиз эмас. Зеро, боғдорчилик қулагай даромад манбаи эканини бутун ҳаётнинг ўзи исботлаб бераяти.

Шахрисабз уста дехқон, боғбону соҳибкорлар юрти. Тумандаги Бижном қишлоғида 5—6 туп кўчкат кўтариб олган нуронийга дуч келдик. Салом-алиқдан маълум бўлдики, бу киши 85 ёшни қоралаган, боғдорчилик орқасидан 10 фарзанд — 6 ўғил ва 4 қызни вояг яетказган Раҳмат ота ўзи етиширган кўчатларни набирасиникига олиб бораётган эканлар. Ҳозирда ҳам отахон нафақат фарзандларини, балки набиралари томорқаларини назорат қилгани ҳолда яшнатиб қўйибди. Бизни хоҳишимизга кўра, Раҳмат бобо яқин ўртадаги ўғли Қобил аканикига бошлади.

Дурадгорлиги туфайли уста Қобил номи билан эл оғзига тушган Қобил ака боғдорчиликнинг ҳам устаси экан. 8 сотихли томорқада 12 туп ёнғоқ, 4 туп олма, 12 туп хурманинг сара навлари яхши парваришланганлиги боис, ўзгача чирой бериб турибди. 3 сотих ерда пайванд асосида етиширилган Сербиянинг “Гольден”навли ярим паканадан 2000, 1000 тупдан ортиқ гилоснинг ноёб “Валовая сердца” навининг сифатли кўчатлари экишга тайёр. Кучат эгалар куннинг экиш учун қулагай фурсатини кутиб туришипти. 2 сотих майдонда сабзавот ургучилиги билан шуғулланишади.

Хонадон соҳибидан томорқадан йиллик даромадни сўраганимизда, рўзгор истемолидан ташқари 45 млн. сўм бўлганлигини айтди.

— Хонадон хўжалигига бу чегара эмас, — дейди уста боғбон, — кўриб турганингиз табиий усуздаги 100 тонналик советкични бу йил ишга туширамиз. Демакки, олинадиган фойда миқдори жорий йилда бир неча баробарга ортади.

Бундан ташқари “Худойқулов Қобил” боғдорчилик фермер хўжалигимиздаги 2,5 гектар олманинг “Симеренко” навидан 21 тонна сифатли ҳосил кўтардик. 0,5 гектардаги гилосдан 6 тонна, энг асл навлар экилган 1 гектар токдан 30 тонна узум олиниб, маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинди. Ҳозирда ҳам 5 тонна олма советкичда сақланмоқда. Йилни 60 млн сўм соғ фойда билан якунладик. Эндиликда боғлар ҳажмини ва географиясини кенгайтириш, ноанъанавий дараҳтлар экишини режалаштирганимиз. Бу борада ўтқазган тажрибаларимизни амалиётга жорий қила бошладик.

Маълумки, мевали боғларнинг яхши ўсиши, ривожланиши ва юқори маҳсулдорликка эришиши учун макро ва микро ўғитлар ҳамда кимёвий препаратлар билан мунтазам парваришилаб тuriш зарур. Кўпчилик сифатли озиқавий ва химояловчи кимёвий воситалар республикаизга бошқа давлатлардан импорт қилинади. Бу ўз навбатида, катта харажатларга сабаб бўлиб, етишириладиган маҳсулот танинхининг ошишига олиб келади. Уста боғбон боғ касалликлари, зааркунандаларига қарши курашда биологик усуздан, биопрепаратлардан, ўзи тайёрлаган дармондорилардан кенг кўламда фойдаланади. Бу тадбир ишончли бўлигина қолмай, табиат мусаффолигига ҳам хизмат қиласди. Тупроқ унумдорлигини оширишда, маҳаллий ва кўкят ўғитлар, органик компост ҳамда дехқончиликнинг илмий асосларидан фойдаланади.

— Бу йил боғларимиздан юқори ва мўл ҳосил олиш кутилмоқда, — дейди Қобил ака. — Ҳозиргacha 2 марта яхоб суви бердик. Яхоб суви билан сугорилган дараҳтлар ва токларнинг асосий илдизлари 2 метр чукурликкача тўлиқ намланади ҳамда боғларда куртакларнинг уйгониши бир оз кечикади, лекин токларнинг уйгониши энергияси юқори бўлади. Натижада боғларда ўсув даврида 1—2 марта сугориш микдори қисқаралади.

ди, яъни 700—1400 м³ сув тежалади. Боғлардан ҳар йили муттасил мўл ҳосил олишга қаратилган агротехник тадбирлардан бири бу — дараҳтларга тўғри шакл бериш, буташ, сийраклаштириш ишлари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбирлар ҳаво ҳарорати +5°C дан юқори бўлганда бажарилади. Томорқа ва фермер хўжалигимиздаги олма, гилос ва хурмо дараҳтларига шакл беришда асосан сийраклашган ярусли усулни кўплаймиз.

Ёш дараҳтлардаги узунлиги 40—45 см.ли новдаларни чилпиб, эгиб, ярус ҳосил қилинса, улардан куртаклар чиқа бошлайди. Шоҳларни қисқартириш ва чилпиш шоҳ-шаббани ихчам қиласди, шоҳларда ўсув новдаларини кўпайиши ва даста шоҳларнинг ўсишига ёрдам беради.

Февраль ойининг охири март ойининг бошида боғларда мевали дараҳтлар танаси оқланади. Бунда 10л. сувга 2 кг.оҳакка 1,5 кг.тупроқ араплаштириб, дараҳтларнинг танаси ва она шоҳларини оқлаш зарур.

Дараҳтлар буталаб, шакл берилгандан сўнг ҳаво ҳарорати +5°C дан юқори бўлганда, дараҳтлар куртак чиқармасдан олдин уруғ мевали дараҳтлар парша (кўтири) касаллига (монилиоз куйиш) монилиозга қарши 3% ли бордо суюқлиги ёки 5° ли ООҚ билан жиққа хўллаб ювалиди. 10—12 кундан кейин пуркаш ишлари тақорланиди.

Данакли мева боғларида (ўрик, шафтодди, олхўри, гилос) монилиоз, клястероспориоз, гоммоз ва барг бужмалоқлигига қарши 5° ли ООҚ ёки 3% бордо ёки 1% ли мис купороси ёки 2—3% ли темир купороси билан эрта баҳорда куртаклар бўртиш арафасида ишлов берилади.

Умуман айтганда, боғдорчиликдаги янги тажрибалар, имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланишида қўл келаётгани бор гап. Бу эса аҳоли даромадлари ошиши баробарида бозорлар тўкинлиги, янги тармоқларнинг йўлга қўйилишини таъминлайди.

Ўз мухбиришимиз.

САРА УРУФ – МҮЛ ҲОСИЛ ЗАМИНИ

Андижон вилояти барча соҳалардаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам мамлакатимизда алоҳида нуфузга эга. Айниқса, мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг муҳим тармоғи дәхқончиликда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар дикқатга сазовордир. Бинобарин, Биринчи Президентимиз айтганларидек: “Бугун дәхқончиликда, Андижон мактаби яратилди десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди”.

— Қишлоқ хўжалигида эришаётган ютукларимизнинг бош омили барча жабҳаларда илм-фан ютукларидан, шунингдек, маҳаллий ҳамда хориж тажрибалардан кенг кўламда фойдаланганлигимизда деб биламан, — дейди вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Абдуфаттоҳ Ума-



ров. — Бинобарин, “Қишлоқ хўжалигида илмий йўналишдаги фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича йўриқнома” ҳамда “Илмий экспериментал фермер хўжаликлари — давр талаби” кўлланмасига асосан ташкил этилиб фаолият кўрсатаётган ихтисослашган илмий экспериментал хўжаликларимизда ўтказилаётган амалий тажрибаларига таяниб иш тутганилгимиз ўз самарасини бераялти.

— Жорий йилда вилоятимиз пахтакорлари 89200 гектар майдонга барака уруғи қадashi режалаштирилган. Бунинг 82506 гектарини тезпишар навлар, 3732 гектарини истиқболли навлар, 2962 гектарини эса янги навлар ташкил қиласди, — дейди “Андижондавурғазорат” инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ортиғали Аскаров, — Етарлича жамғарилган уруғликларни тайёрлаш ишлари белгиланган муддат ва қоидалар асосида ташкил этилган.

Вилоятда навларни жойлаштиришда, ҳар бир худунинг тупроқ-иқлим шароити, шунингдек, ҳар бир наvnинг агробиологияси бўйича фермернинг тажрибаси ҳисобга олинган. Шунга кўра, тезпишар навлардан “Андижон — 35”, “Андижон — 36”, “Султон” ҳамда “Андижон — 37”, истиқболли навлардан “ЎзПИТИ — 201”, “Истиқдол — 14” экилади. Янги навлардан “Келажак”, “Навбаҳор — 2”, “ЎзПИТИ — 202”, “Армуғон — 2” ва “Садаф” уруғи-

ни экиш режалаштирилган. Жойларда ҳар бир агротехник тадбир бўйича семинар-кенгашлар ташкил этилади.

“Андижонпахтасаноат” худудий филиали қошибаги “Найман уруғлари” масъулияти чекланган жамияти 2012 йили ўз иш фаолиятини бошлаган эди. Бу корхона асосан пахта ҳосили учун кимёвий усулда туклик уруғлик чигитларни туксизлантириб саралаб, дорилган тайёр уруғлик чигит ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Эътиборли томони шундаки, корхона хориждан келтирилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ишчи-хизматчиларнинг касбий салоҳияти талаблар даражасида шаклланган.

Корхона кунига 30-35 тонна чигитларни туксизлаш ва 60 тонна тайёр уруғликни дорилаб, йилига 3500 тонна уруғлик чигит тайёрлаш қувватига эга. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини изчил амалга оширган ҳолда корхона белгиланган йиллик 2500 тоннадан 3000 тоннагача бўлган режаларни ўз вақтида ишлаб чиқариб, пахта тозалаш корхоналарига етказиб бермоқда.

Андижон вилояти “Давурғазоратмаркази”, Андижон вилоят “Ғўза уруғчилиги”, вилоят “Агрокимёҳимоя” ХАЖ, “Андижонпахтасаноат” худудий филиалининг тайёрлов бўлими мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилган уруғлик чигитларнинг таҳлиллари ва бошқа самарадорларликлари мунтазам равишда назорат қилиб борилмоқда. 2017 йил пахта ҳосили учун 3500 тонна уруғлик чигитни фермер хўжаликларига етказиб бериш белгиланган муддатларда бажарилиши таъминланади. Бунинг учун ишчи-хизматчиларга талаблар даражасидаги барча шароитлар яратилган.



Хуллас, Андижон вилоятида жорий йил пахта ҳосили учун амалга оширилиши лозим бўлган кенг қамровли тадбирлар сифатли ўтказилмоқда. Андижонлик заршунослар ҳар дақиқани фанимат биллиб, улкан хирмон яратиш нияти билан меҳнат қилмоқдалар.

Ф.МИРЗАЕВ.

ЧҮЛНИ БЎСТОН ЭТАЁТГАНЛАР

Фарғона вилоятининг талайгина экин майдонлари Марказий Фарғона чўлларида жойлашган. Бу майдонларда дехқончилик қилиш, экин экиб, ундан мўл ҳосил олишда бевосита ирригация ходимларининг ўрни бекиёс. Бободехқонга об-ҳаётни ўз вақтида ва керакли микдорда етказиб бериш соҳа вакилларидан жуда катта маъсулият ҳамда тадбиркорона иш юритишни талаб қиласди.



Айниқса, кузги-қиши мавсумда канал ва зовурларни тозалаш, сув ўлчаш иншоотларини созлаш ишларига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу борада “Сирдарё-Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли “Норин-Фарғона” ирригация тизими бошқармаси томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бошқарма бошлиғи Муроджон Аҳмедовни фарғоналиклар моҳир ирригатор сифатида яхши танишади, уни “Чўл бургути” деб аташади.

Вилоятнинг Данғара туманидан ўтиб Марказий Фарғона чўлига кириб борар эканман, қалин туман ва қорни кўриб “шу совуқда ҳам ишлаб бўлармикан” деган хаёлга толдим. Бошқармага келганимда совуқ “ўз кучимни энди кўрсатаман” дегандай забтига олди. Бинода одамлар гавжум. Сўраб билсан, Муроджон ака ва ходимлар йиғилишиб қилиниши керак бўлган кундаклик вазифаларни муҳокама этишётган экан. Ҳа, ҳалқимиз маслаҳатли тўй тарқамас, деб бежиз айтмаган. Ходимларни ўз иш жойларига кузатган Муроджон ака билан суҳбатга киришдик.

— Ирригаторлик менга ота касб. Раҳматли отам Остоңақул Аҳмедов Боғдод туманида мироб бўлиб ишлаганлар. Ёшлигим отамнинг ортидан эргашиб, сув тақсимлагичлар орасида ўтган десам адашмаган бўламан. Мана шу қизиқиши мени Андижон пахтачилик институтининг Гидромелиорация факультети сари етаклади. Институтни тамомлаб “Пахтакор” ширкат ҳўжалигида меҳнат фаолиятимни бошладим. 2009 йилдан бошқармага раҳбарлик қилиб келмоқдаман. Ирригация тизими тасарруфидаги 32 та сув тақсимлаш участкада 428 нафар ишчи-

ходим Боғдод, Бувайда, Кўштепа, Ёзёвон, Олтиариқ, Риштон, Фарғона, Учкўприк ва Тошлоқ туманларининг Марказий Фарғона чўлида жойлашган 96 минг 228 гектар экин майдонларига хизмат кўрсатишиди. Бизнинг тизимимиздаги ҳўжаликлараро сув шоҳобчаларининг умумий узунлиги 470 километрни ташкил қиласди. Экин майдонларига 872 дона сув шоҳобчалари ва 631 дона сув ўлчаш иншоотлари орқали сув етказиб берилади.

Отамнинг “Сувдан тежаб, унумли фойдалансанг, кўзлаган мақсадингга эришасан”, деган насиҳатларига амал қилишни жамоа аъзоларига ҳар куни такрорлашдан чарчамайман. Ёз бўйи канал ва зовурлар турли хил чўқиндилар билан тўлиб қолади. Шунинг учун бизнинг энг қизгин иш палламиз куз ва қиш ойларига тўғри келади.

— Жорий йилги мавсумда, — деб давом этди бошқарма бошлигининг биринчи ўринbosари Баҳодир Шеназаров. — 175,4 км. масофадаги каналларни тозалаш ишлари режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 200 минг m^3 тупроқ ишлари бажарилди. 537 дона сув ва 486 дона сув ўлчаш иншоотлари таъмиранди. Ушбу ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда замонавий 7 та экскаватор ва 2 та бульдезор кўл келди. Моҳир экскаватор-машинистлар Тўйчивой Мамадаминов ва Собиржон Хўжаяёровлар меҳнатда сафдошларига ўрнак бўлишмоқда.

Ўз мухбиришимиз.

Суратда: қурилиш бўйича бошлиқ ўринbosари Улугбек Мадаминов, Муроджон Аҳмедов ва биринчи ўринbosар Баҳодир Шеназаров.

МЕХНАТИ ҚАДРЛАНГАН ИРРИГАТОР

Боёвут-Арнасой ирригация тизимлари бошқармаси Ховос бўлими бошлиғи Ўрозали Холмуродовнинг меҳнат фаолиятига назар ташлаган киши танлаган касбига мөхр кўйган, ҳар бир ишни вижданан бажаришга одатланган одамнинг жамоатда ҳам обрў-эътибор топиши муқаррар эканлигига ишонч ҳосил қиласди. — Қирқ йилдан ортиқ вақтдан буён ирригация соҳасида, бир корхонада ишлаб келяпман, — дейди лавҳамиз қахрамони. — Ўтган давр, айниқса, истиқлол йилларида Мирзачўлда содир бўлган катта-катта ўзгаришларга, асрий биёбоннинг гуллаган воҳага айланганига ўз кўзим билан гувоҳ бўлдим. Бунда биз ирригаторларнинг ҳам ҳиссаси борлиги қалбимга мамнуният бағишлади.



— Бошқармамизнинг Ховос бўлими шу номли тумандаги “Фарҳод”, “Чамбил”, “Бобур” ва “Шарқ” сув истеъмолчилари уюшмаларига қарашли З минг 300 гектар экин майдонини оби-ҳаёт билан таъминлайди, — дейди Боёвут-Арнасой ирригация тизимлари бошқармаси бошлиғи Улугбек Шакаров. — Жамоада 25 киши меҳнат қиласди. 14 та сув тўсиш, 13 та сув чиқариш иншоотлари, 13 та насос станциясининг бекаму кўст ишлаши, уларнинг ёрдамида дехқонларнинг йил давомида сувга зориқмай ишлашлари айнан шу бўлим азаматларининг ўз вазифасини вижданан бажаришига боғлиқ. Бу борада албатта, ана шу кичик жамоа аъзоларининг бошини бириктириб турган, ўзининг тажрибаси, етакчилик ва ташкилотчилик қобилияти билан уларга ўрнак бўлаётган бўлим бошлиғи Ўрозали Холмуродовнинг хизматлари бекиёс.

Ирригаторлар бошлиғи Ховос бўлими ва унинг раҳбари Ў.Холмуродов ҳақида бежизга алоҳида тўхталиб ўтмади. Бoisи, якунланган

2016 йил уларнинг ҳаётида ўчмас из қолди. Бутун онгли ҳаёти чўлу даштни ўзлаштириш, уни инсон измига бўйсундиришдек масъулиятли вазифани адо этиш билан ўтаётган Ўрозали ака Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги нишонланган йилда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов Фармонига биноан Ватанимизнинг юксак мукофоти — “Меҳнат шуҳрати” орденини олишга муваффақ бўлди.

Шу кунларда ИТБнинг Ховос бўлими жамоаси “қиш фаслини иш фасли”, деб билиб, унумли меҳнат қилишга интилмоқда. Бўлимга қарашли хўжаликлараро канални тозалаш ишлари якунига етадётир, сув иншоотлари ва насос станциялари яқинлашашётган экинлар вегетация даврига деярли тайёр бўлиб қолди.

— Тўғри, сув йўлларини тозалаш, гидроиншоотларни таъмирлаш ишлари 2017 йил ҳосили учун экилган фалла майдонларни сугориш, шўр ювиш, яхоб бериш каби мавсумий ишлар билан биргаликда олиб борилгани биз-

га бироз ноқулайлик туғдирди, — дейди Ўрозали ака. — Аммо, жамоамиз ҳар бир агротехник тадбирнинг ўз вақтида бажарилиши зарурлигини яхши англайди. Шунинг учун ҳам зиммамиздаги ишни тезкорлик билан, муҳими сифатли қилиб бажаришга интилдик. Ўллайманки, бу ҳаракатларимиз эртага ўз самарасини беради...

- Ҳамкассимизнинг меҳнати қадрлангани, унга юртимизнинг юксак мукофоти берилгани барчамизни хурсанд қилди, — дейди ИТБ Мирзачўл бўлими бошлиғи Баҳром Рустамов. — Бу янгиликдан кейин, айниқса, биз — шу соҳанинг ёш вакиллари руҳимизда ўзгача бир кўтаринкилик ҳис қилдик. Ўзбекистон деган юртда ўз касбини ардоклаган, вазифасини вижданан бажарган инсоннинг меҳнати ҳеч қачон бесамар кетмаслигига яна бир бор амин бўлдик.

Худойберди КАРИМОВ,

յўз мухбиримиз.

Суратда: “Меҳнат шуҳрати”

ордени соҳиби

Ўрозали Холмуродов.

Муаллиф олган сурат.

ДЕҲҚОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Сув – бебаҳо неъмат бўлиб, она табиатни шаклланишида муҳим ўрин тутган тўрт унсурдан биридир. Ушбу неъмат сабаб бир пайтлар қақраб ётган чўл-у биёблонлар ҳозирги кунга келиб боғ-у бўстонга бурканяпти. Қадим – қадимдан ота-боболаримиз сувни ифлослантирумаслик, ундан тежамкорлик билан оқилона фойдаланишга чорлаб келган. Мироблар ҳамиша эътибор-эъзозда бўлган. Она-заминга ҳаёт бахш этгучи бу соҳа вакиллари бугунги кунда халқимиз эъзозида.

Наманган вилоятининг Мингбулоқ тумани экин майдонлари деярли чўл ҳудудларида жойлашган. Ҳозирги кунда бу ерларда шўрланиш дарражаси бошқа туманларга нисбатан анчагина юқори. Шунинг учун туман меҳнаткашлари “Норин-Сирдарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси “Зардарё” ирригация тизими бошқармаси ишчиходимлари билан баҳамжихат меҳнат қилишади.

— Бошқармамиз вилоятининг Наманган, Тўракўрон, Поп ва Мингбулоқ туманларидаги 53099 гектар экин майдонига 17 та СИУлар ёрдамида сув етказиб беради, — дейди “Зардарё” ИТБ бошлиғи Жаҳонгир Умаров. — Кишлoқ хўжалиги экинларига меъердаги сувни етказиб бериш учун кузги-қишки тадбирга асосан ирригация тармоқларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, биргина Мингбулоқ туманида жами хўжаликлараро канал ва ариқлар 333,4 км. ни ташкил этган бўлиб, шундан 70,2 километри 2016-2017 йил кузги-қишки мавсумда суфориш тармоқларини тозалаш режасига киритилган. Шу

кунга қадар 48,5 км. қисми тозаланди. 23 та сув иншоти, 20 дона сув ўлчаш нуқта-



лари таъмирланди. Механизмлар ёрдамида 259,97 км.лик хўжалик ички ариқлар, 102,63 км.лик сув шохобаси тозаланди. Хўжалик ички сув иншотларидан 56 таси, ички сув ўлчаш нуқталаридан 61 таси таъмирланди. Шунингдек, 9 та давлат насоси ва 143 та ички насос станцияларини суфориш мавсумига тайёр ҳолатга келтириш ишлари амалга оширилмоқда.

— Мингбулоқ туманининг 8965 гектар майдонидаги фаллага озуқа ва чилла суви бериш ишлари олиб бориляпти — дейди бошқарманинг

участка бошлиғи Эркинжон Норматов. — Туманимиздаги 15938,7 гектар майдонни шўрланиш даражасига қараб, шўр ювиш ишлари амалга оширияпти. Кузги-қишки мавсумда 15938,7 гектар майдонда бир маротаба, 3918 гектар майдонда икки маротаба ва 114,6 гектар майдонда эса уч маротаба шўр ювиш ишлари ўтказилади. Пол олиш ва шўр ювиш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида 9 та отряд қатъий режа асосида иш олиб бормоқда. Ер текислаш ва пол олиш “Норин-Сирдарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг 10 та юқори унумли бульдозерлари Гулбоғ, Гулистон ва Хоразм ҳудудларида ишлатилмоқда. Ҳар бир ҳудудда механизаторларга уч маҳал иссиқ овқат бериш ўлгага қўйилган. Сувчи ва

сув хўжалиги ходимлари иссиқ кийим, этик ва фонарлар билан таъминланган.

Албатта ушбу кенг кўламли ишларни амалга оширишда юқори унумли техникаларни моҳирона бошқараётган экскаваторчиларнинг ҳиссаси катта. Айниқса, Аъзамжон Саримсоқов, Рафиқшер Обидов ва Собиржон Зиёвуддиновлар самарали меҳнатлари билан барчага ўрнак бўлишмоқда.

Ўз мухбиришим.
Суратда: (чандан ўнга) бошқарма бошлиғи ўринбосари Муҳаммаджон Ашурев, бошқарма бошлиғи Жаҳонгир Умаров, участка бошлиғи Эркинжон Норматов.

ИНТИЛГАННИНГ ПАРВОЗИ БАЛАНД

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалиги ҳуқуқий-мөъёрий баъзасини яратиш ва та-комиллаштиришга, хўжалик юритишининг хусусий мулкчиликка асосланган фермер ва дехқон хўжаликларини ривожлантиришга ва экинлар таркибини мақбуллаштиришга қаратиган. Кўрилган тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириш йил сайин ортиб бормоқда.

Намангандекан туманинг Чорток туманини фермер хўжаликлари мазкур ислоҳотларни бажаришга муносаб ҳисса кўшиб келишмоқда. Буни биргина “Чорток ипаги” наслчиллик фермер хўжалигига олиб борилётган ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

— Давлатимизнинг фермер хўжаликларини кўп тармоқлиликка айлантиришга қарататиган эътибори хўжалигимиз фаолиятини кенгайтиришимиз учун қувват бўлди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Воҳиджон Саматов. — Хўжалик таркибидан наслли чорвачиликни йўлга қўйишига киришдим. Тендер асосида собиқ “Фаргона” ширкат хўжалигига қарашли сут-товар фермасининг 80 бош маҳаллий қорамолини тасарруфимизга олдик. Икки йил давомида молхоналарни таъмирлаб, кенгайтириб керакли жиҳозлар билан таъминладик. 2008 йили Голландиядан 10 бош, кейинги йиллари Германиядан 215 бош наслли қорамоллар олиб келишга мувафақ бўлдик. Ҳозирги кунда 50 нафар доимий ишчиларимиз билан 380 бош наслли қорамолларни парвариш қиляпмиз. Германиянинг “Агролис” фирмасидан келтирилган ускуналар ёрдамида кунига сигирлардан 2,5 тонна сут согиб олинмоқда. Сутни биз Намангандекан шаҳридаги “Нестле” корхонасига топширяпмиз. Хўжалигимизда қорамолчилик билан биргаликда наслли ҳисори кўйчиликни ҳам йўлга қўйганмиз. Ҳозирги кунда 150 бош қўйни асосан гўшт етказиб бериш мақ-

садида, парвариш қиляпмиз. Қорамол ва қўйлар парваришида зооветеринар Давронжон Жўрабоев, чўпонлар Обидхон Полвонов ва Миркомил Муродовлар сидқидидан меҳнат қилишмоқда.



Гўшт маҳсулотларимизни сотиш мақсадида, Намангандекан шаҳар “Яшил” бозорида 2 қаватли гўшт дўконини ишга туширганмиз. Сифатли ва бирмунча арzonлиги туфайли маҳсулортларимизга харидорлар кўп.

Чорва фермасида бўлганимизда Воҳиджон аканинг тадбиркорлигига амин бўлдим. Биноларни иссиқлик билан таъминлаш мақсадида, биологик чиқндишларни бижғитиб газ ва юқори сифатли органик ўғит тайёрлаш йўлга қўйилган.

— Ишчиларимиз учун кунига икки маҳал овқат тайёрланади. Қишининг совуқ кунларида иссиқ хоналарга эҳтиёж тугилади. Шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда биогаз қурилмаларидан фойдаланишга қарор қилдик. Бу қурилмалар газ етказиб бериш билан бирга фермадан чиқсан маҳаллий ўғит

сифатини яхшилади, — деди сұхбат охирида хўжалик раҳбари. — Термос усулида 1 гектар иссикхона барпо этганмиз. Ҳозир бу ердаги помидорлар ҳосилга кирди.

Сұхбатимизга 20-25 ёшлардаги йигитча ҳам келиб қўшилди.

— Бу йигит ўғлим Валихон Ҳамидов, — деб танишириди Воҳиджон ака. — Мен бошлаган ишимни якунладим, энди оёқни узатиб дам олиб ётсам ҳам бўлади, дейдиган инсонлар тоифасидан эмасман. Мақсадим доимо ҳаракатда ва изланишда бўлиши.

Ҳозирги кунда Намангандекан туманида катта цех қурилишини якунлаш арафасидамиз. Бу корхона ишга тушса яна кўплаб қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланади. Шунинг учун ҳозирдан ўғлимни хўжалик ишлари билан танишириб, бошқарув ишларини ўргатиб боряпман.

— Хўжалигимиз анчагина катта — деб гап бошлади Валихон.— Чорвадор аввало қишиғамини ёзда ейиши керак. Жамғарган ем-ҳашакдан кўнгленимиз тўқ. 20 гектарга галланинг “Таня” нави уругини экиб, керакли ишловларини бердик. 40 гектарга арпа ва 40 гектарга беда экканмиз. Экин майдонларида агротехник тадбирларни бошлаб юбордик. Хўжалигимизда 20 дан ортиқ замонавий трактор ва тиркамалар бор. Экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етишириш учун барча имкониятлардан фойдаланамиз.

Ҳа, бежиз ҳалқимиз, ёшлар — тараққиёт таянчи дейишмаган. Ер билан тиллашган, замонавий технология сирларини ўзлаштираётган ёш тадбиркорларимиз сафи кенгайиб борар экан, юртимиз тараққиётти юксалаверади.

Ўз мухбири миз.
Суратда: (чандан ўнгага) хўжалик раҳбари Воҳиджон Саматов ўғли Валихон Ҳамидов билан.

ИССИҚХОНАЛАР: БУГУН ВА ЭРТАГА

Ўзбекистон мустақиллик йилларида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда юксак натижаларга эришиди. Ҳозирги пайтда, юртимизда йилнинг қайси фаслилигидан қатъи назар турли хил қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилиб, аҳолига етказиб берилмоқда. Бу борада иссиқхоналарнинг ҳам роли катта бўлмоқда, албатта.

Таҳлиллар шуни кўрсатдик, бошқа давлатлардан фарқли равишда, мамлакатимизда асосан кичик ҳажмли, майдони 6 гектардан кўп бўлмаган иссиқхоналар қурилган. Бундан ташқари, томорқа ҳўжаликлирида турли кичик ҳажмдаги 50 м² дан 500 м² гача майдонга эга бўлган иссиқхоналар сони йил сайин яна-да кўпайиб бормоқда.

Маълумки, мева-сабзавот етиширища, иссиқхоналар самара-дорлигини оширища экиласидан навларни кўпайтириш, янги навлар ва қулай парваришлаш усуllibарини қўллаш, уларнинг майдони, замонавийлиги муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда, Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида иссиқхоналарда экиш учун помидорнинг янги навлари яратилиб, иссиқхона ҳўжаликларини уруғ билан таъминлаш имконияти яратилди. Лекин бу имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиляпти, деб бўлмайди.

Шунингдек, ҳозирги пайтда, республикамиз ҳудудида одатий иссиқхоналарга табиий газнинг узатилишида узилишлар ва тўхталишларнинг бўлиши оқибатида уларни иситиша кўп миқдорда кўмир ва ўтидан фойдаланиб келинмоқда. Бу эса қишлоқ жойларида экологик ҳолатнинг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Замонавий иссиқхоналар эса юқори технологик ва хавфсиз конструкциялардан ташкил топган. Қишида ва эрта баҳорда улардан фойдаланиб, йилнинг фаслидан қатъи назар қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини кўплаб етиштириш мумкин.

Дунё тажрибасига назар ташла-сак, замонавий иссиқхоналар (ҳосилдорлиги, рентабеллиги, кўчатларнинг касалга чалинмаслиги, экологик тозалиги, атроф-муҳитни асраш, энергияни тежаш ва ҳ.к.) афзал ҳисобланади. Масалан, анъанавий усулда курилган 1 гектар иссиқхонада, йилнинг ярмида 25

киши мавсумий меҳнат қилиб, ҳосилдорлик 50-120 тонна (экин турига қараб)ни ташкил этса, замонавий иссиқхонада йил давомида 20 киши меҳнат қилиб, 500-600 тонна атрофида маҳсулот етиштириш мумкин. Европа (Голландия, Франция) ва Канада технологиялари ушбу рақамларни амалда исбот қилди. Мазкур мамлакатлар таклиф этажтан замонавий иссиқхоналарга киритил-



"Richel Group" компаниясининг иссиқхоналари

ган инвестициялар 4 йилда ўзини қоплади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдик, иссиқхоналарнинг камидаги 5 гектар майдонда барпо этилиши юқори самара ва рентабелликка эришишни таъминлайди ҳамда энергия ресурсларини оқилона сарфлашга имкон яратади.

Ҳаммага маълум, энергияресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида, бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам тарифибот ишлари олиб борилмоқда. Бунда, газ ресурсларини тежаб, иссиқхоналарни ер ости сувларидан фойдаланиб, альтернатив манбаларда иситиш технологияларини қўллаш яхши самара беради. Масалан, ер остидан олинган ҳарорати 3 даражадан ортиқ бўлган сувни 50-60 даражагача иситиб беришга мўлжалланган теплонасослардан фойдаланиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, юқори маҳсулдорликка эга замонавий иссиқхоналарни ишлаб чиқиши

да Франциянинг "Richel Group" компанияси дунё бозорида етакчи ҳисобланади. 1964 йилда ташкил этилган компания ҳозирги кунда дунёнинг 80 мамлакатида фаолият олиб бориб, бир йилда 250 гектар энг замонавий иссиқхоналар барпо этиб келмоқда. Унинг юқори эластикли пўлтатдан ясалган конструкциялари 25 йил муддатга мўлжалланган бўлиб, клипс усулида йифилиши дикқатга сазовордир.

Иқтисодий нуқтаи назардан, Ўзбекистонда замонавий, юқори технологияли, ҳосилдор иссиқхоналарни барпо этиш орқали:

- қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча марта ошириш (анъанавий иссиқхоналардан энг камидаги 2 баробар кўп);
- экспортбол (сифати, кўриниши, оғирлиги) маҳсулотлар етиштириш;
- юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар олиш;
- юқори сифатли маҳсулотлар экспорти ҳажмини кўпайтириш;
- ерларни деградациядан асраш;
- рециркуляция тизимидан фойдаланиб, сувни бир неча марта қайта ишлатиш (сувни тежаш);

- ҳудуднинг экологиясини сақлаш (ҳаво ва ер ортиқча зарарланмайди);

- қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари

ни ултуржи ва чакана сотувчилари орасида ҳақиқий рақобат муҳитини яратиш;

- янги, қулай, экологик тоза иш

жойларини яратиш (1 гектар иссиқхона майдонида 20 киши йил давомида иш билан таъминланади) мумкин.

Бу борада мамлакатимизда фермер ҳўжаликларини келишган ҳолда бирлаштириб, бир неча ҳўжаликлар ўз улуси билан, олдиндан белгилаб олинган майдонда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш марказларини ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг кулийлик томони ушбу марказ таркибида 2-3 агроном ишлайди ҳамда техниканинг иштироки ва ҳоказолар бундай марказларни моддий таъминлашда катта маблағ талаб этмайди. Бундан ташқари, мазкур марказларни ташкил этиши айни ишлаб чиқарувчига ўзи етиштираётган маҳ-

сулотга кўпроқ эътибор беришига имконият яратиб, хўжаликнинг маъмурӣ масалаларига сарфланадиган вақт анча тежалади.

Биз Ўзбекистонда мавжуд иссиқхоналарнинг фаолияти, янги барпо этилаётган ва режалаштираётган иссиқхоналардаги муаммолар, уларнинг кунлик ишларида қўйинчиликлар туғдираётганини ўргандик. Бу борада шуни таъкидлаш лозимки, иссиқхона эгалари - хўжалик субъектлари давлат тизимлари билан якка тартибда муаммоларни ҳал этишда турли мураккаб вазиятларга тушшиб қолишмоқда. Мамлакатимизда иссиқхоналарни бирлаштирувчи ягона таркиби тузиш, яъни Ўзбекистон иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш ассоциациясини тузишни ҳаёт тақозо этмоқда. Унинг асосий вазифалари:

- иссиқхоналардаги муаммоларни давлат ва маҳаллий ҳокимият органларида комплекс ҳал этиш;
- иссиқхона хўжаликлари фаолиятига ҳар томонлама ёрдам бериш;
- расмий рўйхатдан ўтган иссиқ-

хоналарни энергия манбалари билан таъминлашда ҳар томонлама кўмаклашиш;

- иссиқхона хўжаликларининг ишчилари малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, шу жумладан, курслар, семинарлар, тре-



Буюк Британиянинг Корнаул графлигидаги 22000 кв.метр. майдонини эгалаган дунёдаги энг катта иссиқхона

нинглар, стажировкаларни келишилган ҳолда чет эллардаги иссиқхоналарда амалга ошириш;

- хориждан етакчи мутахассисларни жалб этган ҳолда, ишчиларнинг малакасини оширишга қара-

тилган турли тадбирлар ташкил этиш;

- иссиқхона бизнесига инновацияларни кенг жалб этишда кўмак бериш;

- барча иссиқхона хўжаликлари учун тенг хукуқлиликни таъминлаш;

- замонавий, энергия тежамкор иссиқхоналарни кенг тарғиб қилиш, уларни барпо этишга кўмаклашиш ва бошқалардан иборат бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, иссиқхона хўжаликлари учун қуай шарт-шароитларни яратиш, аҳолини сифатли, экологик тоза, ҳамёнбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан йил давомида таъминлашга ҳамда экспортбоп маҳсулотлар билан дунё бозорларига, шу жумладан, Европа мамлакатлари бозорларига чиқиш имконини яратади.

Қ.АДИЛОВ,
“Newtechagro” (Россия) компаниясининг
Ўзбекистондаги вакили.

ЧОРВАДОРЛАР КЎМАКЧИСИ

Мамлакатимиз иқтисодиёти йил сайин юксалиб бормоқда. Бунда тадбиркорларнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Уларнинг омилкорлик билан иш юритишлари туфайли жойларда янгидан-янги иншоотлар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштириш ва уларнинг хомашёсини қайта ишлаш корхоналари фаолияти кенгаймоқда. Бу борада Қўнғирот туманида ҳам қатор ибратли тадбирлар амалга ошириляпти.

Устюрт кенгликларига киравешида Тахиатош нефтбаза унитар корхонасига қарашли “Қўнғирот мол семиртириш” комплекси жойлашган. 5 гектардан иборат, ёзги ва қишики қўралари бўлган комплекс иш бошлаганига атиги икки йилча бўлди. 2014 йил охирида Бухоро вилоятидаги Қоровулбозор туман нефтини қайта ишлаш заводига қарашли наслчилик фермасидан шартномага биноан 150 бوش қорамол олиб келинган.

Ҳозирги кунда корхонада 18 нафар чорвадор бор. Корхона нефтбаза тармоғининг ишчи-хизматчилари оиласига гўшт етказиб бериш билан шуғулланади. Бу вазифани сидқидилдан бажариб, эл олқишига сазовор бўлмоқда. Хусусан, ўтган йили

қарийб 13 тонна гўшт маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди.



— Жамоамизга ишchan ва тажрибали молбоқарлар тўплланган, — дейди комплекс раҳбари Кўпжурсин Нурматов.—Муборак Жонзоқов, Мамут Бойназаров, Юсуф Ёқубов, Тилув Эдилбоев сингари молбоқар-

ларимиз ўз ишларини пухта бажаришга одатланишган. Ана шундай фидоий молбоқарларимиз меҳнати туфайли юксак натижаларга эришяпмиз.

Кўпжурсин ҳали ёш. Лекин ақл ёшда эмас бошда деган мақолни амалда исботлаб келмоқда. Унинг Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида олган билими чорвачилиқда қўй келмоқда. Молларни парваришиш, хусусан озуқасига катта эътибор бермоқда. Жорий йил чорва қишлоvigiga 500 тонна ем-хашак жамғарib қўйилди.

Ветеринария врачи Байрамбой Есбўсинов хизматидан комплекс чорвадорлари мамнун. Ветеринар доим чорва моллари ҳолидан хабар олиб туради. Зарур муолажаларни вақтида ўтказаётгани туфайли моллар касалланишининг олди олинмоқда. Чорва моллари рационига қатвий амал қилишни молбоқарларга тайинлашдан ҷарчамайди.

Аҳиллик-ҳамжиҳатлик билан иш юритаётгани комплекс чорвадорлари маҳсулот этиштириш борасида қувончли натижаларга эришмоқда.

Ш.ЖАББОРОВА,
ўз мухбиримиз.
Суратда: ветврач Б.Есбўсинов иш пайтида.

САМАРАЛИ, ТЕЖАМКОР ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

Башарият оламшумул ютуқлар билан учинчи минг йилликниң қарши олган бўлишига қарамай, айни пайтда дунё аҳолиси-нинг қарийб, 850 миллиондан ортиги тўйиб овқатланмасдан кун кечираётгани, ачинарлидир. Боз устига, 2050 йилда дунё аҳоли-сининг 9 млрдга етиши тахмин қилинайпти. Демакки, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш учун келгусида, ҳозир-гига нисбатан етиширилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ка-мида 60 фоизга ошириш талаб этилади.

Шундай экан, дон етиширишни йил сайин кўпайтириб бориш, унинг технологик жараёнларини янада таомиллаштириш билан бир қаторда, дон захираларини сақлаш вазифаси ҳам бениҳоя мұхимдир. Ушбу вазифанинг нақадар долзарб-лиги, донни сақлаш жараёнида нобудгарчилекнинг сезиларли даражада юзага келиши билан асосланади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қышлоқ хўжалиги ташкилоти(ФАО)маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича дон захираларининг 5 фоизи зааркунанда ва ҳашаротлар томонидан нобуд бўлмоқда.

Шубҳасиз, жаҳон аҳамиятiga молик ушбу глобал муммо фақат янги юқори самарали технологияларни амалга татбиқ этиш ҳисобигагина ҳал этилиши мумкин. Шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, дон захираларини ҳашаротлардан ҳимоя қилишда, айнан микротўлқинли технологиядан фойдаланиш усулини бугунги кунда энг истиқболли йўналишлар сирасига киритиш мумкин. Бироқ дунё миқёсида дон маҳсулотларининг сақланиши ва қайта ишланиши жараёнида, уни ҳашарот ва турли зааркунандалардан асраш учун фақат анъанавий усулдан, яъни инсон саломатлигига ва атроф-муҳит учун хавфли бўлган турли заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланилмоқда. Маълумки, кимёвий ишлов берилгандан сўнг, мумкин қалар зарарсизлантирилиши ҳисобига, амалиётда дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига юбориши учун маълум муддат (15 - 20 кун)гача рухсат этилмайди. Донолар “вақтинг кетди, нақдинг кетди” деб бежиз айтмаган, ваҳоланки, бу бир томондан вақтдан ютқазишимиизга олиб келса, бошқа томондан соғлиғимизга, ҳам иқтисодга, ҳам экологик жиҳатдан зарап кўришимизга сабаб бўлади.

Илмий ишланмамиз, Ўзбекистон

Республикаси интеллектуал мулк агентлигига “Дон хомашёларини узлуксиз ўта юқори частотали қайта ишлаш саноат намунаси” сифатида рўйхатга олинганини мамнуният билан айтишимиз мумкин.

Биз таклиф этаётган замонавий, янги технология инсон саломатлигига, қолаверса, атроф-муҳитга мутлақо безарар. Олиб борилган кузатув ҳамда тадқиқот ишларининг натижаси туфайли донга зарап етказадиган ҳашаротларга қарши қўлланилаётган кимёвий усуllibarga муқобил равиш



да, ишлаб чиқаришга микротўлқинли технологиянинг жорий этилиши, унинг истиқболли эканини тасдиқлаб туриди. Унинг устунлиги шундаки, аввало олиб бориладиган ишларнинг соғ экологик хавфсизлиги, анъанавий усулдан фарқли равишда, ишлов берилган дон маҳсулотларининг заҳарли моддаларни ўзида тўпламаслиги, ишлов беришнинг иқтисодий самарадорлиги, яъни мнимал меҳнат ва воситалар ёрдамида ишлов берилиши, энг асосийси, донни нафақат сақлаш вақтида, балки маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида ҳам зарарсизлантириши имкониятининг мавжудлиги эътиборга лойик. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, донга янгича усул билан ишлов берилиши унинг сифат кўрсатичларига мутлақо салбий таъсир қилмайди.

Донни янги технология орқали ҳимоя қилишнинг ўзига хослиги, кўп учрайдиган зарапли ҳашаротлар-

ниң ривожланишини турли босқичларда йўқ қилишдан иборат. Микротўлқинли майдоннинг тегишли режими талаб этиладиган мазкур курилма ёрдамида ҳашаротларнинг барча тури, уларни ривожланиш даврининг ҳар қандай босқичида 100% нобуд қилишни таъминлайди. Борди-ю, айрим сабабларга кўра, бальзилиари тирик қолган тақдирда ҳам улар бепушт бўлиб қолиши натижасида насл қолдиришдан, тухум ёки личинкалари ривожланишдан батамом тўхтайди.

Дастлабки тадқиқотларда, ҳашаротларнинг микротўлқинли нурларга чидамсизлигига ишонч ҳосил қилингач, уларнинг тўлалигича халок бўлишини таъминлайдиган микротўлқин майдонининг оптималь доzasи аниқланди. Унга кўра, донга зарар етказувчи асосий ҳашарот — кўнғизларнинг бутунлай нобуд бўлиши учун индивидуал дозага эга микротўлқинли майдон талаб этилади. Яқин истиқболда, бу ишланма амалиётга кенг жорий этилиши кутилмоқда. Ишонч билан айта оламизки, амалда ушбу тежамкор, зарарсиз технологиядан фойдаланилганда, юқоридаги натижаларга бемалол эришиш мумкин.

Ишланма юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз микротўлқинли майдон орқали фақат донга эмас балки, қышлоқ хўжалик экинлари уруғларининг элликдан ортиқ турига ишлов бериш мумкинлигини кўрсатди. Энг мұхими, микротўлқинли қурилмалар бир мавсумдаёқ ўзини оқлашининг мумкинлиги мазкур технология иқтисодий самарадорлигининг ниҳоятда юқорилигини тасдиқлайди.

Бизнинг фикримизча, келажакда бундан-да таомиллашиб, инсонларнинг энг ишончли, беминнат кўмакчиси бўлиши муқаррар бўлган ушбу технологиянинг ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилиши, қышлоқ хўжалиги самарадорлигининг сезиларли даражада юксалишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Дилшод НИЗАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси хузуридаги
Давлат дон инспекцияси марказий
лабораториясининг мудири,
мустақил тадқиқотчи.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ

Бугунги кунда инсониятга хавф солаётган экологик мұаммаларни ҳал қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш орқали барқарор ривожланишга эришиш масаласи нафақат айрим давлатлар ёки минтақалар доирасида, балки глобал миқёсда кун тартибидаги асосий масала бўлиб қолмоқда. Ушбу масалалар билан БМТ, унинг таркибиға кирувчи, шунингдек, бошқа нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари жиддий шуғулланишмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2016 йилда қабул қилинган “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш бўйича кун тартиби” бу борадаги энг муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланниб, камбағалликни бартараф этиш, сайёрадаги ресурсларни сақлаб қолиш ва дунё аҳолиси учун фаровон ҳәттини таъминлаш каби барқарор ривожланиш бўйича 17 та глобал мақсадни (ингл: *Sustainable Development Goals (SDGs)*) ўз ичига олган.

Барқарор ривожланиш мақсадлари қўйидагилардан иборат: 1) камбағалликни бартараф этиш; 2) очликни бартараф этиш; 3) соғлик ва фаровонлик; 4) сифатли таълим; 5) гендер тенглиги; 6) тоза сув ва санитария; 7) арzon ва тоза энергия; 8) муносиб иш ва иқтисодий ўсиш; 9) саноатлаштириш, инновация ва инфратузилма; 10) тенгизлизикни камайтириш; 11) барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктлари; 12) истеъмол ва ишлаб чиқариш масъулияти; 13) иқлим ўзгариши билан курашиш; 14) денгиз экотизимларини сақлаб қолиш; 15) қуруқлик экотизимларини сақлаб қолиш; 16) тинчлик, адолат ва самарали институтлар; 17) барқарор ривожланиш ўйлида ҳамкорлик.

Барқарор ривожланиш мақсадлари 2000-2015 йиллар учун БМТ томонидан қабул қилинган ва амалга оширилган Мингийиллик ривожланиш мақсадларининг мантиқий давоми ҳисобланади ва ушбу мақсадларга келгуси 15 йил давомида эришиш кўзда тутилган.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ҳалқаро ҳамжамият, ҳуқуматлар, хусусий сектор, фуқаролик жамияти ва бутун инсоният ўзаро ҳамжихатликда ҳаракат қилиши зарур бўлади.

Шу ўринда, барқарор ривожланиш тушунчасига ҳам ойдинлик киритиб олиш зарур. Ушбу тушунча турли ҳалқаро ташкилотлар, олимлар томонидан турлича таърифланади. Бугунги кунда БМТ томонидан 1987 йилда берилган таъриф энг универсал таъ-

риф бўлиб қолмоқда. Унга қўра, барқарор ривожланиш деганда келгуси авлод имкониятларига зарар етказмаган ҳолда ҳозирги авлод вакилларининг эҳтиёжларини қондиришга қартилган ривожланиш тушунилади.

Барқарор ривожланиш мақсадларидан кўриниб турибдики, уларнинг аксарияти экология, атроф-мухит ва қишлоқ ҳўжалиги билан бевосита ёки билвосита боғлиқ. Шу сабабли ушбу масалаларга чукурроқ тўхталиб ўтишга ҳаракат қиласми.

Бугунги кунга келиб инсоният фолияти натижасида атмосферага аж-



ралиб чиқадиган заҳарли кимёвий газлар ўзининг энг юқори кўрсаткичига етди. Иқтисодий ривожланиш ва аҳоли сонининг ўсиши натижасида иқлимининг ўзгариши ҳар бир давлат ва ҳар бир қитъада инсонларга ва табиий тизимларга мислсиз даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Ер юзида ҳаво ҳароратининг ошиши муносабати билан қор ва музликлар миқдори камайиб, денгизлар сатҳи кўтарилиб бормоқда.

БМТ маълумотларига қўра, 1880-2012 йиллар мобайнида дунё бўйича ўртача ҳарорат Цельсий бўйича 0,85 даражага кўтарилиши донли экинлар ҳосилининг ўртача 5 фойзга камайшига олиб келади.

Дунё океанлари ҳароратининг ошиши ҳамда қор ва муз ҳажмларининг камайиши денгиз сатҳларининг

кўтарилишига олиб келаётir. Маълумотларга қўра, 1901-2010 йиллар ораглиғида дунё бўйича денгизларнинг ўртача сатҳи 19 сантиметрнинг кўтарилиган. Арктик музликлар майдонлари 1979 йилдан бошлаб йилига 1,07 миллион квадрат километрга қисқариб бормоқда.

Агарда тегишли чоралар ўз вақтида кўрилмаса, музликларнинг эриши ва денгизлар сатҳининг кўтарилиши янада юқори суръатларда давом этиши бўйича башоратлар мавжуд.

Олим ва мутахассисларнинг башоратларига қўра, XXI асрда ҳам Ер юзаси ҳарорати ортиб боради ва бунга қарши тегишли чоралар кўрилмаса, ҳарорат аср давомида ўртача 3 даражага кўтарилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган салбий ҳолатларнинг оғир оқибатларидан бири ўсиб бораётган дунё аҳолиси учун старли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятларининг чекланиб қолиши ҳисобланади. Ер шарининг бир минтақасида сув тошқинлари туфайли унумдор ерлар сув остида қолса, бошқа бир минтақасида сув тақчиллиги туфайли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш имконияти бўлмайди.

Шу сабабли иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши, бунда экинлар таркибини қайта кўриш, тупроққа ишлов бериш ва сугориши технологияларини тубдан ўзgartириш, селекция ва ургучлик тизимини ривожлантириш, институционал ислоҳотларни амалга ошириш бўйича тегишли тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Иқлим ўзгариши иқтисодий ўсишга, табий ресурслар ва камбағалликка қарши курашишга салбий таъсир қиласар экан, ушбу муаммони бартараф этиш барқарор ривожланишга эришишнинг ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлиб қолди. Иқлим ўзгариши муаммосини ҳал қилишнинг катта харажат талаб қилмайдиган ва кенг миқёсда кўллаш мумкин бўлган ечимларини ишлаб чиқиши ва амалиётта жорий қилиш кейинги ўн йилликларда инсоният томонидан эришилган салмоқли натижаларнинг йўқотилишининг олдини олиш ҳамда дунёдаги барча давлатларнинг соглом ва барқарор иқтисодиётга эга бўлишини таъминлайди.

**Х. ЭРГАШЕВА,
ЎзЖТУ**

ОРОШЕНИЕ – ПЕРВООЧЕРЕДНАЯ ЗАДАЧА В ОСВОЕНИИ ЗЕМЕЛЬ

Действительно, без орошения, проведения широкомасштабных и глубоко продуманных ирригационных и мелиоративных мероприятий в сельском хозяйстве обойтись нельзя. Поэтому не случайно нашим мудрым народом часто повторяются крылатые слова, что вода – это жизнь. Как бы старо не звучало это выражение, оно остается актуальной по сей день и будет таковым всегда.

Ведь жизнь не только человека, но и всех живых существ, населяющих нашу планету, зависит именно от воды. Бессспорно, некоторые живые существа, как и человек, могут обходиться какой-то срок без этой живительной влаги, но как показывает практика этот срок в основном не может длиться слишком долго. Там, куда доходит вода, рождается жизнь, создаются сады, огороды и виноградники. Словом, жизнь кипит. Однако для решения этой задачи нужен научный подход, проведение последовательных исследовательских работ, рассчитанных на перспективу, разработка проектов. Именно решение этих актуальных вопросов в нашей республике возложено на АО «O'ZSUVOYIHA». Наш корреспондент с рядом вопросов обратился к ее к Генеральному директору М. Ф. Наджимову.

— Уважаемый Марат Фахриевич, вначале нашей беседы я бы попросил вас немного рассказать об истории возглавляемой Вами организации.

— Для проведения проектно-изыскательских работ, в 1938 году были образованы проектные конторы в Ташкенте, Самарканде, Андижане, объединенные в 1950 году в трест «Узводпроиз», подчиненный с января 1951 года институту «Средазгипроводхлопок» на правах филиала. В 1954 году Узбекский филиал «Средазгипроводхлопка» реорганизован в проектно-изыскательский институт мелиорации и водного хозяйства. Проектно-изыскательская контора, выполнившая небольшие объемы, в результате ряда реорганизаций превратилась в мощный республиканский институт по проектированию мелиоративных и водохозяйственных объектов, обеспечивая проектно-сметной документацией потребности Республики в проектах водохозяйственного назначения. В 1993 году «Узгипроводхоз» был пе-

реименован в институт «Уздавсуввойиха» и определен головным институтом по проектированию объектов водохозяйственного и мелиоративного строительства в регионах Узбекистана (кроме новой зоны Голодной, Джизакской, Каршинской степей и Республики Каракалпакстан). Институт «Уздавсуввойиха» в 2004 году преобразован в Открытое Акционерное Общество «O'ZSUVOYIHA», которая является правоприемником института по всем договорам и обязательствам.

— Каковы основные направления его деятельности?

— Основными направлениями нашей деятельности является разработка технико-экономических обоснований ТЭО, ПТЭР и ПТЭО, расчетов (ТЭР), схем развития орошения и дренажа, проектов, рабочих проектов, рабочей документации по следующим направлениям: орошение новых земель, реконструкция староорошаемых земель, улучшение мелиоративного состояния земель, строительство и реконструкция магистральных и межхозяйственных каналов, коллекторов, строительство водохранилищ и селехранилищ, системы закрытого горизонтального и вертикального дренажа, капельное орошение, совершенная техника полива, руслорегулировочные мероприятия на реках, противоселевые мероприятия, защита от оползней, берегозащитные сооружения, насосные станции, плотины, гидроузлы и другие инженерные сооружения. Кроме того, институт своими силами выполняет топогеодезические работы, почвенно-мелиоративные изыскания, гидрологические исследования, инженерно-геологические и гидрогеологические изыскания, прикладные научно-исследовательские работы для повышения эффективности проектных решений проектируемых объектов, моделирование сложных объектов. Как видите, деятельность института очень многогранна. Здесь я особо хотел отметить, что институт первым в бывшем Союзе начал про-

ектирование реконструкции староорошаемых земель. Примером этому может служить Центральная Фергана, в зону которой входят части земель всех трех областей: Андижанской (43054 га), Наманганская (41315 га) и Ферганской (93631 га). Освоение земель производилось комплексно: каналы, оросительная сеть, нарезка полей под применение машин и механизмов, строительство дренажной и дорожной сети. Все эти мероприятия, намеченные правительством, начиная с 1954 года, позволили в этой зоне освоить 178 тысяч га земель. Конечно же, из деятельности института можно привести множество таких примеров.

— Каковы перспективы стратегического развития, возглавляемой Вами организации?

— Для определения контуров будущей стратегии руководством совместно с акционерами, намечено выполнение комплекса работ по разработке и внедрению стратегии развития. Проведенные исследования по определению перспективных форм показали, что АО имеет большой многолетний опыт по производству проектно-изыскательских работ по объектам водохозяйственного строительства и является головным институтом в Республике. Оно выполняет весь комплекс работ — изыскание и проектирование, имеет большие объемы картографических материалов, технический архив, в своем составе имеет высококвалифицированные кадры специалистов водников. Все это, бессспорно, дает право быть уверенным в том, что институт и в дальнейшем достойно будет выполнять поставленные перед ним задачи. Желающих еще более подробно ознакомиться с деятельностью Акционерного общества приглашаю в наш веб-сайт «O'ZSUVOYIHA», который регулярно обновляется.

— Что бы вы хотели пожелать нашим читателям?

— Учитывая, что 2017 год объявлен Президентом нашей страны Шавкатом Мирзиёевым «Годом диалога с народом и интересов человека», я бы хотел всем пожелать мира и спокойствия, здоровья и благополучия, свершения всех их желаний и чаяний.

— Спасибо за интересную беседу.

Махмуд ТОИРОВ.

ЭКСТРЕМАЛ ШАРОИТЛАРГА БАРДОШЛИ ФЎЗА НАВЛАРИНИ ЖОРӢӢ ЭТИШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

In addition to high yield, early ripening, resilience to stress factors, the fiber of the newly developed varieties of cotton in Uzbekistan must meet the requirements of the global market, and sustainable supplement of cotton farms with such varieties are one of important tasks nowadays. Consequently, by the scientists of our republic it is developed «Istiqlol-14» cotton variety.

Республикамизнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишида пахтачилкнинг ўрни бекиёс. Селекционер-генетик олимлар томонидан жаҳон бозори андозалари талабларига мос тола берадиган навлар яратилганки, улар асосида харидорларнинг эҳтиёжи тўла қондирилмоқда.

Лекин, сўнгги йилларда атмосфера ҳароратнинг юқори бўлиши ва тез-тез эсаётган гармсөл шамоллари таъсирида жанубий минтақамизда пахтадан мўл ҳосил этишириш долзарб муаммога айланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Гидрометеорология Марказининг маълумотларига кўра, 1896 йилдан бўён юз берган об-ҳаво параметрлари таҳдил қилинганда, ўтган асрнинг сўнгги йилларигача ҳар 12-13 йилда бир марта аномал ҳолат кузатилган бўлса, 2011 йилдан бўён бу аномал ҳолат ҳар иккى йилда бир марта, 2015 ва 2016 йилларда эса кетма-кет ҳаво ҳароратнинг юқори бўлиши қайд этилди. Бундай ноxуш ҳолатнинг юз бериши оқибатида мамлакатимизнинг жанубий ва қисман марказий ҳудудларининг пахта майдонларида ҳосилдорлик кутилганидек бўлмаяпти.

Юқорида келтирилган муаммолардан келиб чиқиб, мамлакатимиз пахтачилгини юксалтириш учун ишлаб чиқаришга жорӣ этилаётган фўза навлари жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши билан бирга юқори ҳарорат ва гармсёлга бардошли бўлиши бутунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Селекционер олимлар жаҳон бозори андозаларига мос, серҳосил, тезпишар, касаллик ва зааркундаларга чидамли кўпгина фўза навларини яратишиди.

Ана шундай навлардан бири – янги ўрта толали Истиқлол-14 фўза навидир. Ушбу нав Пахта селекцияси, уруғчилиги ва этишириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида аналитик селекция йўли билан ЎзҚҲФА мухбир аъзоси, б.ф.д., профессор С.Раҳмонқулов бошчилигидаги бир гурӯҳ олимлар томонидан *G. hirsutum* L. турига мансуб (Акала 1517 x C-4896) x (C-5617 x Тошкент-6) дурагайларини чатиштириш натижасида олинган «Истиқлол» нави кўчатзоридан якка тартибда танлаш усули орқали яратилган.

Истиқлол-14 фўза нави ишлаб чиқариш шароитида юқори ҳарорат ва гармсёлга ўзининг бардошлилигини

намоён этмоқда. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бўйруғига асосан 2013 йилдан бўён Андикон вилояти учун истиқболли, 2016 йилдан эса Андикон вилоятида экиш учун районлаштирилди, шу йили Сурхондарё вилояти учун истиқболли навлар қаторига киритилди.

ПСУЕАИТИнинг Сурхондарё илмий-тажриба станциясининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди А.Донабоевнинг маълумотларига кўра, 2012-2014 йилларда навларнинг экологик синови тажрибасида нав тизмалар андоза Бухоро-102 ва Наманган-77 навларига таққослаб, Сурхондарё вилоятида қабул қилинган агротехник тадбирлар асосида ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра, Истиқлол-14 фўза навининг биринчи терим ҳосилдорлиги бўйича 2012-2014 йилларда мос равиша 39,2; 35,2; 48,0 ц/га ҳосил йиғиб олинган. Андоза Бухоро-102 фўза навидан эса 34,4; 31,6; 42,2 ц/га; Наманган-77 фўза навидан гектаридан 39,4-46,2 ц ҳосил олинган.

Толанинг сифат белгилари таҳдил қилинганда, Истиқлол-14 фўза навидан ижобий натижалар олинди. Ушбу навда тола чиқими 37,0-39,0 % бўлиб, андоза Бухоро-102 фўза навида бу кўрсаткич 35,1-39,0%, Наманган-77 навида 35,1% ни ташкил қилди. Тола узунилиги Истиқлол-14 навида 33,7 мм га, андоза Бухоро-102 навида 32,7 мм га, Наманган-77 навида 31,8 мм га тент бўлди. Толанинг юқори ўртacha узунилиги (*Len*) Истиқлол-14 навида 1,21 дюйм бўлган бўлса, андоза Бухоро-102 навида бу кўрсаткич 1,15 дюйм, Наманган-77 навида 1,11 дюйм, солиштирма узилиш кучи Истиқлол-14 фўза навида 31,8 г.к./текс, андоза Бухоро-102 навида 33,4 г.к./текс, Наманган-77 навида 30,3 г.к./текс, толанинг микронейр кўрсаткичи Истиқлол-14 фўза навида 4,0 ни ташкил қилган бўлса, Бухоро-102 навида бу кўрсаткич 4,5; Наманган-77 фўза навида 4,8 га тенг бўлди.

Сурхондарё вилояти Фўза уруғчилиги бирлашмаси раисининг ўринбосари Б.Жўраев маълумотларига кўра, Истиқлол-14 нави 2014 йилда Сурхондарё вилоятининг шимолий зonasи бўлган Денов туманида 200 гектар майдонга экилган ва туманинг “Лочин” фермер хўжалигига 41,0 ц/га, “Мингбой Мурод” фермер хўжали-

гига 40,0 ц/га, 2015 йилда Қизириқ туманидаги “Заркамар-Зафар” фермер хўжалигига 30,0 гектарга экилиб, 41,2 ц/га, сув таъминоти оғир бўлган қумоқ тупроқли “Суюнбобо” фермер хўжалигига 12,0 гектар майдонга экилиб, 38,0 ц/га ҳосилдорликка эришилган. “Заркамар-Зафари”, “Суюнбобо” фермер хўжаликларининг қолган бошқа майдонларида экилган Бухоро-102 навидан мос равиша 34-31 ц/гадан ҳосил олинган.

Ушбу фермер хўжаликлирида Бухоро-102 навини 9-ҳосил шоҳидан 12-ҳосил шоҳигача бўлган ҳосил тугунчалари июль ойининг III декадасида ва август ойининг биринчи беш кунлигига юз берган иссиқ гармсёлдан тушиб нобуд бўлганлиги, аммо бу ҳолат Истиқлол-14 навида кузатилмаганлиги аниқланди. Шунингдек, Истиқлол-14 фўза навида 14-15-ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилганда, ушбу навнинг юқори шоҳларида 4-5 тагача ҳосил ҳосил элементлари шаклланди ва ушбу ҳосил ҳосил элементлари тўлиқ пишиб этилди.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги янги навларнинг дастлабки уруғини кўпайтирувчи Орифжон элита уруғчилиги лабораторияси мудири X.Хусановнинг берган маълумотларига кўра, ушбу элита хўжалигига навдан 2014 йилда 38,5 ц/га, 2015-2016 йилларда кучли гармсёл, юқори ҳарорат бўлишига қарамасдан 33,4-34,0 ц/га ҳосил олинган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Истиқлол-14 нави жаҳон бозори билан биргаликда пахтачиллик фермер хўжаликлири талабини ҳам қондиради. Навни фермер хўжаликларига иқтиносий томондан ёрдам берадиган энг яхши хусусиятлари ва афзаллиги бу – қурғоқчиликка, юқори ҳарорат ва гармсёлга чидамлилиги, ҳосилдорлиги ва тола сифатининг юқорилиги, маҳсус агротехник тадбирларни талаб қиласлигидир. Бу эса навни турли тупроқ-иқлим шароитига тез мослашиш хусусиятига эга эканлигини кўрсатади. Демак, ушбу навнинг экин майдонларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

С.РАҲМОНҚУЛОВ,

Х.ЖАЛОЛОВ,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва этишириши агротехнологиялари ИТИ,

Ҳ.МАРДАНОВ,

Тошкент давлат аграр университети.

КАЧЕСТВО ЗЕРНА КУКУРУЗЫ И ЕЕ ИЗМЕНЕНИЕ ПОД ВЛИЯНИЕМ ФОСФОРНОГО ПИТАНИЯ

The chemical structure of corn seed, its dependence on fertilizing measure was also researched

Установление взаимосвязи между формами и нормами фосфорных удобрений и химическим составом зерна кукурузы представляет большой теоретический и практический интерес. Это дает возможность рационально использовать минеральные удобрения, повысить продуктивность и качество зерна.

Несмотря на обширную литературу по биологии и биохимии кукурузы, до сих пор мало исследований, освещдающих влияние форм и норм фосфорных удобрений на содержание, и особенно, качественный состав — белка, жира, клетчатки, крахмала и золы в зерне кукурузы.

В 1998-2001 гг. были проведены исследования по изучению химического состава зерна кукурузы гиб-

рида “Карасув-350 АМВ” в зависимости от форм и норм фосфорных удобрений, выращенных на смытых и несмытых почвенных условиях.

В полученных результатах отчетливо выявилось положительное влияние форм и норм фосфорных удобрений на химический состав зерна кукурузы изученного гибрида.

Под действием различных форм и норм фосфорных удобрений было и различное качество зерна кукурузы гибрида “Карасув-350 АМВ”.

Положительно сказалось на содержание белка в зерне кукурузы внесение всех форм и норм фосфорных удобрений на фоне $N_{240}K_{100}$ кг/га д.в. при различных почвенных условиях.

На удобренных вариантах в среднем за 3 года содержание белка в зависимости от форм и норм фосфорных удобрений на 59,7-69,4% выше контроля (без удобрений) на несмытой почве, где количество белка составило 7,2%. Аналогичные данные получены и при смытой почве.

Максимальное накопление белка в зерне отмечено на варианте Фон + P_{150} - 10,9-11,1% в зависимости от форм фосфорных удобрений. При этом наибольший показатель получен при применении фосфорных удобрений на несмытых почвах. Из фосфорных удобрений накоплению белка в зерне наиболее положительно влияет аммофос и полиаммофос.

Внесение фосфорных удобрений в диапазоне 90-120-150 кг/га д.в. на смытых и несмытых почвенных условиях вызывает увеличение содержания в абсолютно-сухом веществе растений жира, клетчатки и золы, уменьшение — крахмала.

Так, внесение фосфорного удобрения в норме 120 кг на гектар в виде аммофоса увеличило в сравнении с контролем содержание жира в зерне на 2%, а применение в виде полиаммофоса на 2,1%. Количество клетчатки и золы возрастает под влиянием фосфорных удобрений.

Таким образом, содержание белка в зерне, выращенном на несмытых и смытых сероземных почвах, увеличивается при внесении фосфорных удобрений на фоне азотных и калийных удобрений. Увеличивается также содержание жира, клетчатки и золы. А содержание крахмала в зерне уменьшается.

А. МАХМАТМУРОДОВ,
к.с.х.н.,

Э.УМУРЗАКОВ,
д.с.х.н., СамСХИ.

Изменение химического состава зерна кукурузы в зависимости от форм и норм фосфорных удобрений. Несмытая почва

№	Варианты опыта	В процентах на абсолютно сухое вещество				
		белок	жир	клетчатка	крахмал	зола
1	Контроль - без удобрений	7,2	1,9	1,87	7,1	0,6
2	$N_{240}K_{100}$ - Фон	10,9	3,1	2,20	9,2	0,8
3	Фон + P_{90} аммофос	11,5	3,6	2,65	9,0	0,9
4	Фон + P_{90} полиаммофос	11,3	3,7	2,68	8,9	1,0
5	Фон + P_{90} суперфос	11,1	3,5	2,60	8,7	0,9
6	Фон + P_{120} аммофос	11,9	3,9	2,75	8,8	1,1
7	Фон + P_{120} полиаммофос	12,0	4,0	2,78	8,7	1,1
8	Фон + P_{120} суперфос	11,7	3,8	2,71	8,5	1,0
9	Фон + P_{150} аммофос	12,1	4,1	2,77	8,6	1,2
10	Фон + P_{150} полиаммофос	12,2	4,2	2,82	8,5	1,2
11	Фон + P_{150} суперфос	11,9	4,0	2,77	8,5	1,1

АЛМАШЛАБ ЭКИШДА БЕДАНИНГ ЎРНИ

Хукуматимиз томонидан сугориладиган ерларнинг 10 фоизга яқинига гўза-беда алмашлаб экишга оид тегишли қарор қабул қилинган. Лекин беда уруғи етишмовчилиги сезилмоқда. Уруғлик беда селекцияси, парваришлаш ва ҳосилини етиштириш бўйича Пахта селекцияси, ургучилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида кўпгина илмий ишлар амалга оширилган.

Кўп йиллик илмий-тадқиқотлар туфайли серҳосил, шира касалига чидамли, тўйимлилиги жиҳатидан жуда яхши озиқ берадиган “Тошкент 1728” беда нави яратилган. Мазкур беда пичанинг таркибидаги клетчатка 28,27; протеин 18,69, умумий оқсил миқдори 15,67 фоиздан иборат. Бедадан яхши уруғ олиш учун, уни кузда экиб, биринчи йилда уруғга қолдириш маъқуроқ эканлиги аниқланган.

Қадимдан сугориб келинган типик бўз тупроқлар шароитида, ҳар гектар ердан 5,9 центнергача уруғлик етиштирилган.

Тупроғи шўр бўлган оч тусли бўз тупроқлар шароитида 14-16 кг/га беда уруғини бошоқли дон экинларига қўшиб экиш тавсия этилади.

Беда уруғини бошқа экинлар (судан,райграс, сули ва бошқалар) билан қўшиб экилганда ва улардан кейин фўза парваришланганда, уни вилт (сўлиш) касаллигига чидамли бўлгани аниқланган.

Юқори ва сифатли беда уруғини етиштириша уни қулай сув режимини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Институтининг “Фаргона” филиали, ўтлоқлашган соз тупроғи сизот сувлар сатҳи 1,5-2,0 м чуқурликда ва кучсиз шўрланганларда уруғлик беда етиштириш, сув режими аниқланган.

Жадвалдан кўриниб турибдик, энг юқори ҳосил беда гуллаган пайтда бир марта сугорилганда, энг кам уруғ эса беда шоналаш ва гуллашда 2 марта сугорилган вариантида олинган.

Қорақалпоғистон Республикаси ўтлоқи-аллювиаль, кучсиз шўрланган тупроқларда кузда бир марта сугориб, беда вегетация даврида бир марта сугорилган, сизот сувлар сатҳи 1,8-2,0 метр атрофида

бўлган жойда гектаридан 7,7 центнер уруғ етиштирилган.

Республиканинг турли тупроқиқлим шароитларида олиб борилган тажриба натижаларига асосан бедадан мўл ва сифатли уруғ етиштириш агротехнология элементлари ишлаб чиқилган.

Мавжуд агротехнологиялардан фойдаланиб, беда ургучилигини кенг йўлга қўшиш мумкин.

Беда илдизида микролитик паразит замбуруглари селекциялаш хоссасига эга бўлиб, вилт касалини тарқатувчи замбуругларни йўқотади. Эскидан сугорилиб келинган типик бўз тупроқлarda, фўза парваришланганда 700 минг замбуруғ колонияси борлиги аниқланган.

Институтининг “Монокультура” тажриба даласида кўп йиллардан бери экинлар алмашмаган далада фўза 40 фоизга, фўза-беда алмашлаб экилган далада эса 9 фоиз атрофида вилт билан касалланган.

Беда тупроқ юзасини қоплаб, физик буғланишни камайтиради, ўзидан кўп намни буғлатгани учун минераллашган сизот сувлар сатҳини пасайтириб, тузларни тепага кўтарилишига йўл бермайди. Бу дэҳқончилик тизимида, айниқса, беда патак илдизи ўсимликлар (буғдой, арга, сули ва бошқа кўп ўсимликлар) экилганда сувга чидамли макро ва микро структуралар ҳосил бўлиб, тупроқнинг физик, гидрофизик, термик, ҳаво ва микробиологик хоссаларини оптималлаштиришга замин яратади.

Фўза-беда алмашлаб экиш дэҳқончилик тизимида органик модда ва гумуснинг тупроқда ошиши ва уларнинг микробиологик томонидан парчаланиши натижасида, биологик фаол органик кислоталар,

витаминалар, ўсимлик ўсиш-ривожланишини созловчи моддалар, оқсиллар пайдо бўлиб, уларни мурракаб бўлмаган хиллари ўсимлик илдизи орқали парчаланиши оқибатида ҳавога кўтарилиган карбонат ангидриди барг орқали фотосинтез жараёни билан ўзлаштирилиб, экинни ривожланишига ижобий тасвир кўрсатади.

Гўза-беда алмашлаб экиш тизими бегона ўтларни, турли касаллик ва зааркунандаларнинг кўпайишига йўл қўймайди.

Беда ва унинг пичанида фаол органик бирикмалар, оқсиллар кўп бўлганлиги чорва учун энг яхши озиқ ҳисобланади. Уни бошқа экинлар билан қўшиб экилганда озиқ бирлиги янада ошади. Беда ўзи экилганда, бир гектар ердан 36,6 минг озиқ бирлиги, судан билан қўшиб экилганда 50,9 минг озиқ бирлиги етиштирилган, маккажӯхори, лавлаги билан ҳамкор сифатида экилганда, озиқ бирлиги янада ошади.

Шамол эрозиясига қарши тупроқ ва чопиқталаб экинларни ҳимояловчи алмашлаб экиш ишлари Марказий Фаргона ерларида синаб кўрилган, фақат тезлиги кучли ($>15 \text{ м/с}$) шамоллар, ирригация эрозиясидан ҳимояловчи эмас, балки, эрозия натижасида унумдорлиги пастлашиб кетган тупроқлар унумдорлигини оширишда аҳамияти катта. Айниқса, бедани буғдой билан бирга экилганда, кўм тупроқларда органик модда ва гумуснинг миқдори ошиб, бу хилдаги тупроқларнинг физик, гидрофизик, агрокимёвий хоссалари ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга олиб келади. Кейинги пайтларда экинларни алмашлаб экишнинг қисқа ротацияли усули қўлланилиши туфайли яхши натижаларга эришилмоқда. Бу тизимни “Тактика” дейиш мумкин, лекин тупроқ унумдорлигини кўп йилларга тикилаш ва оширишда “Стратегия” бу – гўзабеда ва унга қўшиб маккажӯхори, лавлаги ва бошқа экинларни алмашлаб экиш, дэҳқончилик тизимида эътибор бериш талаб этилади.

Қ.МИРЗАЖОНОВ,

Қорақалпоғистон Республикасида
хизмат кўрсатган фан арбоби,
қ.х.ф.д., академик,

F.САТИПОВ,

қишлоқ ҳўжалик фанлари
доктори, профессор,

Р.РАҲМОНОВ,

катта илмий ходим.

“Фаргона” филиалида беда етиштириш тажриба натижалари

Суторув парцалитлари	Беда кўчнатининг ҳақиқий сони, 1 м ²	Беда ўсимликнинг бўйи, см	Бир гектарда етиштирилган беда уруғи ҳосил
1.Умуман суторилмаган	38	86	7,42
2.Поналаганда бир марта суторилганда	35	104	7,38
3.Гуллаганда суторилганда	37	88	8,68
4.Поналан ва тулланда суторилганда	40	109	5,74

ИСТИҚБОЛЛИ ОЛМА НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА АЖРАТИШ

Интенсив барпо қилаётгандада нав танлашга катта аҳамият бериш лозим. Чунки навлар боғнинг ҳосилдорлиги ва унинг иқтисодий самарарадорлигини белгилайди. Бог ташкил қилинаётгандада худудда қайси навлар яхши ўсиш- ривожланиши, ҳосилдорлиги, мевасининг сифати ва иқтисодий самарарадорлиги юқори бўлган навларга қараб эътибор берилади, яъни ҳар бир хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароити ва йўналишидан келиб чиқсан ҳолда навлар танланади.

Хусусан, Қашқадарё вилояти шароити учун истиқболли бўлган навларини танлаш ва ажратиш мақсадида, Академик М.Мирзаев номли Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд ҳамда Фарғона илмий-тажриба станцияларидан 2009-2016 йиллар мобайнида олманинг 70 дан ортиқ навлари Қашқадарё илмий-тажриба станциясининг Бобобод ва Парғузга тажриба майдонларида ўрганилди.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишлар натижасида Қашқадарё вилоятининг чўл минтақаси шароити учун истиқболли бўлган ММ-106 паст бўйли пайвантакка уланган олма навларининг ҳосилдорлиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, эрта — 3-4 йилда ҳосилга кириши, иссиқ ва совуқча чидамлилиги, мевасининг сифати билан ўрганилаётган навлардан устун туриши аниқланди.

Тадқиқотлар жараённида, меваларни сортларга ажратиш Мичурин (1973), узум навларини сортларга ажратиш “Виноградарство с основами ампелографии” (1978г), дараҳтларнинг ўсиш динамикаси ҳар 10 кунда В.В. Смирнова ва А.А.Молчанова (1964), математик статистикалар Н.Л Удольская (1976) усулларидан фойдаланилди.

Кўйида вилоят учун танланган олма навлари келтирилди.

“Қизил тарам олма”. Дараҳтнинг баландлиги 5.0-5.5 м етади. Вегетация даври март ойининг I-II декадасидан бошланади. Вегетация давомийлиги 200-235 кун. 25 мартадан 5 апрель оралигига гуллайди. Гуллаш муддати 12 кун. Меваси июннинг I-II декадасида пишиб етилади. Ҳар бир дараҳтдан ўртача -120-135 кг ҳосил олиш мумкин. Ташишга қулай. Меваси нордон-ширин бўлиб, таркибида 94.9% сув, 9.1% шакар, 1.2% пектин 4.1% мг С витамини бор. Совуқча, иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамли.

“Ҳаят”. Дараҳтнинг баландлиги 3.м гача бўлади. Вегетация даври март ойининг I декадасида бошланади. Вегетация давомийлиги 200-230 кун. 5 апрелдан 25 апрель оралигига гуллайди. Гуллаш муддати 20 кунгача

давом этади. Меваси 20 июндан 15 июль ўртасида пишиб етилади. Ҳар бир дараҳтдан ўртача 60-70 кг ҳосил олиш мумкин. Бир дона мевасининг ўртача оғирлиги-150 г. Ташиш учун қулай. Мевасининг таркибида 83.2 % сув, 9.1% шакар, 0.63% турли кислоталар, 9.2 мг% С витамини бор. Совуқча, иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамли.

“Ойдин”. Дараҳтнинг баландлиги 4.0 м етади. Вегетация даври март ойининг ўрталаридан бошланади. Вегетация давомийлиги 200-235 кундан иборат. 10-20 апрель орали-



фида гуллайди. Гуллаш муддати 10 кун. Меваси 25 июлдан 9 август ўртасида пишиб етилади. Ҳар бир дараҳтнинг ўртача ҳосилдорлиги 60-65 кг. Бир дона мевасининг ўртача оғирлиги -120-150 г бўлиб, ўзига хос ҳидга эга ва серсув. Мевасининг таркибида 84.6% сув, 11.6% шакар, 0.76% турли хил кислоталар, 1.15% пектин, 4.9 мг% С витамини бор. Совуқча, иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамли.

“Боровинка Ташкентская”. Дараҳтнинг баландлиги 7.0 м етади. Вегетация даври 10 мартадан бошланади. Вегетация давомийлиги 200-235 кунни ташкил этади. 9-22 апрель оралигига гуллайди. Гуллаш вақти 14 кун. Меваси 19 июндан 27 июнь ўртасида пишиб етилади. Ҳар бир дараҳтнинг ўртача ҳосилдорлиги 300 кг гача. Меваси серсув. Мевасининг таркибида 86.3% сув, 9.7% шакар, 0.87% турли хил кислоталар, 0.68% пектин, 5.3 мг% С витамини бор. Ташиш учун қулай. Совуқча, иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамли.

“Чўлпон”. Дараҳтнинг баландлиги 5.0 м етади. Вегетация даври 20 мартадан кейин бошланади. Вегета-

ция давомийлиги 200-230 кундан иборат. 11-22 апрель оралигига гуллайди. Гуллаш вақти 12 кун. Меваси 27 июлдан 10 август ўртасида пишиб етилади. 10-12 ёшли бир туп дараҳтнинг ўртача ҳосилдорлиги 110-130 кг гача. Битта мевасининг ўртача оғирлиги-200-240 г. Мевасининг таркибида 84.5% сув, 11.9% шакар, 1.1% турли хил кислоталар, 1.4% пектин, 6.33 мг% С витамини бор. Ташиш учун қулай. Совуқча, иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамли.

Олма нафакат хушхўр балки шифобаҳш неъмат сифатида азалдан кўллаб келинган. Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асаридаги меваси хусусида бир қанча маълумотлар қолдириб кетган. Ибн Сино беморнинг мижози иссиқ ёки совуқлигини инобатга олиб, олманни ҳар хил касалликларда қўллаган. У пишмаган олма кўп истеъмол қилинганда буйракда тош ҳосил бўлиши мумкинлиги ҳақида айтиб ўтган.

Бош оғриғига олманинг хосиятлари беҳисоб, унинг таркибида кўплаб шифобаҳш моддалар мавжуд, глюкоза, фруктоза, сахароза деб аталувчи қанд моддалари, органик кислоталардан пектин, микроэлементлардан темир, калий, марганец, мис, кобальт, B₁, B₂, PP, С дармондорилари унинг шифобаҳшлигини кучайтирувчи омиллардир. Мия оғриғанда олма шарбатини тез-тез ичиб туриш жуда яхши натижага беради. Зўриқиб боши оғриған беморга ҳар куни овқатдан олдин бир чой қошиқ асал билан, бир чой қошиқ олма сиркасини истеъмол қилиб туриш буюрилади.

Янги усулдаги ресурстежамкор интенсив мевали боғларни барпо этиш республикамиз боғдорчилигини ривожлантиришига, янги истиқболли навлар ҳосилдорлигининг янада ортиши эса мева маҳсулотларининг кўпайишига, пировардидага аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

**А.ҚАРШИЕВ,
И.ҲАЙТОВ,**

Академик М.Мирзаев номли
Бува ВИТИ Қашқадарё илмий-
тажриба станцияси илмий
ходимлари.

СИФАТЛИ УРУГЛИК КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ

Results show when the potato cultivation with the botanical seeds, potato diseases, respectively viruses diseases not transferred to the next generations. That is the reason for the potato seed can be used as a first seed material without viruses diseases.

Картошка уругчилигининг асосий муаммоларидан бири экиннинг вирус касалларлари билан заарланишидир. Ўсимлик вируслар билан заарланганда касаллик турига ва ташки мұхитта боғлиқ равища ҳосилдорлиги 10 –15% дан 85 –90 % гача камайиши мүмкін. Бу касалларларнинг хавфли томони шундаки, улар уруглик туганаклар орқали кейинги авлодларга ўтади.

Бир қанча олимлар, жумладан, Т.Остонақулов маълумотларига кўра, дунё бўйича кейинги йилларда картошкани вегетатив кўпайтириш билан бирга генератив усуlda етиштириш ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Мустақил ҳамдўстлик давлатларида, АҚШ да, Халқаро картошкачилик илмий-тадқиқот марказида ва Хитойда сифатли уруглик туганаклар олиш усули сифатида қўлланимоқда. Ўзбекистон шароитида ботаник ургидан етиштириб, картошканинг вируссиз уругчилиги учун соғлом дастлабки, материал яратиш усуллари ишлаб чиқимоқда.

Картошкачиликда харажатларнинг 60–65% уруглик материал учун сарфланиши ҳисобга олинса, картошка етиштиришни кўпайишининг асосий муаммоларидан бири уруглик материал эканлиги аёнлашади.

Генератив ургулардан кўпайтиришнинг яна бир афзалларлари шундаки, бу усуlda етиштирилганда, авлодларга кўп касалларлар жумладан, вирус касалларлари берилмайди. Баъзи муалифлар картошкани генератив ургулари орқали кўпайтириш усулини карантинда картошка намуналарини соғлом-

лаштиришда фойдаланишни тавсия этишади. Чунки бундай усуlda соғлом ўсимликларни танлаш имконияти юқори бўлади. Шунинг учун бу усул вируссиз асосдаги картошка уругчилигига дастлабки соғлом материал яратишнинг самарали усули бўлиб хизмат қилиши мүмкін. Бу харажатларни генератив ургулардан етиштириб, 10 марта гача камайтириш мүмкін. Бундан ташқари, уругликни ташиб келтириш ва сақлаш учун боғлиқ бўлган харажатлар кескин камаяди, яъни бу усуlda гектарига бор-йўғи 80–120 грамм ургуларни сарфланади.

Биз, Н.И. Вавилов номидаги Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти, А. Г. Лорх номидаги Бутунрорсия картошкачилик илмий-тадқиқот институти ва Седек (Москва) уругчилик фирмаси ва маҳаллий картошка навларининг ботаник ургуларидан тажрибаларимиз обьекти сифатида фойдаландик.

Тажрибаларимиз Самарқанд вилоятида жойлашган Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий -тадқиқот институтининг Самарқанд таянч пункти далаларида олиб борилди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, генератив ургулардан етиштирилганда серологик анализлар натижаларига кўра, ўсимликлар вируслар билан жуда кам даражада (1,5 –2,0 %) заарланди.

Генератив ургулардан етиштириб олинган туганакларнинг 1–2 репродукцияларидан уруглик мақсадларида фойдаланиш мүмкинлиги аникланди. Генератив уругликдан етиштирилган туганаклардан ургу-

лик сифатида фойдаланилганда, уларнинг потенциал имкониятлари 1-туганак репродукциясида кузатилади. Масалан, Илона ва Триумф намуналарининг биринчи туганак репродукцияларининг ҳосилдорлиги гектаридан 19,0 – 18,5 тоннани ташкил этган ёки Дева намунасининг 1-туганак репродукцияси ҳосилдорлиги Невский навининг суперэлита уругларига нисбатан 2,4 т/га юқори ҳосил берган (жадвал).

Шуни таъкидлаш керакки, иккинчи туганак репродукциясидан бошлаб ўрганилган барча картошка дурагай популяцияларининг ҳосилдорлиги пасайиб боради. Бунинг сабаби туганакларнинг ҳар хиллиги ва ўсимликларнинг вирус касалларлари билан заарланишининг ошиб бориши билан боғлиқ деб ҳисбландади.

Биринчи туганак репродукция ҳосилдорлиги намуналар бўйича ўртача 18,2 – 23,4 т. ни, иккинчи туганак репродукцияда эса 13,4 – 19,8 т. ни ташкил қилди. Бундай усуlda тайёрланган уругликнинг 3 – репродукцияси экиш учун тавсия этилмайди.

Натижалар генератив ургулардан етиштириб, картошка вируссиз асосдаги уругчилиги учун дастлабки материал яратишнинг самарали усули бўлиб хизмат қилиши мүмкинлигидан далолат беради.

Самарқанд вилояти шароитида янги ва иқтисодий самарали усули сифатида картошкани ҳақиқий ургуфидан етиштириш мүмкін.

Етиштирилган биринчи, баъзи ҳолларда иккинчи репродукция туганаклар кам миқдорда вируслар билан заарланишини учун уруглик материал сифатида фойдаланса бўлади.

Бу усулининг самарадорлиги нав ва дурагай популяцияларни тўғри танлашга боғлиқ.

Б.ЭШОНҚУЛОВ,
Самарқанд қишлоқ ҳўжасалик институти.

Ботаник ургидан етиштирилган ургукўчат ўсимликлари ва уларнинг туганак репродукцияларининг ҳосилдорлиги (2013 й)

т р	Дурагай популяциялари	Ҳосилдорлик, т/га			
		кўчат	1-туганак репродукцияси	2-туганак Репродукцияси	3-туганак репродукцияси
1	Дева	18,5	23,4	19,8	12,7
2	Илона	14,6	19,0	17,5	10,9
3	Триумф	15,0	18,5	16,2	10,2
4	Вир-8	12,4	18,2	13,4	9,6
5	Санте (St)	суперэлита	суперэлита	элита	1-репродукция

УРУГЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Уругчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар, жумладан паҳта ва ғалла экинлари уруғини етишириувчи фермер хўжаликларини танлаш ва улар фаолиятини мониторинг қилиб бориши Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2006 йил 21 февралдаги 39-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик паҳта етишириш ҳуқуқига эга бўлиши учун хўжаликлар ўткасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом” асосида амалга оширилади.

Ушбу низомдаги тартиб ва қоидаларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида паҳта уруғини етишириувчи фермер хўжаликлари жойларда ташкил этилган танлов комиссияси томонидан кўрикдан ўтказилади.

Комиссия аъзоларининг умумий сонининг камидаги учдан иккى ҳисоби иштирок этган йиғилиш ҳақиқий ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинлари уруғини етишириш ҳуқуқи 1 йил муддатга берилади. Навбатдаги йилларда эса янгидан танлов комиссияси ташкил этилади. Паҳта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини етиширишга ихтисослаштирилган хўжаликлар мазкур фаолиятларни амалга оширишлари учун қўйидаги шартшароитларга эга бўлиши керак:

- уруғлик майдонлари юқори унумдор, механизация ёрдамида ишлов беришга қулай, сув билан таъминланган, шўрланмаган ва тикис далаларга жойлаштирилади;

- алмашлаб экиш ва агротехник тадбирларни ўз вактида ўтказиш дастурини тузиш ва улар томонидан бажарилган ишлар бўйича ҳисобини олиб бориш;

- суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб экин майдонларини ихчам қилиб жойлаштириш, белгиланган тартибда ва мақбул муддатларда оралиқ агротехнологик ҳимоя масофаларини сақлаган ҳолда экиш;

- амалда фойдаланишга рухсат этилган перепаратлар билан ҳар хил касалликлардан заарсизлантирилган уруғларни экиш;

- ийлига камидаги иккى уч марта нав тозалиги бўйича дала кўригидан ўтказиб, навга хос бўлмаган экин тупларидан тозалаш ишларини ташкиллаштиради.

Паҳта ва бошоқли дон экинларининг суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 20 майдаги 2 – сонли буйруғи билан тасдиқланган «Экинбоп уруғлар етишириш мақ-

садида экилган навли қишлоқ хўжалик экинларини абробация қилиш шароити тўғрисидаги низом» асосида тегишли манфаатдор вазирликлар ва давлат идораларининг мутахассисларидан тузилган комиссия иштироқида, абробация қилиш ўйли билан аниқланади.

Уругчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 1-сонли “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” миллий стандарти (1-БХМС, рўйхат рақами 474.1998 йил 14 август)даги тартиб-қоидалар асосида хўжалик фаолиятлари ўналишларидан келиб чиқсан ҳолда, ҳисоб сиёсатини мустақил равишда белгилайдилар ва юритадилар.

Амалда, ҳисоб сиёсатини хўжаликнинг бош бухгалтери ёки унга хизмат кўрсатувчи бухгалтерлик фирмалари томонидан ишлаб чиқлади ва хўжалик раҳбарининг буйруқлари ёки фармойишлари, қарорлари билан тасдиқланиб расмийлаштирилади. Ҳар бир хўжаликларда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш жараёнларидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг умумий тамоийлари сақланиб қолиниши зарур:

- хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби счёtlарида иккى ёқлама акс эттириш;

- аналитик счёtlар маълумотларининг, синтетик счёtlар маълумотларига мос келиши;

- дастлабки хужжатлардаги маълумотларнинг, йиғма хужжатлардаги маълумотларга мос келиши;

- бухгалтерия ҳисоб маълумотларининг узлуксизлигини, ишончлиги ва ҳақонийлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунинг 11 моддаси билан (янги таҳрирдаги рўйхат рақами 404 ЎРК. 2016.й 13 апрель) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишини бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбарни зиммасига юклатилган.

Ушбу қонунда белгиланган тартиба ва шартшароитлардан келиб чиқсан ҳолда, бухгалтерия ҳисоби

субъектининг раҳбари ва бош бухгалтери ёки ҳисобчи ходим билан ҳамкорликда уругчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар (фермер ва ўкув тажриба ва бошқа субъектлар)ида ўз фаолият йўналишларига қараб, бухгалтерия ҳисобини ташкил этишлари керак.

Уругчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалик экинлари навларини етиширишга сарфланган харажатлар, ҳосилдорлик, ялпи ҳосил, олинган даромад, илмий тадқиқотлар ва кузатишлар бўйича аналитик ҳисобини, ҳисоб (ҳисоб дафтарлари, ҳисоб регистрларда) ларини юритиш;

- етиширилган навли уруғнинг сифатини давлат стандартларига тўла жавоб беришини аниқлаш учун дала шароитидаги кузатувлар ва лабораторияларнинг таҳлилий хуласаларини, меъёрий кўрсаткичлар билан таққослаш ва иқтисодий таҳлил қилиш;

- уруғлик хўжаликларида ва тажриба участкаларида ҳисобот даврининг охирларида молиявий ҳисобот тузиш, шунингдек, зарурият туғилганда ўсимликларнинг турлари ёки ҳар бир навлари бўйича аналитик ҳисоб рақамларидаги мавжуд маълумотлар умумлаштирилиб, ҳар бир экин турлари, навлари бўйича сарфланган харажатлар ва маҳсулотлардан олинган уруғ турлари бўйича миқдор кўрсаткичлари ҳисобга олиниб, уруғларнинг турлари бўйича таннахи аниқланади;

- иқтисодий таҳлил натижалари га кўра, минтақавий тегишли комиссия ва мутахассисларнинг хуласалари асосида қишлоқ хўжалик экинлари уруғларининг давлат стандарти талаби даражасига мос келадиган истиқболли нав уруғлари экишга тавсия этилади;

- ишлаб чиқаришга тавсия этилган, ҳар бир истиқболли навли экин уруғлари бўйича самарадорлик даражаси алоҳида-алоҳида ҳисобга олиниади.

Хуласа қилиб айтганимизда, қишлоқ хўжалигида уругчилик соҳасини янги, юқори сифатли технологиялар асосида, замон талаби даражасида юритиш, соҳани модернизациялаш ҳамда истиқболли ривожлантириш, умумдавлат иқтисодийтинг барқарор ўсишининг таркибий қисмларидан биридир.

**Ч.РИЗАЕВ,
и.ф.н.**

ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва турли мулк шакллари шароитида хўжалик субъектлари фаолиятининг эркин рақобат асосида йўлга қўйилиши, шунингдек, бозор субъектлари фаолиятининг ҳар бир имконият ва ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига ташкил этилишига эришиш шу кун талабларидан бириди.

Бу жараёнда менежментга таяниш, унинг усуллари ва тамойилларидан фойдаланиш иқтисодиёт тармоқлари учун foят муҳим категориялардан бири бўлиб, у табиий ресурслардан самарали фойдаланиш жарёнларини қамраб олади ва бу экологик менежментда ўз ифодасини топади.

Экологик менежмент тизимида табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориши давлат хизматида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, табиатда бўладиган физикавий, кимёвий биологик, гидрологик, сейсмологик ва бошқа ўзгаришларни кузатиш, маълумот тўплаш, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ости бойликлари ва атмосфера ҳавоси ҳамда аҳоли ҳаёти ва соғлигига ҳавфли ва зарарли таъсир этувчи омилларни ўрганиш, атроф-табиий муҳитда бўладиган ўзгаришларни давлат органлари ва кенг аҳоли қатламларига етказиш каби фаолиятни ўз ичига олади.

Экологик менежмент бўйича олиб борилаётган тадқиқотимизнинг асосий вазифаси хўжалик юритувчи субъектлар ва жамият аъзоларининг экологик менежмент йўналишида чуқур экологик-иқтисодий фикрларни шакллантириш ва ривожлантириш, илмий асосланган фикр-мулоҳазалар ёрдамида хулослар чиқариш, ишлаб чиқилган тавсияларни тақдим этиш, экологик менежментнинг назарий ва амалий муаммолари ечимини топишда етарли даражада назарий-методологик асосларни тайёрлашдан иборатdir.

Табиий ресурслардан фойдаланиши соҳасида экологик менежментнинг услубий асослари ва ривожланиши масалаларини тадқиқот иши сифатида ўрганиш мавзунинг дол зарблигидан далолат беради.

Дунё ва Ватанимиз тажрибалари шуни кўрсатадики, барқарор иқтисодий ривожланиш табиатни вайрон этиш, табиий ресурсларни тамом қилиш ҳисобига амалга ошириб бўлмайди ва аксинча атроф-муҳитнинг зарур сифатини сақлашни кучли иқтисодиётсиз амалга ошириш мумкин эмас. Шу сабабдан экология иқтисодиётни доирасида биринчидан, иқтисодиётда табиий экологик ша-

роит ва ресурслардан экологик хавфсиз йўналишларда унумли фойдаланиш, иккинчидан, атроф-муҳитнинг иқтисодиёт таъсирида емирилиши ва ифлосланишининг зиёнини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш имкониятини берувчи мақсадга мувофиқ усуллар ва тадбирларни асослаб бериш ва ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу муаммолар табиий-тариҳий характердаги қонуниятлар асосида ҳамда жамиятнинг ўзгариб турдиган эҳтиёжлари ва янги қийматлар тизимишнинг шаклланниши ҳисобига олиб ҳал этилиши керак.

Экология иқтисодиёти ва айникса, унинг барқарорлик асоси бўлган экология менежменти, шунингдек, мазкур ишнинг энг муҳим вазифаларидан бири, мамлакат ва унинг барча минтақаларида табиий-экологик ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришини таъминлаш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишидан иборат.

Сув азалдан энг азиз табиий неъмат, ҳаёт манбаи, барча ҳалқлар учун ривожланиш ва фаровонлик асоси бўлиб келган. Сув ҳар бир давлатнинг геоиқтисодий, геосиёсий ривожланишига бевосита таъсир қилибгина қолмасдан балки, ўша мамлакатнинг миллий ва озиқ-овқат ҳавфислигини ҳам таъминлайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сувдан фойдаланувчиларнинг ва сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари борасида яратилган ва тобора такомиллаштириб борилаётган мукаммал ҳуқуқий асослар ва қабул қилинган қонунларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиши ва бу борада амалга оширилаётган ишлар, сувдан фойдаланиши борасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, сув истеъмол қилишда уни тежаш ва сув ресурслари сифатини яхшилаш, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиши, қишлоқ ҳўжалиги экинларини сугоришида замонавий сугориш тизимларини жорий этиш, сугориш

да сувдан тежамли фойдаланишнинг замонавий тадбирлари, сувдан самарали фойдаланишда Сув истеъмолчилари уюшмасининг ўрни ҳамда соҳада олиб борилаётган илмий изланишлар ўз натижасини бера бошлиди.

Ифлосланган сув кўплаб касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Шу сабабли сувдан рационал фойдаланиш, унинг тозалигиги сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Олимпаријимизнинг маълумотларига кўра, республикамизнинг йиллик юза сув ресурслари $99,5 \text{ km}^3$ га teng бўлиб, унинг фақат $12,2 \text{ km}^3$ қисми шу ўлка худудида ҳосил бўлади. Демак, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ҳам икки йўналишда олиб борилмоғи зарур.

Биринчидан, уни мидорий жиҳатдан камайишдан сақлаш бўлса, иккинчидан, унинг ифлосланиш ва минераллашиби даражаси ошиб кетишининг олдини олишидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг кўйидаги йўналишларини тавсия этамиз:

-ер-сув ислоҳотларини қонулар асосида ўтказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш;

-захланиб, шўрланган ерларда ирригация-мелиорация тадбирларини вақтида ва сифатли амалга ошириш;

-янги, самарали техникалар ва илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

-илмий-амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишга эътиборни кучайтириш;

-экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;

-селекция, уруғчилик ва агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш;

-ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкини, мамлакатимизни барқарор ривошлантириш иқтисодий-экологик омилларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги асосида содир бўлар экан, табиат-жамият муносабатлари тизимида бу борадаги барча тўсиклар бартараф этилиши лозим.

И.НОСИРОВ,
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси.

ШИЖОАТДАН БҮСТОН ЯРАЛГАЙ

Инсон умри құхна тарих олдидә бир сониялик вактта ҳам тенг әмас. Лекин ушбу қисқа умрни ўзгаларга яхшилик қилиш, бүнёдкорлик, яратувчанлик ишларига сарфлаш, шу туфайли юрт, халқ олқишига, ҳурматига сазовор бўлиш ҳаммага ҳам насиб қиласвермайди. Бугун фарзандлар, невара-чеваралар ардоғида кексалик гаштими сурәттан Тўхтамиш Боймиров шундай баҳтга эришган инсонлардан бири.

Мамлакатимиз кекса авлод қишлоқ ҳұжалик ходимлари ўртасида Тўхтамиш Боймиров номини эшифтмаган, уни танимайдиган, билмайдиган одам кам топилади. У 1935 йили Қашқадарә вилоятининг Некуз қишлоғида туғилган. Бошқа қишлоқ болалари каби мактабга қатнаган, қиры адиirlарда қўй-қўзи бокиб катта бўлган. Кейин эса олам-олам орзулар билан Тошкентга отланган. Мақсади, олий ўқув юртида ўқиш, ўқишини битиргач юрт, халқ фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиш эди.

Т. Боймиров 1957 йилнинг август ойида Тошкент темир йўллари транспортни инженерлари институтини битириб, Туркманистоннинг Чоржўй темир йўли участкасига ишга йўлланма олади. Ўша пайтдаги тартиб-қоидага кўра олий ўқув юртини тутгатган талаба икки йил йўлланма берилган жойга бориб ишлашга мажбур эди. Бўлмаса унга институтни тутгатганлик тўғрисидаги диплом берилмасди.

— Битириув имтиҳонлари тугагач ҳаммамиз ҳар томонга кетишга тайёргарлик кўра бошладик, — дея ўша даврларни хотирлайди отахон. — Бир куни институтга бордим. Ректорат ёнидаги йўлаклар ҳар хил эълон ва ёзишмалар, буйруқлар, дарс жадваллари осиб қўйиладиган жойда янги бир эълонга уч-тўрт киши кўз ташлаб туришган ва шу асосда ниманидир муҳокама қилишадиган экан. “Мирзачўлга бормайсанми, Толик?” деб қолди эълонга ишора қилган ўртоқларимдан бири. Мен эълонга кўз ташладим ва “Мирзачўлқурилиш” бош бошқармаси раҳбарияти ёш муҳандисларни Мирзачўлга ишга чорлаётганидан хабардор бўлдим. Шунда юрагимда аллақандай илиқлик пайдо бўлганини ва бу туйғу бутун вужудимни чулғаб олганини сездим. Ўша пайтларда Ўзбекистонда ишда қолиш биз ёшлар учун катта омад ва баҳт ҳисобланарди.

— Бу ерда менга биринчи курилиш бошқармасига йўлланма беришди ва иш фаолиятимни Мирзачўлнинг Бёёвут участкасида жойлашган ташкилотда бошладим, — дея сўзида давом этди Тўхтамиш Боймиров. — Ташкилотимиз жойлашган

жамоа ҳўжалиги чўл ҳудудидаги тупроғи оғир участкалардан саналишидан ташқари, Бекобод шамолининг йўналишларига тўғри келиб, шамолнинг тезлиги айрим пайтларда секундига 40 метрга етар, довул кўзгалганда ташқарида одам ўзини зўрга тутар, у одамни учиргудай бўларди. Кум ва тупроқ үюнларини шипириб келиб, кўча-кўйда кўз очирмасди.

1956 йили ташкил этилган “Мирзачўлқурилиш” бош бошқармаси ўз фаолияти кўламига кўра, нафақат Мирзачўлдаги, балки Ўрта Осиёдаги энг йирик курилиш мажмуаларидан бирига айланди. Янги лойиҳа ва режага асосан “Дўстлик” каналининг



Суратда: Т.Боймиров (ўртада)
Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳамда бир гуруҳ ижодкорлар билан

ўзланлари кенгайтирилиб, у бир неча километрга узайтирилди. Сирдарёдан бошланадиган Жанубий Мирзачўл канали қазилиб, чўлга сув оқизилди. Мирзачўл тарихида марта ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва мўътадиллаштириш мақсадида бир қатор коллекторлар деярли қайта қурилди. Қисқа муддатда Мирзачўлда ўзлаштирилган экин майдони 500 минг гектардан ошди ва бу ерлarda 40 дан ортиқ давлат хўжалиги, 20 дан ортиқ туман ва шаҳар, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ташкил топди. Республика харитасида янги маъмурӣ-маданий марказлар — Гулистан ва Янгиер шаҳарлари пайдо бўлди. Меваларининг шарбати, айниқса Мирзачўл қовунарларининг довруғи оламга тарағди. Бу ютуқлар XX аср ва унинг иккинчи ярмида Мирзачўлни ўзлаштиришда ўзбек халқи, жумладан Тўхтамиш Боймиров каби инсонлар кўрсатган матонат ва жасорат натижасидир.

Албатта, Жиззах ва Сирдарё вилюятлари қишлоқ ҳўжалигига эришилаётган бугунги ютуқлари билан қўйслаганда бу рақамлар унча катта бўлмаслиги мумкин, лекин у пайтда бу ҳақиқий қаҳрамонлик эди, десак асло хато бўлмайди.

— Биздан бир кун бўлса-да олдинроқ чўлга келганларнинг барчасини ўзимга устоз деб биламан, — дейди отахон. — XX асрда Мирзачўл учун жон олиб, жон берганларнинг абдул-абад миннатдорчилик билан этағидан тутгим келади. Ўйлайманки, Мирзачўлни ўзлаштиришда халқимиз, ота-боболаримиз томонидан кўрсатилган жонбозлик ёшлар учун ибрат намунаси бўла олади.

Тўхтамиш ака меҳнатсеварлиги, инсонпарварлиги туфайли қисқа фурсатда эл ҳурматига сазовор бўлди. Муҳандис, прораб, бошқарма бошлаги лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Серғайрат, тиниб-тинчимас Т. Боймировнинг фидокорлиги, ташаббускорлиги республика раҳбарияти назаридан четда қолмади. 1978 йили Жиззах вилоятининг биринчи раҳбар этиб тайинланди. Бу лавозимда тинмай меҳнат қилган Т.Боймиров 1983 йилда Республика Сув қурилиш давлат қўмитаси раиси сифатида иш фаолиятини давом эттириди ва нафакага чиққунига қадар шу лавозимда самарали меҳнат қилди. У қаерда, қайси лавозимда ишламасин ҳаётি, орзу умидлари доимо Мирзачўл билан чамбарчас боғлик бўлиб қолаверди. Шундан бўлса керак, ўтган асрнинг иккинчи ярмида қақраб ётган дашту биёбонда бўстонга айланган Мирзачўл ҳақида сўз кетганда, фахрифтихор билан оддий муҳандисликдан “Мирзачўлқурилиш” бош бошқармаси бошлиги вазифасигача йўлни босиб ўтган Тўхтамиш Боймировнинг номи тилга олинади.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг бугунги кекса авлоди дунёда энг баҳтиёрлардан десак, муболага бўлмайди. Буни уларнинг юриш-туришидан, гулгун сиймолари билан давраларга файз киритишидан, юз-кўзларидан, яратганга, ҳаётга, давлатимизга шукроналик, миннатдорчилик сўзларидан ҳам англаш қийин әмас. Шундай отахонлар орасида Тўхтамиш ота Боймиров ҳам бор. У кексаликни тан олмай ёшларни Ватанга муҳабbat руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий қадриятларимизни сингдириш ишлари билан шуғулланмоқда. Мақоламиз сўнгидаги отахонга узоқ умр, яна кўп йиллар фарзандлар, набиралар ардоғида бўлишини тилаб қоламиз.

М.ТОИРОВ,
ўз мухбиримиз.

АКАДЕМИК ШУКУР ИБРАГИМОВ 90 ЁШДА

Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, академик Шукур Ибрагимов 5 марта куни табаррук 90 ёшга тўлади.

Тошкент шаҳрида таваллуд топган Ш.Ибрагимов 1948 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети) агрономия мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугаллаган. Мехнат фаолиятини 1953 йили ЎзФА қишлоқ хўжалик институтида лаборантликдан бошлаган. Шу йили ЎзФА Президиумининг йўлланмаси билан Фарғона вилояти Ѓёвон воҳаси ерларини ўзлаштириш мақсадида ЎзФАнинг Мелиорация тажриба станциясига юборилди. У 1954-1957 йиллар давомида мазкур станциянинг кичик илмий ходими ва илмий котиби лавозимларида ишлади.

1954 йили “Ғўза илдизининг кўчат сонига ва сув режимига қараб ривожланиши” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1957-1964 йиллари ЎзФА ўсимликлар генетикаси ва физиологияси институтида катта илмий ходим, ўсимликларни ривожланиши биологияси лабораториясининг мудири, 1965 йилдан бошлаб мазкур институт бош директорининг мувонини лавозимларида фаолият кўрсатди.

Катта ташкилотчилик қобилиятини намоён эта олган Ш.Ибрагимов 1965 йилнинг 15 апрелида Ўзбекистон Пахтачилик илмий-технишириш институти (СоюзНИХИ)нинг марказий селекция станциясида директор этиб тайинланди.

1974 йили “Ғўза селекциясида ўсимликнинг ҳар хил ўсиш даврида радиация нурининг таъсирини ўрганиш ва услубларини ишлаб чиқиши” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва унга 1976 йилда профессор унвони берилди.

1976-1978 йиллари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг мувонини бўлиб ишлади.

Кейинчалик собиқ Г.С.Зайцев номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари. 1980-1984 йиллари собиқ “Союзх-

лопок” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори ўринбосари лавозимларида ишлади.

Ш.Ибрагимов ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг селекцияси, генетики, мутагенези, ғўза агротехникаси соҳасида жаҳонда йирик олимлардан биридир. Олим томонидан ишлаб чиқилган ўсимликларни ўсиш фазаларида нурлантириш йўли билан бир қатор янги истиқболли ғўза нав ва тизмалари яратилган. Булар қаторига селекция жараёни учун қимматли бошлангич материаллар ҳисобланадиган Мутант-1, Мутант-2, Мутант-3, Мутант-4 ва бошқаларни киритиш мумкин.

Академик Ш.Ибрагимов ишлаб чиқаришга жорий этилган ва истиқболли “Қизил-Ровот”, “Уйчи-2”, “Андижон-60”, “С-7510”, “С-7512”, “Оқдарё-6”, “Хоразм-127”, “Денов”, “С-2602”, “С-2606” ҳамда ингичка толали “С-6029”, С-6030; С-6037, С-6040, Термиз-14, Термиз-16, Термиз-31 навлари муаллифи ва ҳаммуаллифи ҳисобланади. Бу навлар ўз вақтида 500 минг гектаргача майдонларни эгаллаган ва ҳозирда Хоразм-127, Хоразм-150 навлари кенг майдонларга экилмоқда.

Олим тезпишар ва юқори ҳосилли Термиз-14 навини яратишида ва агротехникасини ишлаб чиқишида фаол қатнашгани учун 1987 йили Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Олимнинг илмий ижоди сермаҳсулдир. У “Ғўзанинг янги шаклларини олиш услуби”, “Ғўзанинг вилтга чидамлилигини аниқлаш услуби”, “Фунгицид”, “Тукли чигитни дражеллаш усули” каби ихтиrolари учун муаллифлик гувоҳномалари олган.

Олим томонидан чигитларга экишдан олдин ишлов берриш сифатини ошириш, ўсимликларни ўсиши ва ривожланишга ер намлиги ва ҳароратининг таъсири, ғўзанинг оқпалак касаллигига чидамли сифатли ва юқори тола чиқимига эга навлари селекцияси, пахта уруғчилик ашёсини машина



ёрдамида териш, ғўза мутагенези, ғўза селекциясида радиация нурларини таъсири каби мавзуларда 300 га яқин илмий мақолалари чоп этилган. “Ўсимликни нурлантириш, ғўза мутагенези ва селекцияси”, “Ғўзанинг узоқ шаклини дургайлаш, нурлантириш ва рекомбиногенез”, “Ғўза биологияси” каби қимматли монография ва атласларни яратган.

Ш.Ибрагимов юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга ҳам катта эътибор беради. Унинг раҳбарлигидаги пахтачилик илмининг турли соҳалари бўйича 15 та фан номзодлари етишиб чиқди. Ҳозирги кунда ҳам бир қанча ёш олимлар тадқиқот ишларига илмий раҳбарлик қилиб келмоқда.

Унинг бутун илмий, ташкилий ва раҳбарлик фаолияти республикамизнинг қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачилигини ривожлантиришининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари уни соҳа жонкуяри сифатида яхши танийди ва ҳурмат қиласди.

Академик Ш.Ибрагимов айни кунларда мустақил Ўзбекистонимиз қишлоқ хўжалик фани ва ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, айниқса, янги серҳосил, эртапишар, сифатли тола берувчи ғўза навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда ғўза селекциясида мутантлараро чатишириш самарасини аниқлаш бўйича лойиха раҳбари сифатида тадқиқотлар олиб бормоқда.

Шукур Ибрагимов тўрт нафар фарзанднинг отаси, 37 невара-эвараларнинг бобоси. Фарзандлари турли соҳалар бўйича мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса кўшиб келишмоқда.

Биз фурсатдан фойдаланиб Шукур отамизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оиласига хотиржамлиқ, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ишларига улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

ПСУЕАЛИТИ жамоаси.

ЎЗБЕК ЛИМОНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ

Жаҳон тиббиёт аҳли лимонни "оила шифокори" деб атайди. Боиси лимон шифобаҳи хусусиятларга ниҳоятда бой мева. Мана шу экиннинг Ўзбекистонга келтирилиши-ю, унинг мамлакатимиз бўйлаб иссиқхоналарда кенг миқёсда экилишига сабабчи бўлган инсон Зайниддин Фахриддиновdir. Ўтган асрда бу боғбон ўз изланишлари ва эришган натижалари билан юртимизда цитрус ўсимликлар етишиши бўйича мактаб яратган.

У бутун ҳаётини цитрус ўсимликларини юртимиз тупроқ-иқлим шароитига мослаштириш ва уларнинг янги навларини яратишга бағишилади.

Зайниддин Фахриддинов 1922 йилнинг 8 февралида Тошкент вилоятининг Салор кўргонида дехқон оиласида таваллуд топган. Отаси Фахриддин ака бир умр дехқончилик билан шуғулланиб, касбига бўлган меҳрини ўғлига ҳам сингдирган. Шу боис унинг болаликдан дехқончиликка иштиёқи баланд бўлган.

Зайниддин 12 ёшли бола бўлишига қарамай, ўзи мустақил равишда мева, сабзавот ва гул кўчатларини экиб, турли изланишлар олиб борган. Масалан, уерга наъматак уругини сепиб, униб чиқсан ниҳолларни пайвандлаб, бир кунда 1000-1200 донагача атиргул кўчатларини тайёрлашга эришади.

Шу ўринда юртимизда лимон етиширишнинг тарихи ҳақида тўхтамиз. 1932 йилда собиқ итифоқ ҳукумати қарорига биноан Ўзбекистонга Грузиядан лимон, апельсин, мандарин кўчатлари олиб келинади ва 32 та хўжалик ерларига экилади. Аммо кўчатлар уч йиллик синовдан ўтломайди. Ўзбекистонда тропик ва субтропик ўлкаларга нисбатан қиши анча совуқ бўлгани боис, кўчатларни мослаштира олишмаган.

Лимон, апельсин ва мандарин кўчатларини кўмид ташлаётганликларини ўз кўзи билан кўрган Фахриддин бобога "Наҳотки, Ўзбекистондай серкүёш ўлкада буларни ўстириб бўлмаса?" деган савол умрбод ҳаловат бермайди. Ушбу жумбоқча ечим топишни ўели Зайниддинга васият қиласди.

1957 йилда З.Фахриддинов ўзи етишириган атиргул кўчатларини сотиш учун Грузияга олиб боради. Унинг асосий мақсади отасининг ушалмаган орзусини амалга ошириш, яъни цитрус ўсимликлар кўчатларини Ўзбекистонга олиб келиш ва ўстириш эди. Гуржи тупроғидан лимон, апельсин, мандарин, грейп-фрут кўчатла-

рини харид қилиб, олиб келади ва ҳандак усулида иссиқхона ташкил қилиб, ёш ниҳолларни парваришлай бошлади.

Бир йўла самарага эришиш учун шунинг ўзи кифоя қилмасди. Цитрус ўсимликлар агротехникасини, навларнинг хусусиятларини яхши билмаслик кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Бироқ, ўз мақсад ва эътиқодида соabit турган захматкаш боғбон янги тажрибанинг машаққатларига сабр қилиб, иссиқхонадаги ниҳолларни меҳр билан парваришлашда давом этаверади.

Бу шифобаҳи ажойиб тарихий борни яратувчи аҳли расо миришкор дехқонидир.

Ш. РАШИДОВ,
давлат ва жамоат арбоби.

Қилинган меҳнат, чекилган захмат зое кетмайди. Лимон кўчатлари уч йий ўзининг дастлабки мевасини беради.

1967 йилга келиб уста боғбон "F1-Тошкент" лимон навини яратади. Унинг таркибида лимон кислотаси 4 фоиздан зиёдни ташкил этиб, пўстси билан истеъмол қилиш ҳам фойдалидир. Айнан шу лимон навини кейинчалик фазогирлар самода ҳам синовдан ўтказишган. Бу навли лимон меваси ҳатто ҳозир ҳам энг бозоргир бўлиб, одамлар уни севиб, истеъмол қилиб келмоқда.

Ўтган асрнинг 80-йиларида, боғбон 50 гектарлик иссиқхонада ўзи яратган маҳаллий навлардан лимон етишириган, изланишларини изчил давом этириб, лимон, апельсин, мандариннинг юртимиз тупроқ-иқлим шароитига мос 10 дан ортиқ навларини яратишга эришган. Ўша йиллари Ўзбекистон бўйича 500 дан кўпроқ иссиқхоналарда унинг маҳаллий лимон навлари экилган. Шунингдек, лимончи боғбон ўшандা собиқ итифоқнинг 446 хўжалигига муунтазам равишда бу шифобаҳи мева ниҳолларини етказиб берган.

Илк бор цитрус ўсимликларни иссиқхона шароитида ўстириб, лимончиликка асос солган ЎзРФА нинг



фаҳрий академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном, Соғлиқни сақлаш аълочиси Зайниддин Фахриддинов ўз даврининг бир қанча давлат мукофотлари билан тақдирланган. Уларнинг барчаси машақатли изланишлар, узлуксиз меҳнатлар учун берилган, албатта.

Зайниддин акани яқиндан билган, таниган одамлар уни ҳаётда ниҳоятда камтар инсон бўлганини алоҳида таъкидлашади. Бир сұхбатда у "Ютуқларимнинг ҳеч қандай сири йўқ. Бу иш ҳамманинг қўлидан келади. Одам қилган ишни одам бажаради. Фақат ўз ишига меҳр

кўйиш, иймон-эътиқодли бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш, шуҳрат кетидан қувмаслик керак. Сидқидилдан изланган, астойдил ишлаган инсоннинг ортидан шуҳратнинг ўзи эрганишиб юраверади," деган экан.

Фидойи инсон, ўз ишининг устаси, миришкор олим Зайниддин Фахриддинов илмий-амалий тадқиқотлари давомий бўлишини ният қилиб, ҳамма фарзандлари — етти ўғил ва тўрт қизига лимон, апельсин, мандарин етишириш сирларини ўргатган. Унинг тўртинчи ўели Муҳаммадазиз отасининг илмий-амалий месросини ўрганиб, орзусини рўёбга чиқаришга астойдил интилоқда.

Масалан, кўп йиллик изланишлари натижасида у ҳозирда ҳар гектар ердан олинаётган 50-60 тонна лимон ҳосилини 200 тоннагача етказиш усулини ишлаб чиқди. Яқинда Ўзбекистон ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик Сайёра Рашидова раҳбарлигига илмий ходим Муҳаммадазиз Фахриддинов цитрус ўсимликларининг ўш кўчатларини қисқа муддатда қаламчадан илдиз олдиришдек янгиликни яратишиди. Бу изланишлар Ўзбекистон лимончилигининг ёрқин истиқболидан далолат, албатта.

Тоҳир ДОЛИЕВ.

О'zbekiston Qishloq xo'jaligi

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иктисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброл ВАХАБОВ
Музаффар ФАЙЗИЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шуҳрат ТЕШАЕВ
Собиржон ЭРГАШЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Содиқон ТУРДИЕВ
Сайдқул АРАБОВ
Яшин ХИДИРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўқтам УМУРЗОҚОВ
Норқул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2017 йил,
№2. Февраль

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташикілтлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — бош мезон	1
Б.ТОШНАЗАРОВ. Мулоқот ва манфаатлар уйғунлиги	2
Деҳқон далага отланди	3
Ж.АБДУРАЙИМОВ. Уруғлик чигитни сифатли тайёрлаш ва сақлаш	5
А.НАРИМАНОВ, Ж.АБДУРАЙИМОВ. Ёзға навларини тўғри жойлашириш мўл ҳосил гаровидир	6
С.АЛИҚУЛОВ. Тупроқ ости зичланган қатламни юмшатиш	7
Р.СИДДИКОВ, Ҳ.МАҲМУДОВ. Кузги фалла экинларини февраль ойида парвариша	8
Х.ЮСУПОВ, Р.СИДДИКОВ, Б.ҲАЙДАРОВ, М.ЖЎРАЕВ. Омилкорлик даромад келтирадар	9
Р.ҲАҚИМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Эрта эккан, эрта йигади	11
Р.АБДУЛЛАЕВ. Мевали дараҳтлар кўчатларини экиш	13
Р.АБДУЛЛАЕВ, М.ИСРОИЛОВ. Тоф ва тог олди худудларида ёнғоқ мевали дараҳтлар парвариши	14
Г.ФАҚИРОВА. Фермер васиятига кўра	15
Манзарали дараҳтлар	16
Х.АБДУЛЛАЕВА. Плёнка остида кулупнай етишириш — мўмай даромад манбаи	17
М.ТОШБОЛТАЕВ, И.ТЎЛАНОВ. Трактор ва тиркамаларни таъмиrlаш сифати	18
А.САТТАРОВ. Куч — билим ва тафаккурда	20
Б.ДУШАНОВ. Қишлоқ аҳолиси учун арzon ва шинам уйлар	21
С.РУСТАМОВ. Банк ходими мижоз хузурида	22
Я.ХУСАНОВ. «Ўзагролизинг» деҳқоннинг энг яқин кўмакчиси	23
К.ЭРГАШЕВ. Мехнатга яраша даромад	24
Таҳрибаларга таяниб	25
Томорқадан бошланган тадбир	26
Боги борнинг тоги бор	27
Ф.МИРЗАЕВ. Сара уруғ — мўл ҳосил замини	28
Чўлни бўстон этажтганлар	29
Х.КАРИМОВ. Меҳнати қадрланган ирригатор	30
Деҳқон билан ҳамнафас	31
Интилганнинг парвози баланд	32
Қ.АДИЛОВ. Иссиқхоналар: бугун ва эртага	33
Ш.ЖАББОРОВА. Чорвадорлар кўмакчиси	34
Д.НИЗАМОВ. Самарали, тежамкор янги технология	35
Х.ЭРГАШЕВА. Барқарор ривожланиш мақсадлари	36
М.ТОИРОВ. Орошение — первоочередная задача в освоении земель	37
С.РАҲМОНҚУЛОВ, Ҳ.ЖАЛОЛОВ, Ҳ.МАРДАНОВ. Экстремал шароитларга бардошли ёзға навларини жорий этиш – замон талаби	38
А.МАҲМАТМУРОДОВ, Э.УМУРЗАКОВ. Качество зерна кукурузы и ее изменение под влиянием фосфорного питания	39
Қ.МИРЗАЖОНОВ, Ф.САТИПОВ, Р.РАҲМОНОВ. Алмашлаб экишда беданинг ўрни	40
А.ҚАРШИЕВ, И.ҲАЙТОВ. Истиқболли олма навларини танлаш ва ажратиш	41
Б.ЭШОНҚУЛОВ. Сифатли уруғлик картошка етишириш	42
Ч.РИЗАЕВ. Ургучиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда бухгалтерия ҳисоби	43
И.НОСИРОВ. Экологик менежментнинг назарий ва услубий асослари	44
М.ТОИРОВ. Шижоатдан бўстон яралгай	45
Академик Шукур Ибрагимов — 90 ёшда	46
Т.ДОЛИЕВ. Ўзбек лимончилиги асосчиси	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтохур тумани,
А. Навоий кўчаси, 4-йй.
Тел/факс: 241-50-21, 241-30-31,
241-30-92, 241-61-07.
www.qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@qsxv.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru
© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2017 йил 31 январь. Босишига руҳсат этилди: 2017 йил 1 февраль. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма № . Нусхаси 5000 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-йй.

Навбатчи муҳаррир: **Х.МИРЗАЕВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**